

Тұхтамурод ЗУФАРОВ

# Хат таълими





*Бұ тасбиғда: "Расул аллох деділар:  
Хат яғын илмдір" деган ҳадис ақс этиан.*

**Тұхтамурод ЗУФАРОВ**

# *Хат тағлими*

(Хуснихат қоидалари)

«MERIYUS»  
Тошкент 2010

**81.2Араб**

**3-98**

**Зуфаров, Тұхтамурод.**

Хат таълими (хуснихат қоидалари) / Т. Зуфаров; масъул мұҳаррір Асрор Самад.- Т.: MERIYUS, 2010. - 280 б.

*Маъсул мұҳаррір:*

**Асрор Самад**

*Илмий мұҳаррір:*

**Қумрихон Султонова**

*Тақризчилар:*

*филология фанлари докторлари:*

**Мұхаммад Ҳакимов, Эргаш Умаров**

*тағырағи фанлари номзоди*

**Наим Норқұлов**

*рассом*

**Шұхрат Мирфаёзов**

Ушбу рисола мұхтарам замондошларимизни улуг боболаримиз салохијити билан асрлар мобайнида яратылған хуруфи арабия бүстонига етаклаш ва у ердаги санъат булогидан бир құлтум нұш әтмакларини таъминлаш мақсадида яратылды.

Азиз ватандошларимиз үл бүстон неъматларидан баҳраманд бўлгач, шояд қўпларига қалам олиб, туркй типда хат зийнатлашга киришсалар деган орзу хоҳиши аълоимииздир.

Рисоладан барча ватандошларимиз араб ҳарфлари ва уларни хуш ёзиш қоидаларини мустақил ўрганмоқ учун бир қўлланма, мұхтарам муаллимларимиз эса ўз шогирдларига хат таълимидан сабок бермоқлари учун бир дарслик сифатида фойдаланмоқларидан умидвормиз.

ББК 81.2Араб-8

ISBN 978-9943-360-83-9

© **Тұхтамурод ЗУФАРОВ,**  
«MERIYUS» XMHK, 2010 йил.

## **Миллий маданиятимизнинг унутлилган соҳаси (тақдим ўрнида)**

Баъзан муҳаррирлар муаллифларга нисбатан ўзларини деярли устоздек тутадилар. Сўнгра, муҳаррир китоб учун муаллиф билан тенг жавобгар шахс, ҳатто тенгхукуқли, деган фикр ҳам мавжуд. Назаримда, униси ҳам, буниси ҳам тўғрига ўшамайди. Албатта, ижодий тафаккур маҳсули билан ижодий матннинг устидан кўриб, уни услубий ва имловий жиҳатдан тузатишнинг орасида ер билан осмонча фарқ бор.

Бу ўринда гап муаллифлик ва муҳаррирлик ишлари ҳамда хуқуқлари устида эмас. Биз хукуқшуносларнинг вазифасини тортиб олиб, бу ишга ҳакамлик қила олмаймиз.

Гап шундаки, мен мазкур китобни таҳрир қилиш жараёнида, гарчи араб имлосини билсан ҳам, бу соҳада билимим янада пухтароқ бўлгандек туюлди ўзимга. Бинобарин, гарчи китоб қадимий маданиятимиз ҳисобланган хусниҳат қоидаларига бағишинган бўлса-да, жуда ҳам табиий равищда араб имлоси қоидаларини ҳам йўл-йўлакай ўргатиб боради ва бу йўлдаги машқий ишларни осонлаштиради.

Ҳозирги технология ва компютер тараққий этган бир даврда хусниҳат қоидалари нимаси, деган иштибоҳга бориш мумкин. Чunksи ҳозирда ҳар бир хонадонда бўлмаса ҳам иккidan бирида компьютер бор ва ҳатто мактаб ўқувчилари ёзма ишларини компьютерда ёзадилар, муаллимлар ҳам бу ишларни мамнуният билан қабул қиласидилар. Айтмоқчиманки, хусниҳат қоидалари ҳақидаги дарс мактаб дастурларидан қувғин қилинган.

Хўш, бу ҳолда бу китобнинг қандай аҳамияти бор ва китобхонларга нима беради?

Гапни узокроқдан бошламоқчиман. Ўтган асрнинг 60-йилларида рус фолклоршуноси В.Аникин ҳалқ бадиий оғзаки ижоди энди таърихгина бўлиб қолди, деган фикрни ўртага ташлаганда аксарият олимларнинг ғазабига дучор бўлган эди. Бугунга келиб, адабиёт ва санъат ижодий маҳорати юксак бўлган одамлар томонидан яратилаётган ва жаҳонга дурдана асарлар берилаётган бир даврда бу гапга ўзимиз ҳам қўшилиб қолдик. Бинобарин, фолклор асарлари комил бадиий асарлар бўлолмаслигига ақдимиз етди. Аммо хусниҳат ҳалқ бадиий оғзаки ижоди эмас, у — яратилган бетакрор ва буюк санъат. Санъат бўлганда ҳам, энг машаққатли, унча-мунча корафта рассомнинг қўлидан келмайдиган ноёб ҳунар. Ноёб ҳунар эканлигини-ку ҳеч ким инкор этолмайди. Аммо мазкур китобда келтирилган қоидалар ва машқларнинг ўзга мақсади ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Бу гапга мақоламизнинг сўнгроқ сатрларида қайтамиз.

Маълумки, биз, туркий халқларда араб ёзувидан ҳам анча асрлар олдин (тажминан З минг йил муқаддам) оромий, сўғдий, хоразмий, парфиёний, бахтарий ёзувлари бўлган, улар ҳақида ҳам биз билмаган қўлланмалар яратилган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас, боз устига, албатта, ўша ёзувларнинг хусниҳат қоидалари ҳам яратилган бўлиши мумкин. Аммо араб истилосидан кейин бу ёзувлар қатағон қилинди.

Агар ёзувлар таърихига назар солсак, энг қадимий ёдгорлик “Овасто”га дуч келамиз. Доро Биринчининг буйруги билан бунёдга келган оромий ёзувида битилган бу ёдгорлик не-не қатағонлардан ўтиб, бизгача етиб келган. “Овасто” битигини мутахассислар оромий ёзувида, дейдилар. Гарчи оромий ёзувини танимасак ҳам, унинг хусниҳатига қараб бобокалонларимиз қандай ҳунарманд бўлганликларини англаб ета оламиз. Археологик қазилмалар натижасида топилган бошқа битиклар ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. “Овасто” матнида 350 минг сўз бўлган, дейдилар. Бизгача эса 83 мингигина сўз етиб келган, холос. Жамасп деган хаттот томонидан битилган бу китоб(лар)ни яратиш учун бир одамга неча йил вақт керак бўлган экан ва унинг маشاққатли меҳнати нималар билан ўлчангандекан? Шарқшунос олим О.Клим тўғри таъкидлаган: “Овасто” “олтин сиёҳ билан пергаментга ёзилган”. Ана шу олтин сиёҳ билан ёзилган китоб(лар)ни Александр Мақдунийнинг буйруги билан унинг масталааст аскарлари Переспол шаҳрининг хазинасидан олиб ёқиб юборганлар. Баъзи Европа олимлари Александр Мақдунийнинг маърифатпарвар ҳукумдорлигига таянган ҳолда унинг буйруги билан ёқиб юборилганлигини инкор этишгача боргандилар. Аммо ўша “маърифатли ҳукмдор”нинг замондошлари Диодор, Плутарх (у Александр Мақдунийнинг йилномачиси бўлган), Ариан, Квинт, Курцийлар ўз хотираларида айнан Мақдуний буйруги билан “Овасто” ёқиб юборилганлигини тасдиқлаганлар.

Шу келтирилган мисолни мушоҳада қилиб кўрилса, Александр Мақдунийдан кейин юртимизга келган босқинчилар қанчадан-канча битикларимизни, бинобарин, маданиятимизнинг олтин саҳифаларини қатағон қўлганликларини тасаввур қилиш қийин эмас. Бир қадар яқинроқ ўтмишимизда ҳам араблар бостириб келиб, худди Мақдуний сингари улар ҳам “Овасто” битикларини изладдилар ва топғанларини йўқ қилдилар. Чингизхоннинг вайронагарчилигига-ку ҳаммаёқ оловга бурканди.

Жаҳонга ўзларини “маърифатпарвар”, “адолатпарвар” деб танитган большовой инқилобчилар-чи? Уларнинг сиёслатлари “ноёб” бўлди. Агар улардан илгари келган босқинчилар фақат маданий ёдгорликларни ёқиб, йўқ қилиш билан шуғулланган бўлсалар, инқилобчилар онгимизни ҳам ўзгартириб юборишга ҳаракат қилдилар.

Ҳа, биз шўроларнинг тазиқи билан ўз-ўзимизни саводсизга чиқариб кўйдик, “Овасто”дек маданий ёдгорликни яратган, меъморий ёдгорликларни замонларга узатган, “Дада Қўркут”, “Алпомиш”, “Гўрўғли” сингари бадиий обидаларни ёдаки билган, арабларга туркӣ тил грамматикасини ўргатган, биринчи бўлиб қофоз ишлаб чиқаришини йўлга кўйган, Арастунинг “Метафизика”сини биринчи бўлиб англаб, уни содда тил билан шарҳлаган ва мусиқани ноталаштирган, тиббиёт соҳасида мисли кўрилмаган қашфиётларни юзага келтирган, “0”ни ихтиро қилиб математикага асос соглан, Ҳинд уммонининг бу чеккасида туриб, уммоннинг нариги томонида ер борлигини башорат қилибгина қолмай, унинг мукаммал ҳаритасини чизиб берган ва кейинчалик Америка, деб аталган жойни очган, жаҳондағазал сultonни, деб тан олинган ва буюк “Хамса”ни яратган, қолаверса Ислом дини ва унинг маданиятини музайян қилган ҳалқ ёнпасига саводсиз бўлган, деб эълон қилинди. Бу ҳалққа шиппак билан қошиқнинг фарқига бормайдиган бошвойлар муаллимлик қилдилар.

Ўтган асрнинг 40-йилларидан бошлаб фақат кирил имлосида дарслар ўтилди. Масалан, Туркиядаги турклар каби лотин ёзуви билан муштарак ҳолда араб имлосини ҳам ўрганмадик. (Аслида, араб имлоси ҳам, лотин имлоси ҳам, кирил имлоси ҳам, бутқул унугтилган миҳнатлар ва Ўрхун-Енисей битиклари ҳам биз яшаб, умргузаронлик қилиб келаётган Ватанда яшаб ўтган жуда қадимий аждодларимиз қашфиётидир). Бизга-ку араб ёзувини номақбул, қийин, дея лотин имлосини тиқиширилдилар, ўргандик, бу имлода саводимиз тўлиқ чиқмай туриб, кирил ёзувини дастур қилиб бердилар. Кейинчалик англашимизча, байзи рус калималарини лотин имлосида ҳам тўғри ёзиб бўлмас экан. Масалан, “Ильич” деган номни “Ilich”, деб ёзишга тўғри келиб қолди. Ўзбек тишлинослари “тутук”ни ўйлаб тоғдилар. Араб имлосида “тутук” йўқ. (Араб ёзуви Эрон ва Ўрта Осиёга ўтгач, араб талаффузида бўлмаган “гоф”, “же”, “чим”, “пе” ҳарфлари кўшилиб, араб ҳарфлари 32 тага етказилган эди).

Лотин ёзувига асосланган ўзбек имлосида “Ильич”, “центр”, “лагерь” (лотинчада юмшатиш белгиси йўқ) сингари сўзларни ёзолмаганимиз учун бўлса керак, бирдан кирил имлосига ўтказилдик. Икки имло босқичини ўтгач, ҳатто 20-йилларда туғилганлар ҳам араб имлосини унуддилар. Мактабларданку араб имлоси кувғин қилинди. Олий ўқув юртларининг филология факультетларида жуда кам соатларда «эски ўзбек ёзуви» деган дарс ўтиларди. Бу дарс дастурида ислоҳ қилинган уйғур ёзуви ўргатилди. Бу имлога кўра араб ёзувидаги зер-забарлар ўрнига унли товушлар кўйилди ва ҳоказо. Демак, араб ёзувини биладиганлар жуда камайиб бораверган ва бунинг натижасида ҳусниҳат деган нозик санъатнинг йўқолиб кетиш хавфи туғилди.

Аммо мазкур китобнинг муаллифи ўз асарида буюк ҳурмат билан қайд қилиб ўтган санъаткорлар фидойилиги туфайли ҳуснихат санъати сақданиб қолди. Бу санъаткор фидойилар Ҳамид Сулаймон, Йўлдош Абдуллаев, мавлоно Чархий, Абдуқодир Муродий, Мулла Юнус домла Ҳакимжонов, Сафо Зуфаров, Наим Норқулов, Абдулла Носирий, Искандар Икромов, Ҳабибулла Солиҳов, Раҳимбой Жуманиёзов ва албатта, булар қаторида мазкур китоб муаллифи, чорак кам бир асрга яқин умр кўриб турган табаррук отахон Тўхтамурод Зуфаров ҳам бор.

Тўхтамурод Зуфаровнинг бу китоби хат таълими бўйича биринчи ва ягона иш эмас, албатта. Муаллифнинг ўзи “Муқаддима”да таъкидлаганидек, кўпгина хаттотлар ўзларининг ноёб ҳунарларини авлодларга етказмоқ учун рисолалар ва қўлланмалар битганлар. Аммо бу китоб ўзининг ўзгачалиги билан салафлардан фарқ қиласи. Бу фарқ қуйидагилардан иборат:

1. Муаллиф салафий манбаларга суюнган ҳолда иш кўради; ўзида 1 олдин бу соҳада рисола ёки қўлланма ёзган бирон муаллифни унутмайди ва уларнинг тажрибаларини китобхонларга мамнуният билан етказади.

2. Хаттотликнинг барча икир-чикирларигача тушунтиришга уринади; қалам очиш, қалам кесишдан бошлаб қалам ушлашгача бўлган жараённи эринмасдан бирма-бир кўрсатиб ўтади.


3. Ҳар бир ҳарфнинг ёзилиш жараёнини, ёзилишдаги қўл ҳаракатидан тортиб, хаттотлинг қай тарзда ўтиришигача, “таҳрики қалам”нинг йўналишидан тортиб қаерда тугашигача тасвирлайди.

4. Биламизки, Ўзбекистон Миллий университетининг филология факултетида, Шарқшунослик олий ўкув юртида талабаларга ҳуснихат ҳам ўргатилади. Ҳуснихат машқ қилишда бу китобнинг уларга жуда катта фойдали жиҳатлари бор. Муҳими, бугунги кунда шу китоб орқали ҳуснихатни муаллиф тарғиб қиласар экан, матншунослик деган нозик бир соҳани ҳам унутмайди. Матншунослик эса бугунги кунда жуда ҳам долзарб масала. Модомики, умуман ёзувдан, айниқса, ҳуснихатдан узоқлашиб бораётган давримизда китобда келтирилган машқлар ва назарий билимлар матншуносликнинг қалити бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Демак, бу китоб нафақат таърихий, балки мазмун ўзтибори билан ҳам замонавийдир.

Китоб ўқилар экан, гўё муаллиф билан ёнма-ён ўтириб хат машқ қилгандек ҳис қиласи киши ўзини. Бу муаллифнинг баён услубидаги маҳоратидан далолатdir.

Асрор САМАД,  
филология фанлари номзоди

\* Дарвоқе, китоб ичидаги ҳуснихат намуналари, форзацдаги тасвир муаллифга тегишли.



## Мундарижа

<b>Муқаддима.....</b>	<b>10</b>
Мозийга бир нигоҳ.....	15
Настаълик хати.....	18
<b>Биринчи бўлим – Ёзув куроллари.....</b>	<b>21</b>
Қалам.....	23
Қалам очиш асбоблари:.....	26
Қаламтарош.....	26
Қаламқат.....	29
Қалам очиш жараёни:.....	33
“Нахти қалам” (қаламни йўниш).....	33
“Шаққи қалам” (қаламни ёриш).....	36
“Қатти қалам” (қаламни кесиш).....	39
Қалам қобилияти.....	44
Баъзи мулоҳазалар.....	48
Давот.....	52
Лос.....	52
Сиёҳ.....	54
Қофоз.....	59
<b>Ёрдамчи ёзув куроллари.....</b>	<b>63</b>
Таглик.....	63
Мистар.....	66
Қаламдон.....	69
Жузвон.....	71
Мимсаҳа.....	73
Мамваҳ.....	74
<b>Иккинчи бўлим – Илк машқлар.....</b>	<b>77</b>
“Имсоки қалам” (қалам ушлаш).....	78
“Тахрики қалам” (қаламни юритиш).....	81
<b>Араб ёзувида нуқтанинг вазифалари.....</b>	<b>84</b>

<b>Нүкта асосидаги ёзув қоидаси.....</b>	86
<b>Машқ учун зарур ишоратлар.....</b>	88
1. Нүкта.....	88
2. Ўқ.....	89
3. Ярим нүкта.....	89
4. Чизим.....	90
5. Тик ва ётиқ чизиқлар.....	90
6. Нафас олиш.....	91
7. Нүктали ёзув.....	91
<b>Учинчи бўлим – Асосий машқлар.....</b>	92
<b>Назарий маълумот.....</b>	93
<b>Амалий машгулот.....</b>	100
а. Назарий машқлар.....	100
б. Қаламий машқлар.....	101
<b>Тўртинчи бўлим – Муфрадот.....</b>	106
1-таълим – “алиф”.....	107
2-таълим – “Бо” (бе).....	107
3-таълим – “Жим”.....	113
4-таълим – “Дол”.....	115
5-таълим – “Ро” (ре).....	116
6-таълим – “Зо” (зе).....	119
7-таълим – “Син”, “Шин”.....	120
8-таълим – “Сод”, “Зод”.....	125
9-таълим – “То”, “Зо”.....	127
10-таълим – “Айн”, “Файн”.....	130
11-таълим – “Фо”, “Қоф” .....	134
12-таълим – “Коф”, “Гоф” .....	137
13-таълим – “Лом”.....	141
14-таълим – “Мим” .....	143
15-таълим – “Нун” .....	148
16-таълим – “Вов” .....	151
17-таълим – “Хо” (Ҳойи ҳавваз).....	153
18-таълим – “Ло” (Лом-алиф).....	162
19-таълим – “Йо” (йой).....	165
<b>Бешинчи бўлим – Мураккабот.....</b>	173
Мураккабот моҳияти.....	174

<b>ب</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	198
<b>ج</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	203
<b>س</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	208
<b>ص</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	213
<b>ط</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	218
<b>ع</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	223
<b>ف</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	228
<b>ك</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	233
<b>ڭ</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	239
<b>ڭ</b>	– ҳарфининг қўшилиши.....	244
<b>Олтинчи бўлим – Муқаттаот.....</b> 250		
1.	Усул.....	252
2.	Таркиб.....	253
3.	Курси.....	254
4.	Нисбат.....	254
5.	Сууд.....	255
6.	Ташмир.....	256
7.	Нузул.....	256
8.	Ирсол.....	257
9.	Кувват.....	263
10.	Заъф.....	263
11.	Сатх.....	263
12.	Давр.....	264
<b>Намуналар.....</b>		266
<b>Сўнг сўз.....</b>		278



Ўзбекистоннинг истиқлол түғини мардона кўтариши маданий меросга бўлган муносабатни бутқул ўзгартириб юборди. Эндилиқда кишилар маданий меросга бегона кўз билан эмас, балки меҳр кўзи билан боқмоқдалар. Давр тақазоси билан бир вақтлар бизнинг республикамизда ҳам четга суриб қўйилган маънавий ёдгорликларимиздан бири – араб алифбосидаги ўзбек ёзуви ва унинг заминида майдонга келган ҳусниҳат санъатидир. Бу санъатнинг ноёб дурдоналари қўллэзма китобларда ва меъморий ёдгорликларда сақланиб қолган бўлишига қарамай, кўп вақт биз улардан ётсираб келдик.

Республикамизда ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва бу ҳақда таъсис этилган Қонунда араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувига кўрсатилган эътибор (16-модда) бизнинг олдимизга бир қатор жиддий вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Эндилиқда биз араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзувини зудлик билан ўрганибгина қолмай, балки улуғ боболаримизнинг салоҳияти билан яратилган анъанавий ёзув маданиятини қайта тиклашимиз ва уни келгуси авлодларга етказишимиш лозим. Ана шу эзгу ниятни кўнгилга жо қилиб, араб ёзуви қоидалари хусусида ушбу рисолага тартиб бердик.

Шуни қайд этиш керакки, араб ёзуви ва унинг қоидалари тубсиз уммондир. Шундай бўлгач, бизнинг рисоламиз денгиздан томчи деган сўздир. Лекин, шунга қарамай, у азиз ватандошларимиз кўз ўнгига ўша умонни гавдалантира олади, деб умид қиласиз. Зотан, рисолада баён қилинган ёзув қуроллари, якка ҳарфларнинг ёзилиш тартиблари ва ҳарф бирикмаларини ёзиш қонуниятлари ҳақидаги маълумотлар айни ўша уммонга хосдир.

Бу маълумотларни биз қўл ости мизда мавжуд бўлган айрим адабиётлардан, инқилобга қадар Ўзбекистонда чоп қилинган қўлланма ва дарсликлардан, шунингдек, хорижий мамлакатларда нашр қилинган китоблардан олдик. Мазкур адабиётлар ичida Фулом Дарободийнинг “Каллиграфия” – (Озарбайжон Давлат Университети нашриёти, Боку, 1953), Йўлдош Абдулаевнинг “Эски мактабда хат-савод ўргатиш” (“Ўрта ва олий мактаб” давлат нашриёти, Тошкент-1960), Абдуқодир Муродовнинг “Ўрта Осиё хаттотлик санъати таърихидан” (Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти-Тошкент-1971), Маҳмуд Бедреддин Йазирнинг “Medeniyet aleminde uazı ve islam medeniyetinde kalem gizeli” - (турк тилида “Ayyıldız matbaasi A.Қ.-Ankara, 1974”), араб хаттоти Ҳошим Мұхаммад қаламида битилган “Қавоид-ул хатт ал-арабия” -

(قواعد الخط العربي بخط عاصم محمد الخطاط)

(Бағдод-1971), (شينجونغ 1989) ,  
халқ нашриёти – (آن خط)،  
Афғонистонда чоп қилинган “Хунари хат” – (сол-1366), Адил Юсуф оғлў Казиевнинг “Художественное оформление азербайджанской рукописной книги XIII–XVII веков” (Москва, изд-во “Книга” – 1977), Леонид Иванович Проненконинг “Каллиграфия для всех” – (Москва “Книга”, 1990), хаттот Ҳабибулла Солихнинг “Алифбо” қўлланмалари (Фан, 1989), Алишер Шомуҳамедовнинг “Виды арабского письма”, (Ташкент-1985), Комилжон Носировнинг “Араб ёзуви”, (Тошкент, 1991) сингари асарлари ва яна бошқа кўпдан-кўп китоблар биз учун дастурул-амал бўлди.

Шермуҳаммад Авазбий ўғли Муниснинг “Саводи таълим” (Ўзбекистон ФА, Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, инв. №1330) ва тошкентлик хаттот Мұхаммад Азим ибн Рўзимуҳаммад ал-Музанниб ал-Тошкандийнинг “Миръоти таълим” (“Таълим ойинаси”) – (Матбаи “Ғуломия”, Эски Тошканд, 1912) асарлари эса асосий манба вазифасини ўтади.

Шунингдек, айрим ўринларда хат машқи оқибатида ортирган шахсий тажрибаларимизга ҳам суюндиқ.


Рисоланинг бош мақсади хат машқидан иборат бўлгани учун биринчи қисмда ёзув қуроллари ва уларни тайёрлаш қоидаларига имкон борича мукаммалроқ тўхташга ҳаракат қилдик. Чунки ҳозирги кунда ўша ёзув қуроллари ҳамда уларни тайёрлаш қоидалари деярли унутилиб кетган. Шунинг учун имкон доирасида ёзув қуроллари ва уларни ҳозирлашга оид айрим атамаларни ҳам келтирдик. Бу атамаларни араб алифбосидаги имлоларни кўрсатиш билан бирга, маълум даражада уларни шарҳладик. Шунингдек, баъзи ёзув қуролларини тайёрлаш ёки бўлмаса, уларнинг ўрнига ҳозирда мавжуд ёзув қуролларидан фойдаланиш борасида ҳам ўз тавсияларимизни баён қилдик.

Яна бир муаммо шундан иборатки, хат машқ қилаётган баъзи биродарларимиз араб ҳарфларини бир қалам тортиш билан ёзишга уринадилар. Бу, албатта, уларнинг айби эмас. Чунки Оврупо ёзувларида, жумладан, инглиз ёзуви қоидасида бутун бир сўзни қалам узмай ёзилади. Айрим ҳарфларнинг белбоғ ва нуқталари эса сўз буткул ёзиган бўлинганидан кейингина қўйилади. Айни шу қоида ҳозирда жорий алифбоимиз кириллицага ҳам хосдир.

Шарқ халқларининг ёзувларида эса ахвол ўзгача. Зотан, бу ёзувлардаги ҳарфлар айрим-айрим бўлак (элемент)лардан ташкил топган бўлади ва бу бўлаклар қатъий тартиб асосида бирин-кетин, навбатма-навбат ёзилади. Жумладан, япон халқининг “хирагана” алифбосидаги “а” ҳарфи уч бўлақдан иборат бўлиб, қуидаги тартибда ёзилади:



Араб алифбосидаги “коф” ҳарфи ҳам уч бўлақдан иборат ва у шундай тартибда ёзилади:



### 3) “Коф”нинг қўли –



Араб алифбосига хос мана шундай тартиботдан бехабар кишилар “коф” ҳарфини ёзишни бевосита унинг “қўли” ёки “чаноғи”дан бошлай берадилар. Бу ҳол бизни рисоланинг иккинчи қисмида араб алифбосидаги ҳарфларнинг ҳар бирини қандай бўлаклардан ташкил топгани, қандай тартиб ва қандай ўлчовларда ёзилиши, яъни “хат таълимни” хусусида батафсил сўз юритишига мажбур этди. Бу борадаги асосий сўзни табаррук устозларга – Мунис ва Муҳаммад Азимларга беришга қарор қилдик. Чунки улар ўз даврида хат таълим мининг билимдонлари бўлганлар. Шунинг учун уларнинг юқорида номлари тилга олинган “Саводи таълим” ва “Миръоти таълим” китобларидан ҳар бир ҳарфга оид таълимларни алоҳида-алоҳида келтирдик. Ундан кейин эса бу таълимларга ўз шахсий изоҳимизни илова қилдик. Изоҳларимизнинг асосий мақсади хат машқи ва унинг жараёнини ифодалашга қаратилгандир.

Рисоланинг учинчи қисмида асосий эътибор ҳарф бирикмаларининг ёзилишига қаратилди. Чунки араб ёзувидаги ҳарфлар бир-бири билан қўшилиб ёзилганда бошқача тус оладилар ва бир неча кўринишларда намоён бўладилар. Бордию ҳарф бирикмаларини ёзишда ўша анъанавий кўринишдан бир оз бўлса-да четга чиқилса, ўкувчи чалфиши ва сўзни нотўғри ўқиши табиий. Шунинг учун бу қисмда ҳам олдинги қисм тажрибасидан көлиб чиқиб, ҳарф бўлаклари, уларни ёзиш тартиби ва ўлчовларига алоҳида аҳамият берилди. Аммо асосий дикқат ҳарфларнинг ўзаро бирикиш ўрнига қаратилди.

Ниҳоят, рисоланинг тўртинчи қисмида ҳусниҳат санъатининг асосига мансуб қоидалар ва настаълик хатида битилган ёзув намуналари берилди. Намуналар йўғон қалам (“қалами жалий”) билан бошланиб, ингичка қалам (“қалами ҳафий”) га ўтилади. Шунингдек, ҳусниҳат намуналари оддийликдан мураккаблик сари ўсиб боради. Ҳусниҳат

санъатига ҳавасманд ватандошларимиз мазкур намуналарга қараб, қайта-қайта кўчириш оқибатида ўз хатларини силлиқлаб оладилар, деган умиддамиз.

Албатта, ушбу рисола араб хатига оид барча маълумотларни қамраб олмайди. Зотан, у мазкур мавзу бўйича қўйилган биринчи қадамдир. Шунинг учун ҳам рисола айрим хато ва камчиликлардан ҳоли бўлмаслиги табиийдир. Бу ҳақда, албатта, мураттиб (тузувчи)ни огоҳ қилмоқлари матлубдир.

Шу ҳақиқатни очик эътироф этмоқ лозимки, хат санъатига оид ўнлаб нодир қўллэзма асарлар турли китоб ҳазиналарида ўз ўқувчилари ва тадқиқотчиларини кутиб ётмоқда. Агар ушбу рисола китобхонлағимиз қалбини ана ўша китобларга жалб этса, ўзимизни баҳтиёр деб ҳисоблаймиз. Шунинг билан биргъя, мураттиб бу рисолани рўёбга келишида ўзларининг қимматли маслаҳатларини берган Ҳамид Сулаймонов номли Қўллэзмалар институтининг илмий ходимлари, филология фанлари доктори М.Ҳакимов ва Қ.Маҳмудов, илмий ходимлар А.Шокиров ва Р.Шарафутдинова, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқитувчилари Л.Халилов ва Н.Норқулов, Наманган Давлат педагогика университети ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди Р.Холматов ва бошқа азизларга ўз миннатдорчилигини изҳор қиласди.

Шунингдек, мураттиб Ҳалқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика марказининг араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви мутахассиси Қ.Султоновага ишнинг методик йўриғига мансуб маслаҳатлари учун алоҳида маннатдорчилик билдиради.





Мозийнинг хира уфқлари оша она ватанимиз таърихига нигоҳ ташласак, ўлкамизда араб ёзувидан илгари ҳам бир қатор етук ёзувлар мавжуд бўлганини кўрамиз. Зоро, Ўрта Осиё халқлари араб истилосига қадар қарийб бир ярим минг йил илгари товуш (фонетик) алифболари билан таниш эдилар. Бунинг устига милоддан аввалги учинчи асрда ватанимизда сўғдий, хоразмий, парфиёний, баҳтарий каби ёзувлар шу ерда яшовчи халқларнинг "миллий" ёзуви сифатида барҳаёт эдилар. Ўрта Осиё халқларининг мана шундай юксак ёзув маданияти соҳиби бўлганликлари туфайли араб истилосидан кейин жорий этилган ва барча учун мажбурий бўлган араб ёзувини ўзлаштириш осон кечди. Чунки араб ёзуви юқорида зикр этилган ёзувлар сингари энлик қалам ва қора ранг (сиёҳ) билан ўнгдан чапга томон ёзилар эди. Ўрта Осиё халқларининг ёзувлари билан араб ёзувидаги қалам ҳаракатининг деярли мутаносиблиги араб ёзувини тез ўзлаштиришнигина эмас, балки уни ерли халқлар томонидан юксак бадиий камолотга кўтариш имконини берди.

Таърихий манбаларнинг маълумот беришича, ислом маданиятининг илк даврларида араб мамлакатларида тўрт хил ёзув истифода этилган. Булар "Хатти Маккий", "Хатти Мадиний", "Хатти Басрий", ва "Хатти Кўфий"лардир. Бу ёзувлар ичida "Хатти Кўфий" қадимий Эрон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалди.

Эътиборлиси шундаки, "Кўфий" хатининг ҳарфлари ўша даврлarda ҳеч қандай нуқтасиз ёзилар эди. Бу ҳол уни ўқишда маълум қийинчилкларга сабаб бўларди. Шунинг учун кейинроқ "Хатти Кўфий", яъни, "Кўфий" хатини ислоҳ қилишга тўғри келди ва бу ислоҳ "нуқта"лар ва "ҳаракат"

бөлгиларини кашф қилишдан иборат бўлди. Лекин шунга қарамай, “Куфий” хати йилдан йилга ортиб бораётган ёзув эҳтиёжларини қондира олмай қолди ва бу хатда иш юритиш қийинлаша борди. Натижада у ўз ўрнини “насх” хатига бўшатиб берди. Чунки, “насх” хатида “нуқта” ва “ҳаракат” белгиларини ўз ўрнида бехато қўллаш имкони мавжуд эди.

“Насх” хатини “кўфий” хати заминида Абу Али Мұхаммад ибн Али ибн Муқла (886-940) номли араб хаттоти тартиб берди. Унинг шаънига форс тилида қуйидаги байт битилган:



### Мазмуни:

Бу хат шу қадар гўзалдирки, агар Ибн Муқла  
тирилса,  
Уни ёзган қаламнинг қириндиларини киприги  
билиан йигарди.

“Кўфий” ва “насх” хати асосидаги алифбода ҳарфлар сони 28 та эди. Форслар ва туркий халқлар ўз тилларида мавжуд бўлган бир неча товушларнинг ҳарфларини бу алифболардан топа олмадилар. Бу товушларни ифода этмоқ учун улар мазкур алифбога яна тўрт ҳарф иловава

қилдилар. Булар ушбу ҳарфлардир:

“гоф” – گ , “же” – ڇ , “чим” – چ , “пе” – پ

Шундай қилиб форс ва туркий тилларда ишлатилган алифбонинг ҳарфлари 32 га ётди. Мана шу алифбо барча туркий халқлар орасида кенг тарқалди ва асрлар давомида илим ва адабиёт тараққиётига хизмат қилиб келди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур алифбода илк бор туркий сўз битилган кундан эътиборан у миллий ёзувга айланган эди. Шунга кўра, узоқ асрлар давомида араб алифбоси асосидаги миллий ёзув шарқ мамлакатлари, шу жумладан, кўхна Туркистонда ғоят тараққий топди ва насх хати заминида бир қатор янги хатлар яратилди. Бу хатларнинг энг машҳурлари “Хатти сунбулий”, “Хатти сулс”, “Хатти райҳоний”, “Хатти дёвоний”, “Хатти таълиқ”, “Хатти настаълиқ” ва “Хатти шикаста”лардир. Буларнинг ичидан “Хатти сулс” ва “Хатти настаълиқ” Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистонда кенг қўллана бошлади. Бунинг оқибатида вужудга келган анъанага биноан “Хатти сулс”да сарлавҳалар, кейинроқ эса, асар номлари ёзилган бўлса, “Хатти настаълиқ”да ўша асарларнинг ўзлари битилди. Айниқса, миллий адабиётимизнинг кўрки бўлган ғазал “Хатти настаълиқ”да ажиб зийнатга мушарраф бўлди.

Шу тариқа “Хатти насх” китоблар орасида “Хатти қуръоний” номи билан кўпроқ диний асарлар кўчиришда қўлланган бўлса, “Хатти настаълиқ” эса илим ва санъатнинг барча соҳаларида кенг қўлланиб келинди. Шунинг учун ҳам биз ушбу рисолада асосан “Хатти настаълиқ” ва уни ёзиш қоидалари хусусида сўз юритамиз. Бу қоидаларни яхши билиш эса маълум сабаблар муносабати билан оддий хотирага айлантириб қўйилган миллий маданиятимизнинг нодир бир шуъбаси бўлмиш хаттотлик санъатига янгидан ҳаёт баҳш этиш демакдир.



Ўтмишнинг хат “возиъ” (тузувчи)лари араб ёзувини икки асосий гуруҳга бўладилар. Буларнинг бири “куфий” услуби бўлса, иккинчиси “насхий” услубидир. “Куфий” услубида ҳарфлар тўғри чизиқли ва бурчакли қилиб, ёзилсалар, “насхий” услубида битилган ҳарфлар эса ўзларининг эгилганлиги, ўзига хос бирикуви ва равон ёзишга қулайлиги билан ажралиб турадилар.

Биз ўрганишга киришган настальиқ хати араб ёзувининг мана шу “насхий” гурухига мансуб бўлиб, манбаларда қайд қилинишича, у шу гуруҳга кирувчи “насх” ва “таълиқ” хатларидан таркиб топгандир. Аслида, “насх” сўзининг луғавий маъноси “йўқ қилиш”, “бекор қилиш” демакдир. Шунингдек, унинг “янги” деган маъноси ҳам бор. “Таълиқ” сўзи эса “бир-бирига осиб қўйилган” маъносини билдиради. У ҳолда “Настаълиқ” сўзини тахминан “Ҳарфлари бир-бирга осиб қўйилган янги хат” деб талқин қилиш мумкин. Дарҳақиқат, дастлабки даврларда бу хат: “насх-таълиқ” деб юритилган. Кейинча, бу икки сўз ўзаро бирикиб, “х” ҳарфи орадан тушиб қолган ва ягона сўз сифатида “настальиқ” деб юритила бошлаган. “Настаълиқ” хатига, юқорида айтилганидек, “насх” ва “таълиқ” хатлари заминида Мир Али ибн Илёс Табризий (1330-1404) асос солган. Улуғ бобокалонимиз Амир Темурга замондош бўлган бу табаррук сиймо мадхига манбаларда шундай сатрлар битилган:

نسخته عليق اکرخى و جلى آست  
 و اضع الاصل خواجى مير على آست  
 ئى كىللاش از آن شىكىزىست  
 حىلاش از خاڭ ياك تېرىزىست


### Мазмунى:

"Настаълиқ агар "хафий" (майда)  
 ва "жалий" (йирик)дир.  
 Тузувчи уни Хўжа Мир Алидир.  
 Унинг килкидан шакар тўкулур,  
 Чунки, ватани пок тупроқли Табриз ўлур."

"Настаълиқ" хати майдонга келиши биланоқ, барчани ўзига мафтун қилди ва тез орада Шарқ мамлакатлари бўйлаб тарқалди. Айниқса, хат санъатини касб қилганлар учун "настаълиқ" хатидаги нафосат ғоят маъқул келди. Чунки, "настаълиқ" хати ҳарфларининг ингичка ва йўғон чизиқлардан тузилганлиги ва уларнинг ёзувда бир-бири билан уйғунлашиб, узун-қисқа битилиши кишида ажиб бир ижодкорлик руҳини пайдо қиласди. Шунингдек, "настаълиқ" хатида ҳарфларнинг баъзи ёзувлардаги сингари бир қаторга тизилган аскарлардек эмас, балки чуқур мантиқ асосида остма-уст ёзилиши нафис нақшни намоён қиласди. Айни шу ҳолат, "настаълиқ" хатини юксак санъат дараражасига кўтарилиши учун асосий восита бўлди. Бу юмушни амалга

Хаттот

оширган санъаткорлар эса “хаттот” – “ёзув санъаткори” деган табаррук номга мушарраф бўлдилар. Ўтмишда ўзбек халқи орасидан ҳам нозик таъб хаттотлар кўплаб етишиб чиққанлар. Улар ҳақида раҳматлик устод Абдуқодир Муродовнинг “Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан” номли китобида кўп муҳим маълумотлар келтирилган. Бироқ муҳими шундаки, ўзларини ҳамиша хоксорлик билан “фақиру-л-хақир” деб атовчи бу табаррук зотларнинг улкан заковати билан ўзбек адабиётининг буюк намояндадлари Мавлоно Лутфий, Алийшер Навоий, Заҳиридин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис, Муҳаммадизо Эрниёзбек ўғли Огаҳий, Муҳаммад Аминхўжа ўғли Қуқимий, Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқат, Анбар отчи, Каримбек Шарифбек ўғли Камий, Сайд Ҳайбатуллоҳўжа Сайдорифхўжа ўғли Хислат, Абдулла Авлоний, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдулҳамид Сулаймонқул ўғли Чўлпон ва бошқа кўпдан-кўп адиларнинг асарлари қоғоз саҳифаси узра зийнат топди ва ўзбек халқининг маънавий мулкига айланди.







Ёзувелар таърихига назар ташласак, ҳар қандай ёзув маълум қуроллар воситасида битилганининг шоҳиди бўламиз. Яна, айни шу қуроллар уларга умрбоқийлик баҳш этганини кўрамиз. Араб ёзуви ҳам бу умумий қоидадан мустасно эмас. Аммо, араб ёзувида ёзув қуролларига нисбатан муносабат буткул ўзгача бўлиб, уларни ҳозирлаш, тутшиш ва сақлаш жуда изчил қоидалар асосида адo этилганки, бора-бора бу қоидалар мустаҳкам анъанага айланган. Ниҳоят, ана шу анъаналар заминида катта бир маданият майдонга келган.


Бу маданият талабига кўра ёзув қуролларини мустақил тайёрлай билмаслик, уларни эҳтиётилик билан сақламаслик ва тартиб билан тутмаслик ўта айб деб ҳисобланган ва чукур маданиятсизлик деб саналган. Шунга кўра биз, бевосита ёзув ва унинг қоидалари хусусида сўз юритишдан аввал, ёзув қуроллари устидага қисқача бўлса-да, алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишини лозим топдик.



Қалам араб ёзувининг асосий қуроли ҳисобланади. Шунга кўра араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзуви ҳам фақат қалам билан битилган. Бироқ “қалам” дейилганда ҳозирги “Архитектор”, “Салют”, “Спартак” сингари турли номлар билан аталувчи графитлик қалам (карандаш)ларни тушунмаслик лозим. Зотан, илмий манбаларда кўрсатилишича, “қалам” сўзининг асл маъноси “қамиш” (тростник)дир.

Ўзбекистонда қамишнинг икки тури ўсади. Уларнинг бири ичи ҳовал (бўш) бўлиб, сув ҳавзаларининг бўйларида учрайди. Иккинчисининг эса, ичи оқ лаҳм (пўкак) билан тўла бўлади. Буни баъзи вилоятларда “савағич” ёки “тўқ қамиш” деб атайдилар. Ана шу қамишларнинг ҳар иккаласини пишиб етилган (яъни тўқ сарик, баъзан жигарранг тусга кирган) пояларидан “қалам” тайёрлаш мумкин. Ўтмишда “савағич”дан “қалам” тайёрлашда аввало унинг етилиб пишганлигини аниқлаш мақсадида схиста тишлаб кўрилган. Агар тиш ботса, “хом экан” деб пичноқ билан майдалаб ташланган. Бу билан бошқалар овора бўлишларининг олди олингган. Бордию тиш ботмаса, яроқли деб топилган ва ундан “қалам” йўнилган. Сўнгра қаламнинг уч томонидан бир оз қисми кавлаб ташланган.

Қадим вақтларда савдо гарлар бизнинг юртимизга қалам учун Эрон, Арабистон ва Ҳиндистонда ўсадиган ичи ҳовал қамишлардан ҳам келтиришган. Бу қамишлар ўсган жойларининг номи билан “мисрий”, “мозандароний”, “ироқий”, “амуйй” деб юритилганлар. Амударё ҳавзасида ўсадиган “амуйй” қамишлари Ироқ қамишларидан кейин, иккинчи ўринда турган. Бу қамишларнинг бизда ўсадиган



"*Касаб*" арабтада  
"най", "камыш" де-  
макдур. Хаттот-  
ликда у қаламта  
иң жалғалғанан қа-  
миш бүлгелі мағ-  
носини билдирады.

қамишлардан фарқи шундаки, уларнинг устидаги сирлари қалинроқ ва этлари мустаҳкамроқ бўлади. Бироқ уларни жанубий ўлкаларда ўсувчи “фаров” (бамбук) деб билмаслик лозим, чунки, “фаров”нинг пояси йўғон бўлиб; ёғочи ғоятда қаттиқ бўлади. Баъзан, йирик (“жалий”) ҳарфларни ёзиш мақсадида “фаров”дан ҳам қалам тайёрланади.

Одатда, ёзув талабига ҳар томонлама жавоб берадиган “қалам” тайёрламоқ учун тахминан бир қарич, манбаларда қайд қилинишича эса “уч тутам” (яъни уч мушт) узунликда қамиш кесиб олинган. Кўпинча қамишни ёрилиб кетишдан муҳофаза қилиш мақсадида унинг **قصب** бир бўғими ҳам қолдирилган. Сўнгра, “қасаб”- **قصب** деб юритилган бу қамиш бўлагидан “қаламтарош” (пичоқ) воситасида қалам очилган. Ёзув ишида энг масъулиятли бўлган бу юмушнинг ўз тартиб ва қоидалари бордирки, улар ҳақида алоҳида тўхталамиз.

Бироқ, бевосита қалам очиш қоидалари борасида сўз юритишдан аввал, қалам очиш асбоблари хусусида бир оз бўлса-да маълумот беришимиз шарт. Чунки қалам очиш асбобларини билмай туриб, қалам очиш қоидаларини ўзлаштириб бўлмаслиги табиий.



# قلم آچىش اسбوبلار

Қалам очиш асбоблари


## قلم تراش

Қалам очиш асбоблари асосан иккита бўлиб, уларнинг биринчиси “қаламтарош”дир. Форс тилидан ўзбек тилига ўтган бу сўзниг маъноси ҳозирги

кунда ҳам барчага тушунарлидир. Лекин, ҳозир унинг адо этадиган вазифасига кўра асл маъносини бошқача тушунамиз, яъни “қаламтарош” дейилгандан кўпчилик графитли қалам (карандаш)ни очиш учун қўлланадиган асбобни тушунади. Қадимда эса уни адо этадиган вазифасидан келиб чиқиб номлаганлар. Шунга кўра “қаламтарош” дейилгандан қамиш қаламни тарошловчи, яъни йўнувчи асбоб тушунилган.

Бизда қаламтарошнинг бошқа номлари ҳам бор. Жумладан, Тошкент вилоятида уни “пакки” дейишса, Хоразм томонларда “чаққи” дейишади. Кўп жойларда эса умумий ном билан “пичоқ” ёки “пичоқча” деб ҳам юритишиади. Лекин қамиш қаламни йўнувчи пичноқни унинг асл маъносида “қаламтарош” деб атаган маъқулдир. Чунки, ўтмишда бу ҳақда сўз юритган муаллифлар айни шу сўзни қўллаганлар. Жумладан, “Саводи таълим” рисоласининг муаллифи Мунис қаламтарош ҳақида шундай сўзларни битганки, улардан фақат “қаламтарош”нинг тузилишинигина эмас, балки адо этадиган хизматлари ҳақида ҳам муҳим маълумотларга эга бўламиз:

Эй ким хати хўб эрур талошинг,  
Бўлсун бу сифат қаламтарошинг.  
Ким асрุ итик нечукки пакку,  
Найни қалам этсун, ўйлаким мў.  
Нозик қалам ичра айлонурдек,



*Кадымда хаттоттар  
мата шундаң қалам-  
пафо шапардан ғойдалан-  
ғанлар. Бұу қаламта-  
роштарнини бири (1)  
қаламни шүймөк, ик-  
кинісі (2) эса уннан  
үйнин ёрмөк ба кесмөк  
үйүн құлланылған.*

Комингча йўнорни қозғонурдек.  
Юпқа шақ ойирмоқ ичра маргуб,  
Нўги қаламингни ёргудек хўб.  
Гар мундоқ эмас қаламтарошинг,  
Йўнмоқ аро танг ўлур маошинг.  
Вар яхши йўнулмаса қаламлар,  
Шак йўқки, ёмон тушар рақамлар.

Муниснинг бу сўзларидан англашиладики, қаламтарош биринчи навбатда бениҳоя ўткир, кесгир (“асру итиқ”) ва қамиш ичини тозаламоқ учун (“Нозик қалам ичра айланурдек”) учли бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, манбаларда қайд этилишича, ўтмишда хаттотлар икки хил қаламтарош тутганлар. Уларнинг бири қаламни йўниш учун мўлжалланган бўлиб, тифи худди ханжарга ўхшаш учлик қилиб ясалган. Аммо унинг ханжар тифидан фарқли ўлароқ, фақат бир томонигина кескир бўлган. Иккинчи қаламтарош эса, қалам учини ёриш ва кесиш учун мўлжалланган бўлиб, тифи худди устараники сингари учсиз шаклда бўлган. Шу жиҳатдан, ҳозирда сотувда мавжуд пайванд пичоқлар юқорида айтилган қаламтарошларга айнан ўхшашдир. Чунки пайванд пичоқнинг икки тифи бўлиб, бири учли, иккинчиси эса учсиздир. Шунга кўра, бу пичоқнинг учли тифи қаламни йўнишга, учсиз тифи эса қаламнинг учини ёриш ва



кесишига ғоят қулай. Бундай қаламтарошни ишлатганда тиғларининг беҳуда қимирламаслиги ва бекорга ёпилиб қолмаслигига эътибор бериш керак. Шунингдек, қаламтарошни ҳамиша ўткир ҳолда сақлашга ҳаракат қилиш лозим. Чунки ўтмас қаламтарош билан очилган қалам ҳам ўтмас бўлади. Ўтмас қалам билан битилган ёзувни эса кўз олдига келтириш қийин эмас. Яна шуни ҳам айтиш керакки, баъзан қалам учини кесиш оқибатида қаламтарош тифига сиёҳли айрим қийтиқлар ёпишиб қолиши мумкин. Бундай ҳолатда қаламтарош тигини нам латта билан артиб тозалаш лозим.

Умуман, хат битмоқ иши учун зарур асбоблардан бири бўлмиш қаламтарошни ҳамиша тоза ва ўткир ҳолда сақлашга одатланиш зарур.

Қалам очишида ишлатиладиган иккинчи асбоб “қаламқат” дир. Манбаларда “қаламқат”ни араб  тилидаги “қатт” - сўзидан келиб чиқиб, “кесувчи асбоб” маъносида “Миқатт” - , бирор нарсанни кесадиган жой маъносида “Мақатт” -  - деб ҳам қайд қилинади. Туркияда уни “қаламнинг ёстиги” маъносида “Мақтаъ” -  д е аташади. ўзбекистонда эса қадимдан уни “Устида қалам кесиш адо этиладиган асбоб” маъносида “қаламқат” деб юритиб келишган. Жумладан, Мунис ўз рисоласида:

Гар софу латиф эса қаламқат,  
Яхшидур этгали қалам қатт.  
Дандони латифу шох софий  
Қатт қилғали бордур асрү кофий.

-деб ёзади. Бу ерда Мунис “латиф” сўзини икки маънода, яъни биринчи ўринда “чиройли, гўзал” маъносида қўлласа, иккинчи ўринда эса “юмшоқ”, “мулойим” маъносида қўллайди.

*Фир сүзиндан  
некшінкөр қылғы  
ясалған қадимнан  
“қаламқат”.*




Дарҳақиқат, қадимда “қаламқат” тайёрловчи хунармандлар уни ўта нақшинкор қилиб, ўймакорликлар билан ясаганлар. Шунингдек, унинг устига қалам қўйиб кесиладиган асосини маълум даражада юмшоқроқ хомашёлардан тайёрлаганлар. Чунки улар, биринчидан қаламтарошнинг тифини ишдан чиқмаслигини, иккинчидан эса қалам учини охиригача кесилишини назарда тутганлар. Шу жиҳатдан фил тишидан ясалган “қаламқат”лар энг мақбул ҳисобланган.

Ҳозирги кунда оддий “пластмасса” ёки “кимёвий ойна” (оргстекло), булар бўлмаган тақдирда эса, оддий ёғоч чизгичдан “қаламқат” тайёрлаб олиш мумкин. Бунинг учун бўйи 15-20 см., эни 2-3 см., қалинлиги эса 3-4 мм. (бундан қалинроқ бўлса ҳам ярай беради) катталикда асос тайёрланади. Уни юқори томонига ғунча шаклида безак ишлаш мумкин. Паст томонидан эса асоснинг тўртдан бир қисмига қалам тушиб турадиган мослама ёпиштирилади. Уни “қалам ётоғи”, “қалам уяси” ёки бўлмаса “қалам уйи” маъносида “хонайи қалам” деб юритишган. Чунки қалам дастаси шу уяга жойланган ва унинг тифи “қаламқат” асосининг юзасига текис ётган. Шу ҳолатда қалам учини ёриш ва қирқиш (кешиш) фоят қулай бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “қаламқат” араб ёзувининг ва айниқса ҳусниҳат санъатининг асосий қуроли бўлмиш “қалам”ни тайёрлашда жуда зарур асбобдир. Шунинг учун ҳам “қаламқат” ҳамиша хаттотлар олдида турган ва улар эҳтиёткорлик билан уни тоза ҳолда сақлаганлар.

Умуман, “қаламтарош” билан “қаламқат” араб ёзувига мансуб қуроллар ҳисобланса-да, улар бевосита “қалам”га алоқадордирлар. Зоро, “қалам очиш” жараёнини бу икки зарур асбобсиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Одни пластмасса еки  
өнөт таңтаңдан ясаш  
мүнкін бўлан  
“каланқат” шакли.



# قَلَامْ أَجْسَحْ جَرَائِنْ

*Қалам очиш жараённи*


Қалам очиш бир неча муҳим жараёнлардан иборатдир. Ўз ўрнида бу жараёнлар бир-бiri билан узвий боғлиқ бўлиб, даврлар ўтиши билан изчил қоидаларга айлангандир. Кўринишидан ниҳоятда содда бўлган бу қоидаларни бобокалонларимиз асрлар давомида кўп тажриба ва узоқ мушоҳадалар асосида яратгандар. Шунинг учун уларга риоя қилиш хат машқини ният қилган биродарларимиз учун фарздор.

Манбаларда кўрсатилишича, қаламни бемалол ва қоидали хат **نَخْت قَلَمْ** битиш мумкин бўлган даражада очмоқ учун “нахт” – “йўниш”, “шаққ” – “ёриш” ва “қатъ” – “кесиш” деган уч асосий жараённи адo этиш керак. Ўтмишда, мактаб ва мадрасаларда бу жараёнларни форсча қилиб, “Нахти қалам” – (“қаламни йўниш”), “Шаққи қалам” – (“қаламни ёриш”) ва “Қатти қалам” – (“қаламни кесиш”) деб юритишган ва барча талабалар қалам очишнинг бу аъмолини пухта билишган. Биз ҳам хат машқига киришар эканмиз, қалам очиш тартибини яхши билишимиз ва мустақил равишда қалам оча олишимиз шарт.

– “Нахти қалам”  
("Қаламни йўниш")

Қалам очишнинг дастлабки жараёни бўлмиш “Нахти қалам”да ўртача йўғонликдаги қамишдан кесиб олинган бўлак (“қасаб”)ни чап қўлнинг бош, кўрсаткач ва ўрта бармоқлари





билин сиқиб ушланади (расмға қаранды). Бунда бош бармоқ узатилған ҳолда бўлиб, кўрсаткич ва ўрта бармоқлар эса эгилған ҳолда қамишни юқори кафт узра босиб турадилар. Сўнгра, ўнг қўлнинг бош бармоғини қамишнинг остки тешигига тираб, қолган тўрт бармоқ билан маҳкам тутилған қаламтарошни юқоридан пастга, яъни ўзимизга томон оҳиста-оҳиста тортиб, йўнишга киришамиз. Бундай ҳолат, биринчидан, қамишни ёрилиб кетишига йўл қўймаса, иккинчидан эса қўлни пичоқ кесиб кетишидан асрайди. Умуман, “нахти қалам”да асло ортиқча куч ишлатмаслик ва қўпоп ҳаракат қилмаслик лозим. Акс ҳолда қамишнинг ёрилиши табийидир.

“Нахти қалам”даги яна бир муҳим юмушни эътибордан асло четда қолдириш мумкин эмас. У ҳам бўлса, қамишни қанча узунликдан бошлаб йўниш масаласидир. Бу борада манбаларда турли фикрлар мавжуд. Жумладан, баъзи манбаларда қамиш (“қасаб”)ни бўғун томонидан эмас, балки кесилған томонидан бош бармоқнинг биринчи бўғини узунлигича жойдан бошлаб йўнмоқ керак, деб қайд этилса, бошқа бир манбада эса икки энлик узунликдан йўнмоқ лозим, дейилади. Шоир ва хаттот Мунис эса бу масалани ўзининг “Саводи таълим” номли рисоласида шундай баён қиласди:

Ҳар хомаки йўнмоқ эрсанг, эй ёр,  
Бир мартаба давриға ўра тор.  
Кўр ул ип узунлиқин саросар,  
Йўнгил узунин анга баробар.


Бу сўзлардан шу нарса маълум бўладики, ҳар қандай қалам йўнмоқ учун, қамиш (қасаб)нинг йўғон ёки ингичкалигидан қатъи назар, унинг устига бир марта ип ўралади ва шу ипни ёзиб, қамиш учидан бошлаб юқори томон тортилади, ҳамда шу ип узунлигича жойдан бошлаб қалам йўниллади. Қалам йўниш – “нахти қалам”ни тўғри мўлжал билан адо этишда Муниснинг бу маслаҳати фоят ўринлидир.






– “Шаққи қалам”  
(Қаламни ёриш)

Қалам очишнинг иккинчи мухим жараёни бўлмиш “Шаққи қалам” (яъни, қалам учини тенг иккига ёриш) ўтмишда бошқача адо этилган бўлиши мумкин. Аммо биз уни “қаламқат” устида адо этдик. Чунки бунда биринчи навбатда, қаламнинг йўниб ингичка қилинган учси синмаса, иккинчи томондан эса, қалам билан қаламтарошни бир-бирига тўғри келтириш фоят қулайдир. Бундай усул билан қаламни “шақ” қилмоқ учун “қаламқат” чап қўлнинг тўрт бармоғи устига шундай қўйиладики, унинг учси биз томонга қаратилган бўлади (*расмга қаранг*). Сўнгра, “қаламқат” устига қамиш қалам ётқизилиб, бош бармоқ билан босиб турилади. Бунда “нахти қалам” (“қаламни йўниш”) оқибатида унинг юмалоқ шаклдан бодомсимон шаклга айланган оғзини юқорига қаратиб жойлаштирилади. Шундан кейин ўнг қўлимиз билан қаламтарошни худди “ручка” каби ушлаб, унинг тифини қалам учининг қоқ ўртасига қўямиз ва енгил бир босиш билан уни тенг иккига ёрамиз. Бунда, қалам учида тахминан бир сантиметр узунликда ёриқ ҳосил бўлса етарлидир. Ана шу ёриқ атрофида қалам учси икки қисмга ажралади. Хаттотликда қалам учининг ана шу қисмларини “қалам шақи” деб юритилади ва бу “шақ”ларнинг ҳар бирига мустақил ном берилган. Улар ҳақида кейинроқ тўхталамиз, бироқ бу ерда



шу нарсага аҳамият бериш керакки, қалам учси “шақ” қилинаётган вақтда уни биринчи галдаёқ ёрмоқ керак.




Акс ҳолда, қайта пичоқ уриш оқибатида бир нечта ёриқ ҳосил бўлиши мумкин. Ваҳоланки, қалам учида биттадан ортиқ ёриқ бўлмаслиги лозим. Шунингдек, яна бир муҳим масала шундан иборатки, бу юмушни адо этаётганда қаламтарош тифи билан қалам ўзаро бир чизиқда жойлашмоғи шарт! Шундай бўлмаса, қаламнинг ёриғи қийшиқ чиқиб қолади.


Ўтмишда, мактаб ва мадрасаларда “Шаққи қалам”ни ўзбекча қилиб, “Шақ урмоқ” деб юритганлар. Жумладан, Мунис бу юмушни “Шақ урмоқ қоидаси” деб кўрсатади ва уни шундай таърифлайди:

Шақ ур vale эътидол бирла,  
Тадқиқи аро хаёл бирла.

Қаламга “шақ урилгани”дан кейин уни “қаламқат” устидан олиб, яна йўниш (“нахти қалам”) давом эттирилади. Қаламтарош билан “қалам шақлари”нинг ҳар икки ёнидан йўнилиб, ўзаро тенглаштирилади ва хоҳланган ингичкаликка келтирилади ҳамда ич томонидан этлари олинниб, қалам учи юпқа, эгилувчан ҳолатга келтирилади.

Нихоят, “шақ” урилган қаламни яна қайтадан “қаламқат” устига, юқорида айтилгандек, оғзини тепага қаратиб ётқизилади ва қалам очишнинг охирги жараёни – “Қатти қалам”ни бажаришга киришилади.





– “Қатти қалам”  
 (“Қалам кесиш”)

Қалам очишдаги учинчи мұхим жараён “Қатти қалам” (яъни, қалам учини кесиш)дир. Хатнинг сифати ва зийнати асосан мана шу “қатти қалам”га бөглиқ бүлгани учун ўтмишда хаттотлар унга жуда катта эътибор билан ёндашғанлар ва мұхим қоидалар яратғанлар. Одатда, “қатти қалам” – “қаламқат” (баъзи манбаларда “мақат”) устида адо этилади. Бунинг учун “қаламқат” ўз устига ётқизилған қалам билан биргаликда чап қўл ҳовучига олинади ва қаламнинг бодомсимон оғзидан чап қўлнинг бош бармоғи билан “қаламқат” узра босиб турилади. Бу вақтда қаламнинг танаси “қаламқат” уясига жойлашган бўлади (*расмга қаранг*). Шундан сўнг ўнг қўлга пичоқ (қаламтарош)ни олиб, унинг тифини “қаламқат” асосига нисбатан тик (90°) ҳолда ушлаб, қалам учига қўямиз ва пичоқни бир босиш билан қалам учини кесамиз. Одатда, қаламни “қаламқат” устида қесилгандা (яъни, “қатт” қилингандан) маълум овоз чиқади. Бу ҳақда Мунис шундай ёзади:

Қатт урмоқ анингдек айлагил соз,  
Берсун қаламу қаламқат овоз.

Борди-ю овоз чиқмаса, бу ҳол ё қаламтарошнинг ўтмаслиги, ёки бўлмаса қамишнинг етилмаган (хом)лигидан далолат беради. Шуни алоҳида айтиш керакки, қалам учини кесаётганда пичоқни зинҳор арра каби ўёқдан-буёққа юргизиб бўлмайди. Чунки, бундай ҳаракат оқибатида қаламнинг “шақ”лари синиб кетиши ёки бўлмаса қалам учи текис кесилмай қолиши мумкин.

Бироқ “қатт урмоқ”ликнинг энг мұхим шарти қалам учининг бир оз қия қилиб кесилишидир. Буни Мунис шундай таърифлайди:



Шарти қатт хўбким қиёдур,  
Дилкашлиги эътидол ародур.


Одатда, қалам учини қия қилиб кесмоқ учун қаламтарош дастасини ўзимизга томон бироз төртиброк ушлашимиз лозим. Қаламни “қаламқат” устида ана шундай ҳолда “қатт” қилинганида унинг учидаги ҳосил бўлган “шақ”ларнинг ўнг томонидагиси чап томонидагига нисбатан узуноқ чиққанининг шоҳиди бўламиз. Бу ердаги ўнг ва чап тушунчалари қаламни қаламқат устидан олиб, ёзаётган ҳолатда ушланган вазиятига нисбатан қўллангандир. Ана шу ҳолатда қалам “шақ”лари (яъни қалам учининг ёрилиши оқибатида ҳосил бўлган икки қисми)нинг узун томони “ваҳший” (арабча “әввойи” маъносини билдирувчи “ваҳшун” -  сўзи), қисқа томони эса “унсий” (арабча “яқинлик” маъносини билдирувчи “унсун” -  сўзи) деб аталади. Ёзиш вақтида қаламнинг “ваҳший” ва “унсий” “шақ”лари ҳар иккаласининг ҳам ўз вазифаси бор. Зотан, қалам “шақ”лари араб ёзувини, айниқса настаълиқ хатини гўзал чиқишида катта аҳамият касб этадилар.

Қадимда хаттотлар орасида “қатт” қилинган қалам учини чап қўлнинг бош бармоқ тирноғи устига қўйиб, унинг эгилувчанлиги, мулойимлигини синааб кўриш одати бўлган. Чунки қалам қанчалик мулойим бўлса, хат шунчалик гўзал чиқади ва хаттотга ҳам, китобхонга ҳам завқ баҳш этади.


Шундай қилиб, “Нахти қалам” (қаламни йўниш), “Шаққи қалам” (қаламни ёриш) ва “Қатти қалам” (қаламни кесиш) жараёнлари умумий равишда “Қалам очиш”ни ташкил қиласди. Бошқача айтганда, “қалам очиш” дейилганда биз навбатма-навбат келувчи мана шу уч жараённи тушунмоғимиз лозим. “Қалам очиш” натижасида эса қалам уч асосий қисмга эга бўлади. Булар “қалам танаси”, “қалам тифи” ва “қалам учи”дир. Бу қисмларнинг ҳар

*Калам улн ("Нүүр  
калам")*

*Калам тийн*



бирини ўз мустақил вазифаси бор. Жумладан, “қалам танаси” уни ушлаш учун хизмат қиласа, “қалам тиги” уни сиёхдонга бемалол киришини таъминлайди. “Қалам учи”, хаттотлар тили билан айтганда “Нўги қалам” бевосита ёзувни рўёбга чиқаришга хизмат қиласди. Ушбу рисолада бизнинг вазифамиз хат битиш хусусида маълумот беришдан иборат бўлгани учун қуида “Нўги қалам” (қалам учи) ва унинг имкониятлари борасида қисқача тўхталишни позим топдик.




# شەقابايىت


## Қалам қобилияти

“Қалам қобилияти” дейилгандა ёзув жараёнида қаламнинг нималарга қодир эканлигини тушунмоқ лозим. Бу ҳақда аникроқ тасаввурга эга бўлмоқ учун “қалам учи”ни диққат билан кўздан кечирайлик.

“Қатт” қилинганидан кейин қалам учида тўғри тўртбўрчак шаклида текис бир юза ҳосил бўлади. Деярли кўзга кўринмайдиган бу юзани хаттотлар “қалам кесими” деб юритганлар (*расмiga қаранг*). “Қалам кесими” “шак” уриш шартига биноан қалам танасига нисбатан бир оз кўндалангроқ жойлашган бўлади. Бироқ, биз учун “қалам кесими”нинг остки қирраси фоят мухимдир. Чунки, айнан шу қирра қофоз юзида хат пайдо қиласди. Шунинг учун ҳам хаттотлар қалам очиш чоғида асосий эътиборни ана шу қиррани текис чиқаришга қаратганлар. Айни шу мақсадда, манбаларда қайд қилинишича, хаттотлар ўртасида қаламни “қатт” қилишни унинг сирт томониданми ёки ич томониданми адо этиш лозимлиги борасида баҳслар ҳам бўлган. Бизнингча эса, қалам учини ич томонидан “қатт” қилмоқ мақсадга мувофиқдир. Чунки, бунда пичоқ тифи қамиш этидаги ингичка тола (нол – )ларни ич томон қайилтириб, “қалам кесими”нинг остки қиррасини текис чиқишига олиб келади. Аммо, қаламни очиш чоғида қамишни бирдай тутмай, ўёқ-буёқка бураш оқибатида “қалам кесими” тўғри тўртбўрчак шаклида эмас, балки суйри чиқиб қолиши мумкин. Бундай қаламда ёзилган хат албатта, ёрқин чиқмайди. Шунинг учун қаламни очаётганда қамишни бурамаслик ва қаламтарошни бир текис тортиш лозим.



Эътиборлиси шундаки, қаламни ушлаган чогимиизда “қалам кесими” қоғоз юзига нисбатан маълум бурчак ҳосил қиласди. Натижада, “қалам кесими”нинг остки қирраси ҳам олға ва ҳам орқага bemalol сурилиш имкониятига эга бўлади. Факат бугина эмас, бундай ҳолатда қаламни хоҳлаган томонга bemalol юритиш мумкин. Бироқ ёзув жараёнида қайси ҳарфнинг қайси бўлраги (элементи)ни қалам учининг қайси қисми билан ёзиш лозимлигини билиш керак. Бу ҳақда ҳарфларни ёзиш борасида сўз юритганимизда маҳсус тўхталамиз. Бу ерда шуни айтиш керакки, қаламни уфқ чизиги бўйича текис тортсак, “қалам кесими”нинг остки қирраси ўзининг бор эни йўғонлигида чизик битади. Бундай ҳолда ёзилган ўринларни хаттотлар: “Бир қалам” йўғонлигида ёзилди”, деганлар. Агар қаламни қоидали ушлаганҳолда юқоридан пастга (ёки пастдан юқорига) тортсак, у бояги йўғон чизикнинг ярми даражасида чизик ҳосил қиласди. Бундай ўринларни хаттотлар: “Ярим қалам” йўғонлигида битилди”, дейишган. Борди-ю қаламни “қалам кесими”нинг остки қирраси бўйлаб пастга томон тортсак, ниҳоятда ингичка чизик ҳосил қиласди. Бундай



холатни хаттотлар: “Ён қалам билан битилди”, деб айтишган. Мұхими шундаки, “настәльик” хатида битилған ҳар бир ҳарфда мана шу уч тур чизиқ мавжуд бўлади. Бироқ масалага жиддийроқ эътибор билан қарасақ, ана ўша чизикларни асосан “қалам кесими”нинг остки қирраси пайдо қилаётганини англаймиз. Шунинг учун ҳам хаттотлар хат битаётгандаридан ҳамиша шу қирранинг мавжуд бўлишига эътибор берганлар. Бу қирра ейилиб кетса, қалам учини қайтадан “қатт” қилиб, ўша қиррани пайдо қилганлар. Одатда, ўша қирраси ейилиб кетган қаламни “ўтмас қалам” дейилади ва бундай қалам билан тортилган чизикда тиниқлик бўлмайди.

“Қалам кесими”нинг остки қирраси ейилмаган қаламни эса “ўтқир қалам” дейилади. “ўтқир қалам” билан тортилган чизик эса тиниқ чиқади.

Манбаларда “қалам кесими” ва унинг остки қирраси ҳақида деярли маълумот учрамайди. Аммо, “қалам учи” деган ибора кўплаб учрайди. Шунинг учун “қалам учи” дейилгандан “қалам кесими”нинг ана ўша остки қиррасини назарда тутмоқ лозим. Шунга асосан биз кейинги баёнларимизда сўзни кўпайтириб ўлтирумай, керакли ўринларда факат “қалам учи” иборасини кўллаймиз.

Шундай қилиб, қаламнинг юқорида айтиб ўтилган қобилиятлари араб ёзуви ва унинг нафосатини тўлиқ намоён этишга хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам уларни яхши билиш хат машқида муҳим аҳамиятга моликдир.



# ملاجع ضئال

## Бағын мұтхаззатар

Шу ерга қадар биз қамиш қалам ва уни очиш борасида сүз юритдик. "Ҳар күйнинг ўз сози бор" деганлариңек, араб алифбоси ҳам асрләр давомида фақат қамиш қалам билан битиб келинганды. Зотан, араб ҳарфларининг тузилиши өз айрим бүлак (элемент)лари фақат қамиш қалам воситасидагина яратылғандыр. Шунинг учун ҳам бобокалонларимиз қалам ва уни очиш масаласига алохидә аҳамият беріб, бу хақда муҳим тартиб ва қоидалар үрнатғандар. Ана шу қоидаларга биноан, хат машқини ният қылған ҳар бир одам ўз қаламини ўз қўли билан очиши лозим, деб кўрсатғандар. Чунки, қаламни очган кишигина уни қандай очилганини билади. Мана шунинг учун ҳам ўтмишда бошқа кишилар очиб берган қаламда ёзмасликни маслаҳат бөргандар. Зотан, қалам очишини билиш хат санъати хазинасининг қалитини қўлга олиш билан баробардир. Шунингдек, бобокалонларимиз қаламни шошмасдан, дикқат билан очишини тавсия қылғандар ва қалам очиши оқибатида ҳосил бўлған қириндиларни оёқ остига ташламаслик, балки битта қўймай йигиб олишни буюргандар. Бордию бу парчалар оёқ остига тушса, увол бўлади, деб уқтиргандар. Қалам очиши тартибиға оид айрим талаблар ҳақида Мунис шундай ёзган эди:

Ё синса қалам қилиб ҳасосат,  
Пайванд ани этма, бордур офат.  
Ё қисқориб ўлса тўрт бармоқ,  
Макрух дедилар они мутлоқ.

Мумтоз адабиётимизда ёзиш учун тайёр қириллица - "қалам" очилган қаламни форсча ном билан "хома"- ("қалам" маъносида) ёки "килк" - "қамиш" ё "қалам" маъносида) деб ҳам юритишган. Мунис ҳам ўзининг "Саводи таълим" рисоласида бу сўзларни кўп маротаба кўллади:

Мунис, адаб иқтизоси бирла,  
Сур хома бирор дуоси бирла...

Ул нуқтаға муттасил кашиш бер,  
Килк авжига чап сори равиш бер...

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, "хома" ёки "килк" билан хат битган кишигина ўзини ҳақиқий ёзув билан шуғулланган деб ҳисоблаши мумкин. Аммо бу борадаги илк қадамларни йирикроқ ёзувчи қалам – "Қалами жалий" билан бошламоқ маъқул. Чунки, "жалий қалами" билан битилган ҳарфлар яққол кўзга ташланиб, ками-кўсти аниқ кўриниб туради. "Жалий қалами"да обдан кўзни ўргатиб, қўлни пишишиб олингач, ингичкароқ ёзувчи қалам – "қалами ҳафий"га ўтиш мумкин. "Қалами жалий" ва "қалами ҳафий"ларни юқорида айтганимиздек, "қалам тифи"ни бир оз энлик ёки энсиз йўниш орқали тайёрланади.

Баъзан, шаҳар шароитида яшовчи ватандошларимиз қамиш қаламларни топа олмасликлари мумкин. Бундай тақдирда "темир қалам" (перо) билан ҳам хат машқ қилиш мумкин. Бунинг учун маданий моллар магазинларида мавжуд бўлган "ширифт перолари"дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу перолар икки турли бўлиб, ҳар иккаласи ҳам Латвияда чиқарилади. Уларнинг "Перо шрифтовое" деб аталган биринчи тури ҳар жиҳатдан араб хатини ёзишга мос бўлиб, ўртаси ёрилган (шак) ва қия кесилган (қат). Перо устида сиёҳ тутқичи ҳам бор бўлиб, ингичка ва йўғон турлари мавжуддир. Бироқ унинг ягона камчилиги шундаки, учининг "ваҳший" томони қисқа, "унсий" томони эса узун. Қамиш

қаламларда эса аксинча бўлиб, “ваҳший” томони узун, “унсий” томони қисқадир. Шунинг учун биз бу “темир қалам”нинг сиёҳ тутқичини ич томонига жойлаб, ўзини эса тескари ушлаб ёздиқ. Бу ҳолда “темир қалам” учидаги “ваҳший” ва “унсий” томонлар қамиш қаламга мутаносиб бўлди ва бу қалам билан битилган араб ҳарфлари худди қамиш қалам билан ёзилгандек равон чиқди.

Шрифт пероларининг “Перъя типа редис” деб номланган иккинчи турида эса, ҳақиқатан ҳам пероларининг учи редискасимон думалоқ шаклда бўлиб, бир оз олд томонга эгилгандир. Араб ҳарфларини ёзмоқ учун айни шу эгилган еридан ўтириш омбур (кусачка) билан кесиш лозим. Кесаётганда унинг “ваҳший” ва “унсий” томонларини назарда тутиб, бир оз қиялатиб кесмоқ керак. Сўнгра, кесилган ерини эринмай майнин қайроққа ишқалаб, тобдан чиқариш керак. Агар яхшилаб тобдан чиқарилса, чиройли ёзадиган перо вужудга келиши мумкин. Шунингдек, “авторучка”ларнинг пероларини ҳам юқоридаги тартиб асосида кесиб, тобдан чиқарилса, яхшигина ёзадиган “темир қалам” рӯёбга келади. Аммо у нисбатан ингичка ёзилганилиги учун ундан хат машқини эндиғина бошлаганлар эмас, балки, маълум малакага эга бўлган кишиларнинг фойдаланганлари маъқул.

Бу ўринда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “темир қалам” ҳар қанча яхши ёзадиган бўлгандан ҳам қамиш қаламга етмайди. Чунки, “темир қалам”ни қўлга олган ҳар қандай одам нима учундир беихтиёр босиб ёзишга ҳаракат қиласди. Шунингдек, “насталиқ” хатида аксарият ҳарф бўлаклари қаламнинг “ваҳший” ёки “унсий” учларида битилади. Бундай кезларда “темир қалам”нинг ёриғи қофоз юзидан кўтарилигани учун у ёзишдан тўхтайди.

Қамиш қаламни эса босиб ёзиш мумкин эмас. Негаки, босиб ёзилса унинг синиб кетиши турган гап. Шунинг учун қамиш қалам билан ёзаётганда уни босмай, ўз эркига қўйиб берганлар. Ўйлашимизча, бу ҳол араб алифбосидаги ўзбек ёзувида хўп ва кўп ёзишни таъминлаган бўлиши табиий. Шунингдек, қамиш қалам ўзининг “ваҳший” ва “унсий”

учларида битиладиган ҳарф бўлакларини беками-қўст чиқаради. Чунки, қамиш худди қоғоз каби сиёҳни шимиб олиш қобилиятига эга. Шунга кўра, қамиш қаламнинг “ваҳший” ва “унсий” учи (шақи)даги шимиб олинган сиёҳ ҳарфларнинг маълум бўлакларини тўлиқ ёзишга бемалол етади. Шунинг учун ҳам ўтмишда хаттотлар қамиш қаламни ғоят қадрлаганлар. Жумладан, Умар Ҳайём ўзининг “Наврӯзнома” (Тошкент-“Меҳнат – Нур” – 1990) рисоласида ёзишича, “Донолар кўринишидан ҳақир ва топилиши осон бўлган қаламни асбоб ҳисобига киритдилар... Бу асбобнинг уч хили бор: улардан бири ўта қийик ва унинг хати сиймий (форсча “кумуш”ли) дейилади, иккинчиси – тўғри ва унинг хати заррин (форсча “зарли”) дейилади, учинчиси эса ўта қийик билан тўғри орасида, унда ёзилганни лульуй (лаълли) дейилади.” (39-бет.) “Настаълиқ” хати ана шу учинчи тур қалам билан битилади.

Хулоса қилиб айтганда, хат машқини ният қилиб, қўлига қалам олган ҳар бир инсон ўз мақсадига етиши аниқ. Бунга ўз қўлингиз билан очилган қалам кафолат беради. Зотан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий сўзлари билан айтганда:

*Сидқидил бирла қўлига ким ани тутса агар,  
Мақсадига ёткузуб кўнглини ризо қилди қалам.*

*Ҳеч кишини меҳнатини зарра зое қўймади,  
Ҳарна ваъда қилди, аҳдига вафо қилди қалам.*






Хат машқи учун зарур бўлган ёзув қуролларининг иккинчиси давотdir. Ўзбек тилида унинг бошқача номлари ҳам бор. Жумладан, Тошкент шаҳри ва вилоятида уни "сиёҳдон" дейишса, баъзи вилоятларда эса "хуққа" дейиша, ли Аммо эски мактабларда фақат "давот" деб юритишган. Шунинг учун биз ҳам айни шу сўзни қўллашни маъқул топдик.

Қадимда давотлар сопол, чинни, шиша, мармар, метал ва ёғоч (зайтун)лардан ясалган. Ҳозир уни пластмассадан ясалган турлари ҳам бор. Шакл жиҳатидан давотлар турлитуман. Уларнинг катта-кичиклиги ҳам ҳар хил. Бироқ барчасининг вазифаси ягона бўлиб, ичида сиёҳ тутиб туришдан иборатdir.

Бизнинг мақсадимиз хат машқи, яъни ёзув битишдан иборат бўлгани учун бу ерда асосий эътиборни давотлар билан бир қаторда уларнинг ичидаги моддаларга ҳам қаратмэғимиз лозимdir. Зотан, давотлар ичига солинган моддаларда ўтмиш бобокалонларимизнинг ўткир заковати, фахму фаросати, қолаверса, улар томонидан яратилган буюк маданиятнинг ёрқин қирралари мужассам. Шунинг учун улар ҳақида қисқача бўлса-да, алоҳида-алоҳида тўхталиб ўтишни лозим топдик.



"Лос" сўзи форсча бўлиб, "паст сифатли, тозаланмаган ипак" маъносини билдиради. Аммо, лос

сўзининг луғатларда келтирилган бу маъноси маълум даражада умумий. Чунки калаваланган ва тортилган ипак ҳам сифатсиз ва тозаланмаган бўлиши мумкин. Биз назарда тутган “лос” эса соф ипак эмас, балки, хом ипакни калавалаш жараённида ҳосил бўлувчи ипак чиқиндисидир. У ёзув ишида қўйидагича қўлланади. Қўл остилизда мавжуд давотга сифадиган миқдорда бир тутам “лос” олиниб, ҳўлланади ва суви сикиб ташлангач, давотга солинади. Уни устига “кулча” ёки “найча” сиёхнинг бир донасини солиб, устидан бир оз сув томизилади. Оқибатда, “лос”даги нам сиёҳни секин-аста эритади. Бу жараённи теззлатиш мақсадида “лос” устида ивиган сиёҳ “сихпар”- (жайра ҳайвонининг “дуги” ёки “найза”си) билан эзилади.

Лоснинг қимматли хусусияти шундаки, у давот ичидаги сиёҳни ўзига шимиб олиб, уни беҳуда тўкилиб кетишидан сақлади. Шунинг учун ўтмишда талаба ва шогирдлар сиёҳларини тўкиб-сочмай, давотларини бемалол кўтариб юра берганлар. Лоснинг айни шу хусусияти хунармандларга қаламдонлар ичига ҳам ихчам давотлар ўрнатиш имконини берган.




Шунингдек, лосни давотга солишдан кузатилган яна бир мақсад шундан иборатки, у қалам учини давот тубига урилиб, яроқсизланишидан асрраган, ҳамда қалам учига ҳамиша бир хил миқдорда сиёҳ чиқишини таъминлаган. Одатда, қалам учини оҳиста лосга тегизиб олишнинг ўзиёқ, бир ҳарф ёки ҳарф бўлгини ёзиш учун етарли бўлган. Қаламни қарсиллатиб давотга уриш эса маданиятсизлик, омилик ҳисобланган. Шуни ҳам айтиш керакки, давотга бир бор солинган лос икки-уч йилга бемалол ета берган.

Ҳозирги кунда ҳақиқий лос ҳамиша ҳам топила бермайди. Шунинг учун айрим пилла боқиладиган вилоятларда ипак қурти пилла ўрайдиган дасталарда қолган толаларни йигиб, лос сифатида фойдаланиш мумкин. Ёки бўлмаса, бир дона

пиллани титиб, унинг толасини, борди-ю, бу ҳам топилмаса, йигирилган, ип ҳолидаги ипакни ёйиб, давотга солиш мумкин. Тоза пахта ёки пахта аралаш ипак, шунингдек, кимёвий ёки сунъий толалардан лос сифатида фойдаланмаган маъқул. Чунки пахта толаси қаламга илашиб чиқавериб, жонга тегса, кимёвий толалар эса сиёҳни шиммай, жим тура беради.

Шунинг учун имкон борича, бобокалонларимизнинг ҳаётий тажриба асосида чиқарган бебаҳо тавсияларига амал қилмоқ маъқул. Чунки, уларнинг ўтқир заковати туфайли оддий бир чиқинди хат маданиятида юксак бир хизматга тайин бўлган.



Жумҳуриятимизда барчага маълум бўлган "сиёҳ" сўзи форс тилидаги "қора ранг" маъносини ифодаловчи "сиёҳий" -

сўзидан олингандир. Бироқ, бизнинг тилимизда у "қора ранг" маъносидан кўра, "ёзиш учун ишлатиладиган суюқлик" маъносига кўпроқ эгадир. Шунинг учун биз ҳеч иккиланмай, "кўк сиёҳ", "қизил сиёҳ" сингари ибораларни ўз нутқимизда қўллай берамиз.

М у т о з      адабиётимизда "сиёҳ" маъносида арабча "мураккаб" – ва "мидод" – сўзлари ҳам қўлланилган. Жумладан, Алишер Навоийда шундай байт бор:

Хаттининг васфин ёзармен кипригу холи била,  
Хат ёзарда чун заруратдур қалам бирла мидод.

Шоир Мунис эса сиёҳни хуш исли нарсалар аралашмасидан тайёрланган хушбўй, аммо ранги қора бўлмиш анбарга тенглаб шундай ёзади:

Анбардин ўлуб анга мураккаб,  
Кун олтунидун вале музахҳаб.


Шу тариқа шоирлар мадҳига сазовор бўлган сиёҳ қўхна замонларда яратилган бўлиб, неча асрлар оша бизнинг давримизга етиб келган. Таърихда сиёҳнинг ўнлаб турлари яратилган, юзлаб моддалардан сиёҳ қорилган. Манбаларда сиёҳ қориш ва уни пиширишнинг турли-туман усуллари қайд этилган. Жумладан, қиблату-л-куттоб (чиройли ёзувчилар пешвоси) Султон Али Машҳадий замонида сиёҳ тўрт усулда тайёрланган: бир миқдор дуда (курум), бир миқдор зож (лак-маъдан), мозу (ранг берувчи ёнгоқ), самғ (дараҳт елими) қўшилада ва узоқ муддат аралаштирилади. Ёки бир дирам чироқ дудаси, тўрт дирам самғи арабий (олча елими), яrim дирам оқ зож аралаштирилиб сиёҳ олинган. (Дирам-3,12гр). Эътиборлиси шундаки, аксарият хаттотлар ўз сиёҳларини ўзлари тайёрлаганлар. Жумладан, машҳур хаттот Султон Али Машҳадий қўйидаги моддалардан сиёҳ ҳозирлар экан. У бир сир (74,24гр) дуда, тўрт сир самғ, бир сир зож, икки сир мозу олиб, самғни тоза сувга солар ва икки-уч қун ивитгач, яхшилаб қориштириб, қайнатган. Сўнгра, мозу сувини ҳам қайнатиб, унга юмшоқ заммани қўшган. (Замма ёки зож – оқ тусдаги маъдан бўлиб, у сувга солинса, қора ранг ҳосил бўлади.)

Бошқа бир манбада эса сиёҳ қоришнинг энг содда бир усули шундай баён қилинади:

“Соф зигир ёғини ёқиши орқали олинган 15гр. қора курум 30гр. қўй ёки сигир ўти билан бирликда бир идишда обдон эзib қорилгач, қуёшда қуритилади. Сўнгра 5гр. купорос эритмаси, 50гр. бол қуюқлигидаги араб елими (бъязи Африқо мамлакатларида ўсувчи акас дараҳтининг танасида ҳосил бўлувчи елим), 5гр. янчилган новвот кукунини у билан қориштириб, такрор қуёшда қуритилади. Шундан кейин уни гулоб ёки сирка билан қориб, зарур суюқликка келтирилади”.



Манбаларда келтирилган маълумотларга қараганда, қадимда дуда (ёки курум) олмоқ учун ёниб турган чироқ тепасига сопол идиш тутилган. Бу идиш сирланган бўлиб, ҳали сувга урилмаган бўлиши лозим. Сўнгра, идиш юзига ўрнашган қурумни пат билан оҳиста супуриб, бир жойга

ЙИГИЛГАН. Кейин у идишни яна чироқ тепасига тутишда давом этилган. Сиёҳ учун зарур моддалардан бири бўлмиш дуда шу тариқа мисқоллаб йигилган.



Келтирилган маълумотлардан кўринадики, сиёҳларни тайёрлаш учун бир неча жараёнлар адо этилган ва ойлаб вақтлар сарф бўлган. Ўтмишда ана шу жараёнларни мукаммал эгаллаган ҳунармандлар сиёҳ пишириш билан машгул бўлганлар. Педагог олим Йўлдош Абдуллаев ўзининг “Эски мактабда хат-савод ўргатиш” (Тошкент-1960) номли китобида ёзади:

“...Тошкент, Қўқон, Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларда айрим кишилар сиёҳ қилиш ва уни сотиш билан шуғулланган, чунончи: Тошкентда XIX асрнинг 90-йилларида Мулла Нажмиддиннинг сиёҳи жуда машҳур бўлган. Кишилар Мулла Нажмиддиннинг сиёҳини сахоб ва атторлардан қидириб



топғанлар. Мулла Нажмиддин домла Бешёғоч даҳасига тобе Кўқмачит маҳалласида мактабдорлик қилиб, айни вақтда муҳрли кулча сиёҳ билан савдо қилган. Халқ уни Мулла Нажмиддин Сиёҳий деб атаган. Эски мактабда асосан қора сиёҳда ёзилган. Сиёҳ ҳозирланадиган қолипининг номи билан "кулча сиёҳ", ёки "найча сиёҳ" деб юритилган. "Кулча сиёҳ" кўпроқ машҳур бўлиб, у ҳозирги 15-20 тийинлик танга катталигида бўлган". Биз юқорида, лос ҳақида сўз юритганда мана шу сиёҳларни назарда тутган эдик.


Афсуски, бундай сиёҳлар ҳозирда йўқ. Лекин хат машқи учун ярарли сиёҳни жуда осонлик билан тайёрлаб олиш мумкин. Бунинг учун магазинларда мавжуд "Қора тушъ" (Тушъ черная)нинг суюқ (жидкая) тури ва "Авторучкалар учун сиёҳ"

(чернила для авторучек) "Радуга – 2"нинг қора хилидан олининб, томизгич (пипетка) билан ҳар иккаласидан тенг миқдорда (масалан, 10 томчидан) давотга солинади. Унинг устига иссиқ сувда (чойда әмас) эритилган новвот шарбатидан шунча миқдорда күшилади. Сўнгра, буларнинг устидан ярим миқдор (5-6 томчи) илиқ сув кўшиб, давотни чайқатиб, арапаштирилгач, бир муддат (масалан, бир кечак) кўйилади. Натижада, қаламга итоатли, бир хил қуюқликда қофоз бетига сурилувчи сиёҳ ҳосил бўлади. Баъзан ширани кўпроқ кўшиб юбориш оқибатида сиёҳ ёпишқоқ бўлиб, бошқа қофозларга ўтиб қола берадиган ва сал қўл тегиб кетса суркалиб кетадиган бўлиб қолиши мумкин. Баъзан эса сиёҳ қалам учидан қотиб қолиб, қуйқа ҳосил қиладиган ва қофозга сурилганда текис сатҳ ҳосил қилмайдиган бўлиб қолиши мумкин. Бундай кезларда давотга бир неча томчи илиқ сув солиб, сиёҳни суюлтириш лозим. Лекин, бунда сиёҳ ҳаддан ташқари суйилиб кетиб, қалам учидан қофозга оқиб кетадиган даражада бўлмаслиги керак. Учидан қуйқа ҳосил бўлган қаламни эса сувга ботириб, латта билан тозалаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, яхши тайёрланган сиёҳ қаламга енгил илашиб, қофозга бир текис суриладиган бўлади. Ўтмишда хаттотлар сиёҳнинг мана шу жихатига ҳамиша эътибор берганлар. Зотан, бундай сиёҳ чиройли ёзув – хусниятнинг асосий омилларидан биридир.





Хат машқи учун зарур ашёларнинг учинчиси қофоздир. Қофоз дейилганда биз сиртига ёзув битмоқ, бўямоқ ёки бўлмаса бирор нарсанни ўрамоқ учун ишпатиладиган текис саҳифани тушунамиз. Араб тилида “варак” - форс тилида “кофоз” - , турк тилида “когид” -  деб юритилувчи бу ноёб мўъжизанинг таърихи мозийнинг кўхна даврларига бориб тақалади. Бу таърих ҳақида жуда узоқ сўз юритиш мумкин. Аммо таърихан шу нарса ҳақиқатки, қаерда фан ва маданият тараққий топган бўлса, ўша ерда қофоз тайёрланган. Шу жиҳатдан, бизнинг суюкли ватанимиз Ўзбекистон ҳам дунё маданиятига улкан хисса кўшган, дея оламиз. Чунки араблар ўлкамизга юриш қилиб келган вақтларида Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида юқори навли қофозлар тайёрланар эди. Айрим манбаларда кўрсатилишича, араблар қофоз тайёрлашни айни Самарқандни ишғол қилганларидан кейин ўргангандар. Сўнгра, бу ноёб ҳунар Андалусия орқали Оврупо мамлакатларига тарқалган. Таниқли хаттот Абдуқодир Муродов ўзининг “Ўрта Осиё хаттотлик санъати таърихидан” номли асарида ёзишича: “... XV асрларда Навоий даврига оид кўлёзмаларга қараганда Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ўша замоннинг қофоз саноатида энг йирик марказ бўлган эди. Бу қофозлар икки турли бўлган: биринчиси факат ипак лослардан (ҳеч қандай пахта толаси кўшилмай) тайёрланган бўлиб, пишиқ, жуда чиройли, яхши оҳор берилган, тоза ва силлиқлиқда тенгсиз қофоздир. Уни... “қофози абришимий” (“Ипак қофоз”) деб атардилар. Иккинчиси, ярми ипакли бўлиб, ипак ва наша ўсимлиги (каноп) толасининг тахминан эллик фоиз

аралашмасидан тайёрланади. Бу қофоз пишиқ, салмоқли ҳамда яхши оҳорли бўлиб, “қофози нимкатоний” – (“Ярим каноп қофоз”) деб аталаарди. Қофознинг ҳар икки томонига буғдой унидан қилинган аталасимон елим (оҳор) юпқа қилиб суркаб, сояда қуритилгандан сўнг ақиқдан қилинган тиш ёки чифаноқ (муҳра) билан пардозланарди. Кўпинча, қофозни ялтироқ қилиш учун уни етти мартагача пардозлар эдилар. Бу ялтироқ (жилоли) қофоз Ўрта Осиёнинг барча шаҳарларида сўнгти вақтларгача “оҳор муҳрали қофоз” деб аталаарди. Бу қофоз хаттот кўчираётгандан агар  хато қилиб қўйса, хатни “юмшоқ булат” (бу “абр” –  деб аталиб, рус тилидаги “губка”дир) орқали  сув билан ювиб қуритилгач, бир оз крахмал суркаб қуригандан кейин тузатиб (қайта) кўчиришга қобил эди. Айни шу қофоздан турли қўллэзмаларни кўчириш учун маҳсус “хафт ранг” (“етти ранг”) деб аталган қофозлар ва муқованинг ички томонига қўйиш учун “абри баҳор” қогозлари ҳам тайёрланарди. (“Абри баҳор” қофозларини қандай тайёрлаш ҳақидаги мақоламиз “Совет ўзбекистони санъати” журналининг 1985 йил 10-сонида эълон қилинган – З. Т.)

Таниқли турк олимни ва хаттоти Маҳмуд Бадриддин Ёзир ўзининг “Маданият оламида ёзув ва ислом маданиятида қалам гўзали” (Ayyıldız matbaasi, Ankara – 1974 ) номли китобининг II жилдидаги қадимий қўллэзма манбалар асосида ўтмишда қўлланилган қофоз турларини санаб кўрсатади: “Когид турларидан “Хашебий” ва “Дамишқий”га эътибор бериладир ва Самарқанд когидиндандан ашақиси қабул этилмайдир. Когиднинг энг оддийси “Дамишқий”дирки, қиймати маълумдир. Иккинчи “Давлат – ободий”дирки, барчаси тушунарлидир. Учинчи “Хатойи”дир. Тўртинчиси “Одилшоҳий”дир. Бешинчи “Ҳарiri Самарқандий”дир. Еттинчи “Ҳиндий”дир. Саккизинчи “Низомшоҳий”дир. Тўққизинчи “Қосимбегий”дир. ўнинчи “Ҳарiri Ҳиндий”дирки, кичик қитъададир. Ўн биринчи “Гуни-и Табризий”дир, шакар рангдир. Ишлаб чиқарилиши Табризлиларга маҳсусдир. Ўн иккинчи “Муҳайири”дирки, у ҳам шакар рангдир. Бу қофоз турларига юқорида исми кўрсатилган “Хашебий” ва “Самарқандий” ҳам илова қилинса, ҳаммаси

14 нав бўлади... “Ободий” когидларининг биринчи нав (синф) когидлардан эканлигига хаттотларнинг розилиги бор. Бухоро когидлари ҳам шу сафда келади.”

Турк олими келтирган қўлёзма манбадаги бу маълумотларга қараганда диёримизда ишлаб чиқилган қоғозлар жаҳон миқёсида юқори ўринларни эгаллаганлар. Дарҳақиқат, ватанимиз ва хорижий ўлкалардаги китоб хазиналарида сақланаётган аксарият қўлёзма китобларни кўздан кечирсан, Самарқанд ёки Бухоро қоғозига битилганини кўрамиз. Чунки бу қоғозлар хаттотларнинг барча талабларига мукаммал жавоб берганлар. Ваҳоланки, хаттотларнинг талаблари фоят юксак ва жиддий бўлиб, уларнинг асосийлари қўйиданилардан иборат:

1. Қоғоз сиёҳни ёйиб юбормайдиган, орқасига сиёҳ ўтказмайдиган, сиёҳни енгил юқтирадиган ва уни оҳиста шимиб оладиган бўлиши лозим.
2. Қоғоз яхши силлиқланган, қалам тақалиб қолмайдиган, қалам билан яхши бирлашиб, равон ёзиладиган, оҳорланган ва муҳраланган бўлиши лозим.
3. Қоғоз ўта юпқа ва ўта қалин, ўта юмшоқ ёки ўта қаттиқ бўлмаслиги, балки қоғознинг бу хоссаларини ҳар бири меъёрида бўлиши лозим.
4. Қоғознинг ранги ёқимли бўлиши, кўзни толиқтирмаслиги, ёзувни бўғиқ, жонсиз, хира кўрсатмаслиги лозим.

Эътиборлиси шундаки, ўтмишда оқ қоғозга ёзиш анъана бўлмаган. Одатда, оқ қоғоздан турли қоралама ва муваққат ёзувларни битишда фойдаланганлар. Қўлдан-қўлга ўтадиган ва узоқ умр кўриши мўлжалланган китоблар асосан рангли (“ҳафт ранг”) қоғозларга битилган. Бироқ хаттотлар дуч келган рангдаги қоғозларга хат бита бермаганлар, балки ёзув турлари, хатнинг йўғон-ингичкалиги, зич ва сийраклиги, “ҳаракат”ли ёки “ҳаракат”сизлигига қараб қоғоз танлаганлар. Шу жиҳатдан, юқорида айтганимиз, “шакар ранг” (бизда эса “новвот ранг” деб юритилувчи) қоғозлар жуда эътиборли бўлган. Шунинг учун

ҳам қўлёзма китоблар асосан “новвот ранг”, ёки бўлмаса шунга яқинроқ рангдаги қофозларга битилган. Чунки мана шу “новвот ранг” қора рангдаги ёзувни ёрқин кўрсатиб, кўзни мутлақо толиқтирмай, хатни равон ўқилишига сабаб бўлган.


Ҳозирги кунда қофоз турлари ниҳоятда кўп. Манбаларда кўрсатилишича, (“Книговедение” – Энциклопедический словарь”, М., 1981), ҳозирги даврда жаҳон бўйича ишлаб чиқилаётган қофозларнинг тури 600 хилдан кўпроқдир. Бу қофозлар кўлланишига кўра 8 тоифага бўлинади. Уларнинг ҳаммасига ҳам хат битиш мумкин, лекин хаттотларнинг юқорида келтирилган талабларини назарда тутиб, бу қофозларга ёндошсак, уларнинг аксарияти бизнинг мақсадимизга, яъни араб алифбоси асосидаги хат машқига мувофиқ кела бермаслигини кўрамиз. Айтиб ўтганимиздек, бу қофозларнинг ҳар бири маълум мақсадларни кўзлаб яратилган. Ҳатто “Ёзув қофозлари” (Писчая бумага) ҳам ё машинкада ёки бўлмаса қалам (карандаш)да ёзишга мўлжалланган. Тўғри, аслида ҳар қандай оқ қофозга хат машқ қила бериш мумкин. Аммо араб ҳарфларини ёзишда “қалам ҳаракати” (бу ҳақда кейинроқ тўхтатамиз)нинг эркинлиги, бемалоллиги фоят мухимдир. Шу жиҳатдан бизга “Оҳорланган” (“Мелованная”) қофоз маъқул бўлди. Чунки бу қофоз оҳорланган бўлиши билан бирга “муҳра”ланган (яъни силлиқланган, русча айтганда “глянцевая”) ҳамдир. Унинг юмшоқлиги ҳам меъёрида бўлиб, сиёҳ билан жуда яхши қовушади. Бу қофоз “жалий қалами” (йирик қалам) билан илк машқлар учун фоят кулайдир. Бордию каттароқ идишдаги “марганцовка” эритмасига бу қофозни ботириб олсак, “новвот ранг” тусга киради ва қадимий қофозларни эслатади. Бундай қофозга ёзиш дилга роҳат, қалбга қувват баҳш этади.

Хулоса қилиб айтганда, ёзув қофоз узра намоён бўлади ва қофоз билан бирга сақланиб қолади. Шунинг учун бобокалонларимиз қофозни фоят қадрлаб, асло беҳуда исроф қилмаганлар. Улар қофознинг бебаҳо маънавият дурдоналарини асрлар оша авлодлардан авлодпарга етказиш йўлида хизмат қилишини яхши билганлар.

# بَارِدْ مُجْمِي يَا زَوْقُورُ الْلَّرِي

Әрдамғы ёзув қуроллары


Юқорида биз бевосита хатта алоқадор бўлган асосий ёзув қуроллари – қалам, давот ва қофоз ҳақида сўз юритдик. Аммо, ўтмишда асосий ёзув қуроллари билан бирга хат битишга ёрдам берувчи бир қатор ёзув қуроллари ҳам бўлганки, улар ёзув маданиятининг ажралмас бир қисмини ташкил қилганлар ва ҳамиша хаттотлар кўл остида турғанлар. Ёзув жараёнида хаттотлар бу қуроллардан муттасил фойдаланганлар. Шунинг учун бу ерда улар ҳақида қисқача маълумот берамиз. Зотан, уларнинг аксариятидан хат машқи жараёнида биз ҳам фойдаланамиз.




Қадимда ҳозирдаги каби стол-стулларда ўтириб хат битилган эмас, балки тиз чўкиб ўтирилган ҳолда ўнг тизза устига “таглик” кўйиб ёзилган. “Таглик” – бўйи 20-25 см., эни эса 15-20 см. катталиқдаги юмшоқроқ қофозлардан бир нечтасини устма-уст қўйиб, таги ва устидан пишикроқ қофоз (масалан, “абру қофози”) билан қопланган ёрдамчи ёзув қуролидир. У ўта юмшоқ ҳам, ўта қаттиқ ҳам бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда унинг устидан хат битиш мушкуллашади. Одатда, хат битаётганда, айтиб ўтилганидек, чап оёқнинг тўпиги устига чўққайиб ўтирилади, ўнг оёқни эса тиззасидан букиб, тик ҳолда тутилади. Ўнг оёқнинг мана шу букилган тиззаси устига “таглик” қўйилади. Тагликнинг устига эса хат ёзиладиган бир варақ қофоз қўйилиб, у “таглик” билан



*"Пайлик"дан фойдаланып ҳолда хат  
бүтәстін халтот.*




1. Калын қозоң (картон)
2. Бүклемшіл гәзетта
3. Жүлдөр “абұру қозоңи”




Ұстің жүлдөр “абұру қозоңи”  
бүлап қоптаптан “пайлик”

биргаликда чап құл билан сиқиб ушлаб турилади. Ҳозирги даврда бундай ҳолатда ўтириб хат битиш жуда ноқулай күринади. Бироқ маълум кўнишка ҳосил қилингач, букилган тизза устига қўйилган тагликда хат битиш foят қулай ва завқлидир. Муҳими шундаки, тагликда хат битилганда аксарият ҳарфлар худди рисоладагидек аниқ ва чиройли ёзилади. Яна, эҳтиромга сазовор ўрни шундаки, ҳозирги китоб хазиналарида сақланаётган минг-минглаб қўлёзма китоблар мана шундай тагликлар устида битилганлар.

Ҳозирда эса хат машқи учун жуда осонлик билан таглик тайёрлаб олиш мумкин. Бунинг учун бўйи 30-35 см., эни 22-25 см. катталиқдаги юмшоқроқ қалин қофоз (картон) олинади ва унинг устига аслида икки букланган газетани яна икки бор буклаб қўямиз. Буларнинг устидан эса картондан тахминан 5 см. каттароқ қилиб қирқилган пишиқроқ қофоз (масалан, муқовабоп рангли қофоз) ёпилиб, ёnlари букланади ва ана шу букланган ёнларига елим суриб, картон орқасига қайириб ёпиштирилади. Қарабисизки, таглик тайёр! Бундай таглик устида хат битиш катта қулайлик туғдириш билан бирга, ёзувнинг қоидалик чиқишига хизмат қилади.




Қадимда ёзув ишида қўлланилган барча қофозлар чизиқсиз ҳолда тайёрланган. Шу сабабли хаттоллар ёзув жараёнида сатрларни текис чиқармоқ мақсадида "мистар" деб аталган ёрдамчи ёзув қуролларидан фойдаланганлар. Аслида мистар сўзи арабча бўлиб, "чизғич" маъносини билдиради. Лекин, мистар дейилганда биз ҳозирги тасаввуримиздаги чизғич (линейка)ни тушунмаслигимиз керак. Зотан, "мистар"нинг тузилиши бу чизғичлардан батамом фарқ қиласи. Аммо адо этадиган вазифаси жиҳатидан улар ўртасида яқинлик мавжуд. Одатда, мистар қуйидагicha тайёрланган: бир варақ қофоз катталигига қалин қофоз (картон) олинниб, унинг устига битилажак ёзувнинг умумий сатҳи, қатор



уузунлиги ҳамда сатрлар оралигини ўлчаб, қалам (қадимда кўрошин қалам – “қалами сурб”-<sup>قلم سرپ</sup>, ёрдам ида ҳозирда эса, “графитли қалам”) билан чизбич чизиб чиқилган. Сўнгра, қатор чизиқларининг боши ва охиридан игна билан тешиб, ипак-ип тортилган. Шу тариқа картон қофознинг бир бети устма-уст қилиб текис тортилган иплар билан қопланган.

Хаттотлар назмий асарлар учун алоҳида (икки устун ёки қиялатилган), насрый асарлар учун алоҳида (ассосан, тўғри чизиқли) мистарлар тайёрлаб олганлар ва уларни “машқ мистари”, “ғазал мистари”, “қитъа мистари” сингари номлар билан атаганлар. Уларнинг устига тортилган ипакларнинг турли рангларда бўлиши эса бу мистарларни тез фарқлаш имконини берган.

Одатда, тайёр мистар устига бир варақ қофоз ётқизилиб, унинг устидан кафт билан оҳиста ишқаланган. Бунинг оқибатида қофоз юзида зарур тарздаги майнин излар ҳосил бўлади. Хаттотлар ҳосил бўлган бу изларни “жадвали беранг” (яъни рангсиз чизик) деб юритишган. Ўзбек тилида эса қофоз бетида ҳосил бўлган бундай изларни “сатр чизиги” деб аташган. Из ҳосил қилиш жараёнини эса “мистар тортиш” деб юритишган. Ажойиб ўрни шундаки, бир томонидан мистар тортилган қофознинг ҳар икки томонига хат битиш мумкин. Қадимий қўлёзма китобларнинг аксариятидаги ёзувлар мана шундай “жадвали беранг”нинг олд ва орқасига битилган. Шунинг учун бундай китобларнинг бир варагини ёруғга тутиб қарасак, варакнинг ҳар икки бетидаги ёзувлар бир-бирининг устига аниқ тушганининг шоҳиди бўламиз. Демак, хаттотлар “мистар” воситасида бир бор тортилган “сатр чизиги”нинг олд ва орқасига икки бор ёзув битгандар. Бу ҳол ёзув жараёнини анча тезлатишга олиб келган. Аммо хаттотлар ёзувга киришиш олдидан “мистар” тортилган қофозлардан кўплаб ҳозирлаб олганлар ва бу қофозларни “когази мусаттар” – (яъни чизиқли қофоз) деб юритгандар. Хат битиб бўлингган вараклар “лаввоҳ” – (зийнатловчи)лар қўлига ўтган ва улар саҳифадан



жой олган ёзув атрофидаги излар устидан ранг ёки зархал билан “жадвал” –  (чизик) тортгапнлар.

Үтмишда “мистар” га хаттот күл остидаги энг зарур ёрдамчи асбоблардан бири сифатида қаралған. Шундай экан, биз ҳам ундан унумли фойдаланишимиз лозим.




Қаламдон ёзув қуролларини сақлашга хизмат қилувчи мұъжаз кутичадир.

Үтмишда хаттотлар унинг ичига қаламлар билан бир қаторда маълум миқдорда лос, тугмача (кулча) сиёх, ёзув жараёнида йўл қўйилган хатони ювиги ўчирмоқ учун қўлланадиган юмшоқ абр (губка), қаламқат, ҳамда давот ичига солинган сиёхни эзиш учун ишлатиладиган сихпар (жайра найзаси) кабиларни солиб қўйганлар. ўзи унчалик катта бўлмаган (бўйи 20-25., эни 5-8 см., баландлиги 4-5 см.) бу кутичани ҳунармандлар турли ёғоч, қофоз бўтқаси (папъе-маше), мис ва жез сингари хом ашёлардан ясаганлар. Аммо ҳунармандлар вазифаси оддийгина бўлган бу кутичани шундай нозик нақшлар билан безаганларки, натижада у юксак санъат асарига айланган. Таҳсинга сазовор ўрни яна шундаки, ҳунармандлар ўта юксак дид билан қаламдон сиртини беzaш билан бирга унинг ичига сирғалиб кирувчи жажжи ғаладонлар ясаганлар. Ўз ўрнида бу ғаладонлар бир неча хоналардан иборатdir. Ҳунармандларнинг маҳорати шу қадар юксакки, улар ғаладон хоналарининг юқори томонига ҳатто кичкина давотлар ҳам ўрнатганлар. Оддий қаламдонларга нисбатан бундай меҳр ва муносабат хат санъатига ва умуман ёзув маданиятига бўлган юксак эҳтиромнинг гўзал ифодасидир.

Ҳозирда, албатта, бундай қаламдонлар топилмайди. Уларнинг айрим нусхаларини музейлардагина кўрамиз. Аммо магазинларда мавжуд “пластмасса” кутича (“пенал”)лардан ўша мақсадда фойдаланиш мумкин. Албатта, бу




1. Дасын.  
2. Асса шындырғанан сүйг.  
3. Күрүк пос. 4. Канакам.  
5. Канам.  
6. Күнде сүйеги.



*Канамдан ба ушын ніндідан өзүй күрөнгөн*

"пəнал"ларда қаламдонлардаги каби нафосат йўқ. Улар қаламларни синиши ёки ёрилиб кетиши, бошқа ашёларни эса йўқолиб кетишидан асрайди.




Хат битиш билан шуғулланувчи ҳар бир хаттот ёки котибнинг кўл остида маълум микдорда турли қофозлар мавжуд бўлган. Бу қофозларни **Жузвон** у

"жузвон"га солиб қўйган. Араб тилида "жузв"-**сўзи** "бўлак, қисм, парча, андак, озгина" каби маъноларни билдиради. "Дон"-**дан** эса форс тилида отларга қўшилиб, "ичида бирор нарса сақланадиган" маъносини англатувчи қўшимчадир. Шунга кўра жузвонни "ичига бир қисм қофоз солиб қўйиладиган жилд" деб изоҳлаш мумкин. Айрим вилоятларимизда уни "жузгир" деб ҳам юритилади.

Жузвон асосан чармдан икки табақалик қилиб тайёрланган. Унинг ҳар икки табақасининг сирт томонига нафис жадвал ва ислими нақшлар, улар орасига эса настаълик хатидаги ёзувлар (жузвон ясовчисининг номи ҳамда шеърий қитъалар) иссик усулда зарб қилинган. Жузвон табақаларининг ич томонидаги духобасимон мағизлари эса қофозларнинг сирғалиб кетишига йўл қўймай, тутиб турганлар.

Ўтмишда хаттот ва котиб (**كتب** – ҳусниҳат билан китоб кўчирувчи)лар ҳамда талаба ва шогирдлар жузвонда фақат хат битилмаган қофозларнигина эмас, балки ёзib битказилган варақларни ҳам сақлаганлар. Умуман, жузвон қофозларни батартиб сақлаш ва уларни олиб юришда катта қулайлик туғдиради. Шунинг учун ҳам у ўтмишда хаттотларнинг зарур ёзув қуролларидан бири ҳисобланган.

Ҳозирги кунда эса жузвон ўринида магазинларда мавжуд турли жилд ("Папка для бумаг")лардан ўринли фойдаланиш мумкин.





Баъзан ёзув жараёнида, асосан эса ёзиб бўлингач, хаттотлар ўз қаламларининг учини дикқат билан артиб, тозалаб қўйганлар. Бунинг учун улар хомсурпдан фойдаланганлар. Вақт ўтиши билан қалам артила бергач, аввалига оппок бўлган хомсурп буткул қора рангга бўялган. Ана шу латтани “мимсаҳа” деб юритишган. Мимсаҳа сўзининг ўзи арабча бўлиб, “латта” маъносини билдиради. Ёрдамчи ёзув қуроли сифатида мимсаҳа ҳамиша хаттотлар қўл остида бўлган. Биз ҳам хат машқи жараёнида мимсаҳадан ўз ўрнида унумли фойдаланишимиз лозим.

Шунингдек, мимсаҳа ўрнида “перо тозалагич” номи билан магазинларда сотиладиган ёзув қуролидан фойдаланиш мумкин. Унинг тузилиши ғоят содда бўлиб, доира шаклидаги чарм ва латталар устма-уст қўйилиб, ўртасидан маҳкамланган бўлади. Айни шунга ўхшаш мимсаҳани ўз қўлимиз билан ҳам осонликча тайёрлаб олишимиз мумкин. Бунинг учун турли қаттиқ латталардан 8 см. катталиқдаги доиралар қирқамиз. Уларнинг 10-15 донасини қаватма-қават қилиб тахлаб, ҳар икки томонига тугма қўянимиз ва бу тугмаларни ип билан бир-бирига қадаймиз. Одатда, тугмалар доиранинг ўртасидан жой олади. Қарабиски, мимсаҳа тайёр! Хоҳлаган қаватини очиб, қаламни арта бериш мумкин. Ўтмишда котиблар қалам учидаги сиёҳни яхшилаб тозаланишини назарда тутиб, уни мимсаҳага артишдан аввал тоза сувга бир ботириб олганлар ва шундан кейингина латтага суртганлар.

Шуни унутмаслик керакки, биз тайёрлаган мимсаҳанинг устки қаватига қалам артмаслик керак, чунки уни ишлатишда худди шу қаватлари ушланади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, мимсаҳа учун сунъий топалардан тўқилган матоларни ишлатиб бўлмайди. Чунки уларда, юқорида айтганимиздек, сиёҳни шимиш хоссаси йўқдир.




-Мамваҳ

Қадимда хаттотлар давотга сув томизмоқ учун маҳсус асбоб қўллаганлар. Бу асбобнинг номи айрим илмий манбаларда "мамваҳ"- деб қайд этилса, баъзи луғатларда эса у н "мумавва"- деб талаффуз қилиш талаб этилади. Лекин, унинг номи қандай талаффуз этилишидан қатъи назар хаттотлар томонидан бундай асбобларнинг қўлланиши ўлкамиизда ёзув маданиятининг юксак бўлганидан далолат беради.

Ҳозирда биз мамваҳ ўрнида дорихоналарда мавжуд томизгич (пипетка, пардан фойдаланишимиз мумкин. Лекин, томизгични сиёҳ ёки тушга ботиргач, уни атбатта тоза сув билан чайиб қўйишни унутмаслик лозим. Акс ҳолда унинг ичида қотиб қолган тушь ёки сиёҳ уни кейинги гал ишлатаётганда меъёрни аниқлашда қийинлик туғдириши табиий.

Юқорида айтиб ўтилган ёрдамчи ёзув қуролларидан ташқари қадимда хаттотлар қўл остида сиёҳ сузадиган "мибзала"-, уни қориштирадиган "милҳаз"-, давот тозалайдиган "миҳрада"- сингари кўпдан-кўп асбоблар бўлган. Бу ерда биз уларнинг барчаси хусусида тўхталмадик, балки хат машқида бизга асқотиши табиий бўлган ёрдамчи ёзув қуролларинигина санаб ўтдик. Улар қуйидагилардир:

1. Қаламтарош
2. Қаламқат
3. Таглик
4. Мистар
5. Қаламдон
6. Жузвон
7. Мимсаҳа
8. Мамваҳ



Буларнинг қаторида яна:

1. Графитли қора қаламлар.
2. Бүёк қаламлар
3. Фломастрлар (чизик тортиш учун)
4. Чүткалар.
5. Шарикли ручкалар
6. Чизгичлар
7. Ўчиргич (резинка)лар
8. Паргор (циркуль)
9. Қайчи
10. Елим
11. Лезвие

сингари асбоблар ҳам бўлса, фойдадан ҳоли бўлмайди.  
Зотан, хат машқида бу асбоблардан ҳам фойдаланишга туғри  
келади.



Иккинчи бүлүм


الله  
قَدْرَ

Илк машқлар

Шу ерга қадар биз араб хатини битишда құлланадиган ёзув қуроллари хусусида сўз юритдик ва айрим ёзув қуроллари ҳақида, қисқача бўлса-да, зарур маълумотларни баён қилдик. Шунингдек, ўша маълумотлар асосида баъзи ёзув қуролларини тайёрладик. Энди эса хат битиш бўйича илк машқларни бошлаш вақти келди.



Араб алифбосида хат битиш қалам ушлашни билмоқдан бошланади. Зотан, араб ёзувида қалам ушлаш бошқа ёзувлардан дёярли фарқ қилмаса-да, унинг ўзигагина хос бўлган қирралари борки, уларни билмай туриб, араб ёзувини ва айниқса “настаълик” хатини қоидалик равишида чиқариб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қадимда қалам ушлаш қоидасига жиддий эътибор берганлар ва шу боис бу қоидага оид айрим маълумотлар манбаларда қайд қилинганди. Ана шу маълумотларга кўра қалам ўнг қўлнинг уч бармоғи (яъни, бош бармоқ, шаҳодат бармоғи ва ўрта бармоқлар) билан йўнилган жойидан икки арпа эни юқорироқдан ушланганди. Ушланганда ҳам куч билан сиқиб эмас, балки ўртача сиқиқликда ушламоқ лозимдирки, уни бош бармоқ ёрдамида ўёқ-буёққа бураш мумкин бўлсин. Таниқли педагог олим Йўлдош Абдуллаевнинг ёзишича, мактабхоналарда хат машқидан таълим бераётган устод ўз шогирдларига: “Хат ёзаётганда қаламнинг думи ўнг елкангга тўғри бўлиб турсин”, – деб таъкидлар экан. (Й.Абдуллаев, “Эски мактабда хат савод ўргатиш”, Тошкент – 1960, 64-бет.) Ана шундай қоидалар асосида қалам ушлашни хаттотлар “Имсоки қалам” - (яъни, “қалам ушлаш”) деб юритганлар.



## **Машқ:**

Биз ҳам юқоридаги тартибда қаламни ушлаб, давотга ботирамиз. Сүнгра қўл остилиздаги қофозга унинг учини тегизамиз. Мана бундай чизиқча (✓) ҳосил бўлади. Бош бармоқ билан қаламни чап томонга сал бураб, аввалги чизиқчанинг чап томонига яна бир чизиқча туширамиз. Уни ёнига қаламни янада бураб, яна чизиқча туширамиз. Уни ёнига янада бураб, яна чизиқча туширамиз. Шу йўсинга ўнгдан чапга томон қаламни бураган ҳолда беш марта чизиқча туширсак, мана бундай кўриниш ҳосил бўлади:



Бу машқни диққат билан кўп марта тақрорлаш лозим.

## **Изоҳ:**

Кўринишдан ғоят оддий бу машқни адо этиш жараёнида хат машқи учун муҳим бўлган қуйидаги қоидаларга амал қилинади:

1) Қалам учини қофозга тегизиш оқибатида ҳосил қилинган чизиқча (✓)ни хаттотлар “қалам кесими” деб юритганлар. Одатда “қалам кесими” қалам учининг энлик ёки энсиз йўнилганига қараб, узун ёки қисқа (///) бўлади. Агар ёдингизда бўлса, қалам учининг узунроқ томонини ваҳшӣ, қисқароқ томонини эса “унсий” деган эдик. Шунга кўра қалам кесимининг юқори қисмини қаламнинг ваҳшӣ, пастки қисмини эса унсий уни ҳосил қиласди.

Демак, қаламни ушлаганда унинг ваҳшӣ уни юқори, унсий уни паст томонда бўлиши керак. Бу ҳол қаламни ушлаганда, унинг уни, яъни қалам кесими ҳамиша қияроқ ҳолда туриши лозимлигини кўрсатади.

Зотан, араб алифбосидаги, жумладан, настаълиқ хатидаги деярли барча ҳарфлар илк бор қофоз юзида қияроқ тарздаги қалам кесимини ҳосил қилишдан бошланади. Шунинг учун қалам кесимини тўғри тушириш хат машқидаги муваффақиятнинг асосидир.

2) Маълумки, араб ёзуви ўнгдан чапга томон битилади. Бунинг фәқат араб ёзувига хос бўлган афзалликлари бор.

Жумладан биз ҳозирда жорий крилл ёзувида хат битаётганимизда қалам учининг орқасидаги (тагин ҳам аникроқ қилиб айтганда, қалам учининг ўнг томонидаги) жойни деярли кўриб турмаймиз. Шунинг учун ҳам бу ёзув чизиққа суюнишга мажбурдир. Араб ёзувида хат битаётганимизда эса қалам юриши лозим бўлган жой кўз олдимизда туради. Шунинг учун хаттотлар хат битаётганиларида ҳарфларни аскарлардек бир чизиққа тизмайдилар, балки уларни нақш каби безайдилар. Араб ёзувининг гўзаллигини таъминловчи асосий сабаблардан бири мана шундадир! Юқоридаги машқда қалам кесимларини ўнгдан чапга томон қўяр эканмиз, шу нафосат сари илк қадам қўйдик.

3) Машқ жараёнида биз бош бармоғимиз билан қаламни чап томонга бураб бордик. Муҳими шундаки, машқда биз қаламни тўхтаб-тўхтаб бурадик. Аммо ёзув жараёнида қаламни бураш, ёзиш билан бир вақтда, биргаликда амалга оширилади. Чунки араб ёзувидаги баъзи ҳарфларни қоидали ва айни пайтда чиройли чиқармоқ учун қаламнинг шундай ҳаракати лозимдир. Бундай ҳол бошқа ёзувларда учрамайди. Араб ёзувининг мураккаблиги ҳам ва ўзига хос нафосати ҳам мана шунда мужассам топгандир. Шунинг учун араб ёзувини машқ қилишни ва хусниҳат битишни ният қилган ҳар бир одам қалам ушлаш билан бирга уни уёқ-буёққа бураб ҳаракатлантироқни ҳам билмоғи шартдир.



Хат машқида қалам ушлаш қоидасидан кейин қалам юритмоқликни билиш талаб этилади. Чунки араб ёзуви, хусусан чиройли ёзув (“хусниҳат”)да қалам юритишни

билиш бош вазифа ҳисобланади. Шунинг учун қадимда мактабхоналардаёқ муаллимлар хат машқига тушган шогирдларига оғзаки равишда қалам юритиш қоидаларини тушунтирганлар. Зотан, араб ёзувида қалам юритиш бошқа ёзувларга ўхшаб кетса-да, аммо қалам учининг ингичка ва йўғон чизиклар ҳосил қилиши ва айниқса, бу чизикларнинг ёзув жараёнида маълум ўринлардагина келтириб чиқариш лозимлиги жиҳатидан улардан фарқ қиласди. Чунки араб алифбосидаги ҳарфларнинг бўлак (элемент)лари ингичка ва йўғон чизиклардан тузилади ва қатъий анъанага биноан ҳамиша бир хил ёзилади. Ана шу бир хилликка


حَبْ قَمْ

эришмоқ учун “қалам юритиш”ни “таҳрики қалам”- (яъни, қаламни ҳаракатга келтириш) деб юритганлар ва бу ибора мазмунидан қамиш қаламнинг ёзув жараёнида ўнгга ҳам, чапга ҳам, юқорига ҳам, пастига ҳам bemalol, эркин ҳаракатланишини идрок қилганлар. Аммо шуни унутмаслик лозимки, қалам қофоз узра бемақсад юритилмайди. Зотан, қалам юритишдан мақсад она тилимиздаги товушларни ифода қилувчи ҳарфларни намоён қилишдан иборатdir. Қаламнинг ана шундай аниқ мақсад билан юритилишига “қалам ҳаракати” дейилган. Одатда, қалам ҳаракати қаламзан (яъни ёзаётган одам) учун ҳаводек зарур ва нафасдек ёнгил бўлмоғи лозим. Хат машқида бу даражага етишмоқ учун, авваламбор, қалам юритиш (яъни, таҳрики қалам)ни қунт билан машқ қилмоқ керак.


## Машқ:

Қаламни давотга ботириб, қофоз юзида бир қалам кесими (ปาก) ҳосил қиласми. Сўнгра унинг узунлигини кўз билан чамалаб олгач, қаламни қайтадан унинг устига қўямиз ва қаттиқ босмай, оҳисталик билан қиялатиб тортамиз. Қўлимиздаги қалам юқоридаги қалам кесими энида чизик ҳосил қилган ҳолда қофоз узра юра бошлайди. Қаламни юритар эканмиз, у ҳосил қилаётган чизикнинг ёнлари қалам кесимининг узунлигига тенг бўлгач, қалам юритишни

түхтатамиз. Натижада, қоғоз юзида мана бундай (◆) шаклдаги ҳамма томонлари тенг түртбұрчак ҳосил бўлади.



Бу машқни адо этаётганда түртбұрчакнинг бурчаклари түғри чиқишига жиддий эътибор бериш лозим. Бунинг учун қаламни қалам кесимига нисбатан түғри (яъни  $90^\circ$ ) бўлган чизик бўйлаб тортиш керак. Акс ҳолда түртбұрчак эмас, балки бурчаклари түғри бўлмаган суйри (ромб) шакли ҳосил бўлади. (◆) Хат машқида эса суйри эмас, балки түғри бурчакли түртбұрчак битиш талаб этилади. Шунинг учун қуидаги машқларни шошилмай адо этинг:



### Изоҳ:

Бу машқни адо этиш жараёнида Сиз илк бор қоғоз узра қалам юритдингиз. Бунинг натижасида ҳосил бўлган аломатни хаттоллар “нұқта”--деб юритганлар.

Халқ орасида уни баъзан “нўхат” деб ҳам атаганлар. Кўринишидан фоят оддий бўлган бу машқда хат машқи учун муҳим бўлган қуйидаги қоидаларга риоя қилинди:

1. Қалам кесими ҳосил қилингач, қалам юқоридан пастга томон тортилади. Қаламнинг мана щундай тортилишидан келиб чиқиб, хат машқида нуқта ҳосил қилиш жараёнини – “нуқта тортиш” ибораси билан ифода қилинган. Умумий тарзда эса ҳамма вақт “нуқта қўйиш” ибораси ишлатилган.

2. Нуқтанинг бўйи энига тенг қилиб тортилди. Бунда асосий эътибор нуқта бурчакларининг тўғри ( $90^{\circ}$ ) бўлишига қаратилди. Зотан, “настаълик хати”да қўлланадиган нуқталар ҳамиша тўғри тўртбурчак (квадрат) шаклида бўлиши лозим. Мана шунинг учун ҳам “настаълик хати”да нуқталарнинг суйри (ромб) шаклида бўлишига йўл қўйилмайди.

3. Юқорида биз араб ёзуви ўнгдан чапга томон ёзилади деган асосий қоидани айтиб ўтган эдик. Лекин нуқта тортишда бу қоидага амал қилинмайди. Чунки нуқталар араб ёзуви каби ўнгдан чапга қараб тортилса, уларни учма-уч келтириш қийинлашади. Чапдан ўнгга томон тортилганда эса бир нуқтанинг учидан иккинчи нуқтани учма-уч аниқ тушириш мумкин.

4. Нуқталарни тортишда қатъий тартибга риоя қилинди. Жумладан, аввал биринчи нуқта тортилгач, унинг ўнг томонидан иккинчи нуқта бурчакма-бурчак қилиб тортилди. Шундан кейингина бу икки нуқтанинг усти ёки остига учинчи нуқта тортилди. Бу тартиб ниҳоятда қатъий бўлиб, унга ҳамиша риоя қилиш лозимдир.

5. Хат машқида бу нуқталарни ўз номи билан атамоқ керак. Жумладан, хаттотлар уларни “бир нуқта”, “икки нуқта” (баъзан “кўш нуқта”, ёки “жуфт нуқта” деб ҳам юритишган) ва “уч нуқта” иборалари билан атаганлар. Биз ҳам хат машқида бу иборалардан ўз ўрнида фойдаланмоғимиз лозимдир.

# عَرَبْ يَوْمَ انْقَطَتْ نِيْجَ وَظِيفَةَ لَارْ

Араб ёзувида нуқталар икки вазифани адо этадилар.  
Булар асосий ва ёрдамчи вазифалардир.

## I. Асосий вазифаси:

Араб алифбосидаги кўпчилик ҳарфлар нуқталар воситасида ясалади. Бунда маълум ҳарф шаклларининг ост ва устларига бир нуқтадан тортиб, уч нуқтагача қўйилади. Одатда, бундай ҳарфлар ёлғиз келганда нуқталар уларнинг аниқ бир жойига (яъни ўртасига) ост ва уст томондан қўйилади. Аммо хат битиш жараёнида бу ҳарфлар бошқа ҳарфлар билан қўшилиб ёзилар экан, нуқталар ўз ўрнига нисбатан бир оз четроқقا ҳам қўйилиши мумкин. Муҳими шундаки, китобхонлар бу нуқталар воситасида ўша ҳарфларни бехато ўқий олишлари лозимдир.

## II. Ёрдамчи вазифаси:

Хат машқида нуқталар араб алифбосидаги ҳарфлар учун ўлчов бирлиги сифатида қўлланади. Бунда чорак нуқта (яъни бир нуқтанинг тўртдан бир бўлаги) ва ярим нуқтадан бошлаб ёнма-ён қўйилган ўн бир нуқтагача бўлган ўлчамлар қўлланади. Одатда, ёрдамчи нуқталар ҳам чапдан ўнгга томон тортиб борилади. Акс ҳолда аниқ ўлчовларга эга бўлмай қолган ҳарфлар батартиб эмас,

балки бетартиб тушиб қолиши мүмкін. Албатта, хат машқида ёрдамчи вазифаны адо этаётған нұқталар асосий ёзувда қүйилмайды. Бироқ ҳарфлар таълимида (яъни ҳарфларнинг бичим ва ҳолатларини ўлчашда) улар қофоз узра қўйилади ва ҳарфларнинг баландлиги, чуқурлиги ва узунлигини кўрсатади. Шунинг учун араб алифбоси асосидаги ёзувни ўрганишни ният қилган ҳар бир шахс ҳарфлар таълимидаги нұқталар сони, уларнинг йўналиш ва ўрин олиш ҳолатларини дикқат билан ўрганиб, яхши эслаб қолиши лозим. Чунки ҳақиқий ёзувда ёрдамчи нұқталар амалда эмас, балки дилда қўйиб борилади.

Хулоса қилиб айтганда, араб ёзувида нұқталарнинг асосий вазифаси ҳарфларни таниш ва уларни бехато ўқишни таъминласа, ёрдамчи вазифаси эса, хат машқида ҳарфларнинг қоидалик битилиши ва нафис ёзилишини таъминлади.



# نقطا اساسидагی یازо قاعدا س

## Нүқта асосидан өзүв қойдаси


Нүқталар ҳақида сўз юритар эканмиз, араб ёзуви, хусусан настальик хати учун муҳим бўлган бир ёзув қоидаси устида тўхталиб ўтиш лозим. Зотан, бу қоидани билмай туриб, настальик хатининг нафосатини тасаввур қилиш мумкин эмас. Қофоз бетига туширилган қалам кесими (қалам учини қофоз юзига тегизиш орқали ҳосил қилинган чизиқча)ни пастга томон давом эттирасак, координат системаси бўйича у тахминан  $60^{\circ}$  ли бурчак ҳосил қиласди.




Бундан кўринадики, биз настальик хатини ёзаётганимизда қўлимиздаги қаламнинг учи қофоз четига нисбатан  $60^{\circ}$  қияликда туриши лозим. Дарҳақиқат, агар қалам яхши очилган ва тартиб бўйича “кат” қилинган бўлса, уни бундан бошқача ушлаб ҳам бўлмайди. Бордию ушланган тақдирда А ҳам қоидали равишда чиройли ёзив бўлмайди.

Шунинг учун илк бор қўлга қалам олинган вақтданоқ унинг учини кўрсатилган қияликда тутишга одатланмоқ зарур.

Энди қалам кесимини тик ўқ бўйича тортиб, нүқта ҳосил қилайлик ва унинг иккى ёнини пастга давом эттириб кўрайлилек. Ўзаро параллель (ёнма-ён) бўлган бу чизиқларни



координат системасига солсак, талаб бўйича уларнинг ҳар иккиси ҳам тахминан  $60^{\circ}$  ли бурчак ҳосил қилиши керак. Акс ҳолда биз ё қаламни нотўғри ушлаган ёки бўлмаса, нотўғри тортган бўламиз. Ваҳоланки, юқорида айтиб ўтганимиздек, нуқтанинг бурчаклари тўғри бўлиб, томонлари ўзаро teng бўлиши лозим. Шунинг учун ёзув жараёнида нуқта тортар эканмиз, мана шу талабни ҳамиша хотирада тутмоқ жоиздир.



Муҳими шундаки, “дол” ҳарфининг боши бўлмиш нуқтанинг қиялиги ҳам, айтиб ўтганимиздек,  $60^{\circ}$  дан иборатдир. Айни шундай ҳолатни биз настаълиқ хатининг бошқа ҳарф ва ҳарф бирикмаларида ҳам кўрамиз.



Шуни ҳам унумаслик керакки, настаълиқ хатида нуқтага нисбатан қўйилаётган бундай талаб айни замонда бу ёзувнинг ҳарфларига ҳам доҳилдир. Чунончи, буни англамоқ учун “дол” - ҳарфини мисол тариқасида олиб кўрайлик. Одатда, “дол” ҳарфининг боши бир нуқтадан иборат бўлади ва ана шу нуқтага унинг оёғи уланади. Аммо, биз учун

Хулоса қилиб айтганда, настаълиқ хатида аксарият ҳарфларнинг бошланиши ва айрим ўринларда эса тугалланиши маълум қияликка эгадир. Бу қоида настаълиқ хати учун ғоят муҳим бўлгани сабабли уни бир оғиз сўз билан тушунтириш мумкин бўлишига қарамай, имкон доирасида кенгроқ баён қилишга жазм этдик.

Зотан, ҳеч иккиланмай айтиш лозимки, настаълиқ хатининг нафосати кўп жиҳатдан шу қоидага боғлиқдир.




Биз қалам ушлаш, уни юритиш ва нуқта тортиш сингари ёзув қоидаларидан яхшигина хабардормиз. Шундай бўлгач, хат машқини бемалол бошлий бериш мумкин эди. Аммо ўтмишда шогирд хат машқига киришар экан, аввало ўз устозининг қаламни қандай ушлаши ва уни қай тариқа юритишини кузатиб турган. Ўз ўрнида устоз ҳам шогирдининг кузатуви остида айрим ҳарфларни қайта-қайта ёзиб кўрсатган. Бизда бундай имконият йўқ, чунки хеч вақт китобнинг яратувчиси билан унинг ўқувчиси бевосита мулоқот қила олмайди. Шунинг учун араб ҳарфларини ёзишдаги қалам ҳаракати ва айниқса ёзув жараёнини бу китобда баён қилмоқ учун ёзма шаклдаги қўшимча ишоралардан фойдаланишимизга мажбурмиз.

Қўйида шу мақсад учун манбаларда келтирилган айрим ишораларни қисқача баёнини келтирамиз ва ҳавасмандлар бу ишораларнинг шакл ва мазмунини яхши билмоқларини талаб этамиз.

## 1. Нуқта – (◆)

Бу белги, айтиб ўтганимиздек, ҳарф ва унинг бўлак (элемент)ларини ўлчов бирлиги сифатида қўлланади. Унинг воситаси илиа ҳарфларнинг узун-қисқалиги, баланд-пастлиги кўрсатилади. Ҳарфлар ҳамда ҳарф бўлакларини ўлчашда нуқталарни бурчакма-бурчак , қилиб қўйилади.

Баъзан ҳарфларнинг эгик бўлакларини ўлчашда нуқталар эмас, балки оддий чизиқча (—)лар қўлланиши ҳам мумкин. Бундай ҳолда икки чизиқча (=)нинг орасида бир нуқта (◆) бор деб ҳисобламоқ лозим. Баъзан эса чизиқлар билан бирга улар орасига нуқталар ҳам қўйилган бўлади.



## 2. Ўқ – (→)

Бу белги ҳарф ва ҳарф бўлакларининг ёнига қўйилиб, ёзув жараёни ва қалам ҳаракатини кўрсатиш учун қўлланади. Ёзув жараёнини кўрсатиш учун қўлланганда унинг ёнига рақам кўйилади. Баъзан эса дикқатни ҳарфнинг бир нуқтасига, бирор қисмига, ёки бўлмаса бирор жиҳатига жалб қилиш учун ҳам ўқ қўлланади. Бундай кезларда ўқ орқасига юқоридаги маънолардан көлиб чиқиб, "Н", "Қ", "Ж" сингари ҳарфлар қўйилади.



## 3. Ярим нуқта – (◆)



Бу белги ёзув жараёнида баъзи ҳарф ёки ҳарф бўлакларининг эни ёки оралиқларини ўлчашда қўлланади. “Ярим нуқта” дейилганда бир нуқтани ўртасидан тенг иккига бўлганда ҳосил бўлган ўлчам назарда тутилади. Ёзувда бу ўлчам асосан қалам учини кўндаланг тортиш орқали ҳосил қилинади, яъни қалам кесими (✓)ни унга

нисбатан тик ўқ бўйича тортсак, бир нуқта ўлчовидаги чизик борди-ю, унга нисбатан ётиқ ўқ бўйича тортсак, ярим нуқта ўлчовидаги чизик ҳосил бўлади. Ярим нуқтани мана бундай белгилар (ʌ , v) , билан ифода қилинади.



#### 4. Чизим – ( o )

Бу белги араб ҳарфларининг нуқта сифмайдиган ўта нозик ва тор оралиқларини ўлчашда кўлланади. Қадимда “чизим” дейилганда хаттоллар нуқтанинг тўртдан бир бўлагини тушунганлар. Ана шу ўлчов бирлигидан келиб чиқиб, хаттоллар уч хил чизим қўллаганлар: майда, ўртача ва катта. Одатда, “майда чизим” дейилганда нуқтанинг тўртдан бир бўлаги тушунилган бўлса, “ўрта чизим” дейилганда эса нуқтанинг тўртдан икки бўлаги, яъни ярим нуқта тушунилган. Катта чизим эса бир нуқта ўрнида қўлланилган.



#### 5. Тик ва ётиқ чизиқлар – ( | / — )

Бу белгилар ҳарф бўлакларининг қиялиги, нишаби ва букилиш ўринларини кўрсатишда кўлланади. Одатда, ҳарф бўлаги билан унинг ёнига тортилган тик ва ётиқ чизиқлар орасига нуқта ёки чизимлар қўйилади. Бундан кузатилган мақсад ўша ҳарф бўлагининг букилиш ёки эгилиш даражасини ифода қилишдан иборатdir. Тик ва ётиқ чизиқлар ҳарф бўлагининг ҳолатига қараб, ўнгдан ҳам, чагидан ҳам, юқоридан ҳам, пастдан ҳам қўйила беради.



## 6. Нафас олиш – ( )

Бу белги қалам ҳаракатининг ўзгариш ўринларини ғратиши мақсадида күлланади. Одатда, хаттотлар қаламни ир текисда суриб борар эканлар, унинг ҳаракатини ўзгариши нұқтасига етгач, бир дақиқа тұхтаб нафас тәннелер ва яна ёзишда давом этгандар. Уларнинг хатида із бу нұқталарнинг ўзаро уланган ўринларини күрмаймиз. Ү ҳол хаттотлар маҳоратининг юксаклигидан далолат әради. Аммо, машқ жараёнида шогирдларга қалам ҳаракати әқида аниқроқ маълумот бериш учун күпинча устозлар “нафас олиб”, яғни қалам ҳаракатини узиб-узиб күрсатғандар. из ҳам баъзи ўринларда бу белгидан фойдаланамиз.



## 7. Нұқтали ёзув – ( )

Бу белги бирор ҳарф ёки унинг бўлаги ҳақида тўғри эсаввур ҳосил қилиш, баъзан эса қалам ҳаракатининг авоми ҳақида тушунча бериш учун күлланади.



Ҳозирча биз учун зарур ёрдамчи ишоралар шулардан иборатдир. Қолганларини эса машқ жараёнида ўрни-ўрнида баён этамиз.

**Чиниң бұлым**

**عَلَيْكُمْ سَلَامٌ**

**Асосий машқлар**



## Назарий мавлумот

Луғатларда “машқ” – сўзи “ўрганиш, малака ҳосил қилиш учун қилинадиган иш, тайёргарлик машғулоти”, деб търифланади. Ҳар бир касб ва ҳунарнинг ўз машқи бўлгани каби хат битишнинг ҳам ўзига ҳос машқи бор. Биз уни бошқа соҳалардан фарқлашни назарда тутиб, “Хат машқи” деб юритамиз. Манбаларда кўрсатилишича, хат машқи асосан уч босқичдан иборатdir.

**Биринчи босқич** -- назарий, яъни қараб туриш, кузатиб туриш орқали кўзни ўргатиш машқи. Биз уни “Назарий машқ” деб юритиши маъқул топдик. Аммо бу ердаги “назарий” сўзи назария маъносида эмас, балки “назар” (яъни кўз қараши, нигоҳ) маъносида тушунилмоғи лозим. Чунки ўтмишда “назарий машқ”қа тушган шогирд ўз устозининг ёзиш жараёнини кўриб турган, унинг кўл ҳаракати ва айниқса, қалам юритиши (“таҳрики қалам”)ни дикқат билан кузатиб, тўлиқ эслаб қолишга ҳаракат қилган. Ўз навбатида устоз ҳам жим турмай, қаламни қаёққа қандай суриш, қаердан бошлаб қаерда тўхтатишни оғзаки равишда тушунтириб борган. Шунинг учун назарий машқда шогирднинг кўзи қалам учida, қулоғи эса устоз сўзида бўлган.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш лозимки, устоз аввал амалда адо этиб, сўнgra уни асослаган. Бундан кўринадики, шарқ санъатининг асосини ташкил этган (яъни амалиётдан назариётга борувчи) қонун хат санъатига ҳам мансубдир. Фикримизча, худди мана шунинг учун ҳам бутун умр хаттотлик қилган Султон Али Машҳадий умрининг охирида хаттотлик тўғрисидаги улкан тажрибаларининг якуни ва



Назарий умумлашмаси сифатида ўзининг хат санъати ва хаттотлик тўғрисидаги ажойиб шеърий рисоласини ёзган эди. Лекин бу рисолада ҳам, шунингдек, хат машқига оид бошқа асарларда ҳам асосий етишмовчилик ёзув жараёнини амалда кўрсатишнинг иложи йўқлигидан иборатдир. Ана шу амалиётни, яъни ёзув жараёнини ифода қилмоқ учун биз “Ёрдамчи ишора”лардан кенг фойдаланган ҳолда ҳарф ўлчамлари ҳамда қалам ҳаракатини баён этамиз.

**Иккинчи босқич** – қаламий, яъни қалам воситасида устоз битиб берган ёзувни айнан кўчириш машқи. Буни биз “Қаламий машқ” деб юритамиз. Хат машқида қаламий машқ асосий ўринни эгаллайди. Чунки хат ёки ёзув айни шу машқдан шаклланади.

Қаламий машқда энди устоз эмас, балки шогирд қалам юритади. Бу ерда биз оддийгина “қалам юритади” иборасини кўлладик. Аслида эса соддагина бўлиб кўринган бу жараён анчагина мураккабдир. Чунки шогирд ана шу биргина жараёнда бир вақтнинг ўзида бир неча жараёнларни мужассамлаштира олмоғи лозим. Жумладан, шогирд устози ёзиг берган ҳарф ёки хатга тез-тез нигоҳ ташлаб туради. Машқ учун шогирдга **نمونه** ёзиг берилган устоз хатлари қадимда “намуна” (نمونه) деб аталган. Машқ жараённада шогирдининг “намуна”ларни тадқиқ қилиши назарий машқдан бошқа нарса эмас. Шунингдек, шогирд

ёзув учун ғоят муҳим бўлган “қалам ушлаш” **قلم اسکر** ва “қалам юритиш” (**حڪيقي قلم**)ларга риоя қиласиди.

Бироқ биз учун **مۇھими شۇндакى**, бу ерда ҳам устоз оғзаки равишда тушунтириб туради. Ҳар икки ўринда, яъни назарий машқ ва қаламий машқда устоз айтиб турган сўзлар ғоят қимматлидир. Чунки у асрлар давомида сайқал топган ва бевосита хат санъатига оид қоидаларни баён қиласиди.

Одатда, илм-фан ёки касб-ҳунар соҳалари бўйича эгалланиши зарур бўлган маълумот ва кўникмалар мажмуини биз бир ном билан “таълим” деймиз. Манбаларда қайд

етилишича, хат санъатида таълим (  ) ҳарфларнинг ва калималарнинг ёзув навларига кўра ўлчовларини, бичимларини, ҳолатларини билдирадиган усул ва қоидаларга асосан қандай ёзилишларини баён қилишдан иборатдир. Ўтмиш бобокалонларимиз хат машқида таълим сўзини айнан шу маънода идрок қилганлар. Жумладан, улуғ ўзбек шоири Шермуҳаммад Аваэзий ўғли Мунис ўзининг 1804 йилда ёзилган ва бевосита хат машқига бағишлиланган рисоласини “Саводи таълим” (яъни “Ёзув таълими”) деб атади. Ўзининг бу рисоласида Мунис “таълим” сўзини кўп маротаба тилга олиб, унинг хат машқидаги аҳамиятини қайта-қайта таъкидлайди:

Машқ этмак ишида хат битарга,  
Таълим вуқуфиға етарга...

Хатдан мақсад эрур хати хўб,  
Таълим қавоиди била жўб...

Таълим ниҳонин ошкор эт,  
Нуқта била ўлчамак шиор эт.

Тошкентлик етук хаттот ва билимдон устод Муҳаммад Азим ибн Рўзи Муҳаммад ўзининг 1912 йилда чоп қилинган рисоласини “Миръоти таълим” (яъни “Таълим ойнаси”) деб номлади. Шу рисоланинг муқаддимасида шундай байт бор:

Таълими хат этгил, хатинг зийнат бўлур санга,  
Мухтож эсанг яхшигина касб ўлур санга.

Булардан кўринадики, ўтмишда устозлар хат таълимига катта аҳамият берганлар ва имкон доирасида уни ўз шогирдларига мukammalroq тушунтиришга ҳаракат қилганлар. Жумладан, улар ҳарфларнинг умумий шакллари ва айrim кўринишлари ҳамда баъзи бўлакларини баён қилишда турли тамсил ва ташbihлардан фойдаланганлар.

Бундан кузатилган мақсад шогирдларнинг араб алифбосидаги ҳарфларнинг нозик қирраларини яхши эслаб қолишларига қаратилгандир. Қадимда хат машқида кўлланган бундай баёнларни “таъриф” – **تعريف** деб юритганлар. Одатда, “таъриф”лар шогирдларга яхши таниш бўлган ҳаёт лавҳаларидан олинган. Масалан; Муҳаммад Азим ёлғиз “бе” ҳарфига қуйидагича таъриф беради: “... ўртаси икки михга салқа қилиб бойланган ип каби төкис эгилиб...” ёзилади. Бу таъриф шогирдлар хотирасида яхши сақланиши билан бирга, уларни ўша ҳарфни бехато фарқлай олишларини таъминлайди.

Учинчи босқич – “хаёлий”, яъни араб алифбосидаги ҳарф ва ҳарф бирикмалари, баъзан эса айрим сўз ва иборалари ёзилишини фикран тасаввур қилиш машқи. Биз уни хат санъатига мансублигини эътиборга олиб, “хаёлий машқ” деб юритамиз. Дарҳақиқат, хаёлий машқ бўлмаганида, араб ёзувининг бу қадар гўзал нафосати ҳам бўлмас эди, десак хато қилмаймиз. Чунки, хаёлий машқ аввалги машқлардан фарқли ўларок, устоз ёзувлари (намуналар)га боқиб, ёки бўлмаса унинг сўзларига қулоқ тутиб эмас, балки мустақил равишда, хусусий услубда хат битиб, маҳорат кўрсатишдан иборатdir. Хаёлий машқдаги айни шу ҳолат кишида ижодий қудратнинг шаклланиши ва камол топишига восита бўлади. Ўтмиш хаттотларнинг юксак салоҳияти бевосита хаёлий машқнинг самараасидир. Чунки хаёлий машқда ҳамиша хаёлан бўлса-да, қаламий машқ тақрорланади. Ўз ўрнида бу тақрор камолат сари етаклаши табиий. Албатта, ҳар қандай тақрор учун илгари эгалланган билим, хат санъатида эса таълим бўлмоғи лозим. Хаёлий машқ айни шу пойдевор устига тикланади. Шунинг учун ўтмиш устодлар хаёлий машқни бошка машқларнинг якуни деб ҳисоблаганлар.

Ҳамма машқларда ҳам шоргирдларнинг шахсий ҳоҳиши, зеҳни ва санъатга муҳаббати асосий ўринда туради. Ана шундан келиб чиқиб, ўтмишдаги буюк устозлар ҳуснихатни ҳавас қилган кишилар олдига бешта муҳим шарт қўйганлар:

پنج چиз ہست کتاجمع نکر دبا ہم  
 ہست خطاطشدن پیش خرد احوال  
 وقت طبع و وقوف رخ طوقت دست  
 طاقت محنت و اباب کتابت بمال

Мазмуни:

“Беш шарт мавжуд бўлмаса, хаттот бўлмоқ мумкин эмас: хоҳиш ва хат (қоидалари)дан воқифлик ва қўлнинг қуввати, меҳнатга тоқат ва китобат (ёзув) асбобларининг бутлиги.”

Эътиборлиси шундаки, хаёлий машқ билан шуғулланаётган кишилар ҳам ушбу шартларни билиши лозим. Чунки, хат қоидаларидан воқиф бўлмай ёки ёзув қуролларининг тузилиши ва имкониятлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмай, хаёлий машқни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди. Шунинг учун хаттотлар хаёлий машқда ўнг қўлнинг икки бармоғи, яъни қўрсаткич бармоқ билан ўрта бармоқдан қалам учи сифатида “фойдаланмоқ”ни тавсия



қиладилар. Ҳақиқатан ҳам бу икки бармоқни қозузра қўйсак, кўрсаткич бармоқ қаламнинг унсий, ўрта бармоқ эса ваҳший учларини кўрсатади. Шу ҳолатда хаёлан “ёзиб” кўрсак, ҳарфларнинг қаери йўғон ва қаери ингичка эканлиги аниқ намоён бўлади.

Умуман, хаёлий машқ ҳусниҳат санъатида муҳим ўрин тутади. Чунки унинг воситасида ёлғиз ҳарфларнинг тузилиши, уларнинг ўзаро қўшилиши

уёқда турсин, ҳатто айрим сўз ва жумлаларнинг ёзилишини ҳам кўз олдига аниқ келтириш мумкин. Бу эса араб алифбосидаги ёзув ва унинг нафосатидан атрофлича билимга эга бўлиш демакдир.

Шундай қилиб, араб ёзувини ўрганиш йўлидаги дастлабки машқлар хусусида айрим маълумотларни баён қилдик. Хат машқида бу маълумотларга амал қилиш мувафақиятнинг гаровидир. Шунинг учун араб алифбосида битилган ёзувларни синчковлик билан кузатиш ва уларнинг хоссаларини эслаб қолиш кейинги амалий машқлар учун фоят муҳим эканлигини ҳамиша ёдда тутиш лозимдир.





## Амалий машқолот

### а) Назарий машқлар

1-машқ. Настаълиқ хатининг асосини ташкил қилувчи ушбу алломатларнинг ҳар бирига диққат билан кўз юритинг. Уларни имкон борича эслаб қолишга ҳаракат қилинг. Чунки бу алломатларнинг ост ва устларига нуқтапар қўйиш орқали араб алифбоси ҳосил қилинади:

ا س س ح د ر س  
ط ع و ك ل م س و  
ل ا ي ه ه ه ه ه ه


2-машқ. Қуйидаги матнлардан 1-машқда берилган алломатларни аниқланг. Бу машқни бажаришда араб ёзувига хос асосий тартиб, яъни ўнгдан чапга томон кўз юритишига амал қилинг:

اوشاق قند آق توزگا مانند ايرور  
 ويلكين بيري توز بيري قند ايرور  
 دوست بيلان آباد اوينگ كربولسنه او ويرانه هم  
 دوست قدم قوياس لكان ويرانه دور كاشана هم

3-машқ. Қўл остингизда бўлган ва араб алифбосида битилган китоблардан 1-машқдаги аломатларни аниқланг. Бунда китоб ҳарфларининг машқдаги аломатларга мутаносиблигига алоҳида аҳамият беринг. Чунки айни шундай қиёсий йўл билан китоб хатининг тури (яъни насхми, настаъликми эканлиги) аниқланади. Шунингдек, бу йўл билан китобнинг тошбосма (матбаа усулида чоп қилинган) ёки михбосма (ҳарф териш усулида чоп қилинган) лигини ҳам аниқлаш мумкин. Бу машқни бажараётганингизда китоб хатининг машқдаги аломатларга ўхшамаган ўринларига ҳам алоҳида аҳамият беришни унутманг.

### **б) Қаламий машқлар**

Маълумки, қаламий машқ хат ўрганувчидан зўр диққат ва кўп меҳнат талаб қиласди. Одатда, машқка киришишдан аввал кўл остимизда қалам, сиёҳ ва қофоз сингари ёзув қуроллари



Мунис 1770-1829

мавжуд бўлмоғи лозим. Аммо қоғоз узра қалам юритишдан олдин нимани ёзиш ва қандай ёзиш (яъни хат таълими) муаммоси ҳамиша илк бор хат бошлаган шогирд олдига кўндаланг туради. Шунинг учун биз юқорида номлари зикр этилган икки аллома – Шермуҳаммад Авазбий ўғли Мунис ва Муҳаммад Азим ибн Рӯзи Муҳаммадларга бу масала хусусида мурожаат қиласиз ва уларнинг мазкур муаммони ёритувчи таълимларини эътиборингизга ҳавола этамиз. Зоро, миллий маданиятимиз таърихида хат санъати бобида бу икки табаррук зотнинг хизматлари каттадир. Биз эса баҳоли қудрат бу устозларнинг таълимларини шарҳлаш ва ёрдамчи ишоралар воситасида уларни тасвирлаш билан машғул бўлгусимииздир.

Араб ёзуви ҳам бошқа ёзувлар сингари айрим-айрим ҳарфлардан ташкил топгандир. Таълимда араб алифбосида келувчи ёлғиз Ҳарфни “тоқ, якка, битта” маъносида “муфрад” -  деб юритилади. “Муфрад”нинг кўплиги “муфрадот” -  дир. Биз, кўпинча хат машқида намуна сифатида фойдаланмоқ учун ҳарф ва ҳарф бирикмаларидан тузилган рисолачаларни ҳам “муфрадот” деб атаемиз. (Баъзан, устоз томонидан “хатга тушган” “шогирд” учун ёзиб берилган ёлғиз ҳарфларни “сарҳат” -  деб ҳам юритишган). Шунингдек, айрим-айрим ҳарфларни намунага қараб алифбо тартибида катта-катта қилиб кўчириш амалини ҳам “муфрадот” деб аталган. Қадимги мактабларда қаламий машқ (яъни “хатга тушиш”, хат машқини бошлаш) айни шу “муфрадот”ни кўчиришдан бошланган. Биз ҳам шу йўлдан борамиз, аммо ҳарфларни қуруқ кўчириб қўя қолмай, аввало уларнинг таълим мини баён қиласиз. Таълимлар Муниснинг “Саводи таълим”, (бу асарни “I” рақами билан кўрсатамиз) ҳамда Муҳаммад Азимнинг “Миръоти таълим”, (бу асарни “II” рақами билан кўрсатамиз) рисолаларидан келтирилади. Рисолалардаги тушунилиши қийин бўлган айрим сўзларнинг мазмуни шу сўзнинг ёнида, қавс ичидан берилади. Сўнгра бевосита хат машқига ўтилади. Бу машқлар қуйидаги тартибда олиб борилади:

1. Ҳар бир ҳарфга мансуб “қалам ҳаракати” шу ҳарфнинг ёнида келтирилган “ўқ” ( → ) воситасида ифода қиласади. Ҳарф бир неча бўлаклардан ташкил топган бўлса, шу ҳарфнинг ёзилиш жараёнини ифодаламоқ учун унинг ҳар бир бўлаги алоҳида ўқ билан кўрсатилиб, рақам билан тартибланди. Ҳарфларнинг айрим зарур нуқта ва нозик қирралари эса тик ўқ билан кўрсатилади ва ўқ охирига ишораларда кўрсатганимиздек, “н” (нуқтаси), “қ” (қирраси), “ж” (жиҳати) сингари ҳарфлар қўйиб борилади.

2. Ҳар бир ҳарф ёки ҳарф бўлагининг ўлчовлари ҳамда шаклларининг жойланиши ва уларнинг ораликлари “нуқта”лар, “чизим”лар, “чизиқ”лар қади ишоралар билан ифода қилинади.

3. Машқларда ҳар бир ҳарфнинг ёзилиши тартиби фақат бир мартагина кўрсатилади. Ҳавасмандлар эса уларни қайта-қайта ёзиб, машқ қилмоқлари жоиздир. Шунингдек, улардан машқ мобайнида юқорида номлари зикр этилган устодларнинг асаларидан келтирилган таълим ва қоидаларга амал қилмоқлари ва намуналарга ҳамиша эътибор бермоқлари талаб этилади.

4. Нихоят, ҳар бир машқдан кейин унинг “изоҳи” берилади. Бу изоҳларда араб ҳарфларнинг ёзилиши борасидаги айрим шахсий фикрларимизни, маслаҳат ва кўрсатмаларимизни ҳам баён қилиб борамиз.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ўтмишда машқ ва таълимга нихоятда жиддий эътибор билан ёндошганлар. Зотан, хат машқининг муваффақияти айни шуларга боғлиқ деб билганлар. Жумладан, ўша вақтлардаги хат машқига оид қўлланмаларнинг аксариятида ушбу байт келтириладики, у юқоридаги фикримизни тўлиқ тасдиқлайди, десак хато қилмаган бўламиз:

# مشق و تسلیم ہار دومی باید کر کین نسیست خط انکو ناید

Мазмуни:

Машқ ва таълим ҳар иккиси даркордир,  
Гар бири йўқ, хуснихат ҳам бекордир.

Демак, қаламий машқда машқ билан таълимни бирбиридан ажратиш мумкин эмас. Мана шунинг учун ҳам биз кейинги баёнларимизда шу қоидага амал қиласиз ва аввал таълим, сўнгра эса машқларни келтирамиз. Буларни бир ерда келтиришдан мақсад шогирд ва ҳавасмандлар ҳар бир ҳарфни ёзишда аниқ тасаввур билан қалам юритмакларини таъминлашдир.



Мұфтийін бұлым

Мұфрадат


## 1-Таълим: – “Алиф” –



I. Тули (бўйи) “алиф” уч нуқтадир, аммо,  
Ул хома (қалам) биланки, қилдинг иншо.

II. “Алиф”нинг тани ўз қалами ила қўюлган тўрт бурчаклик нуқталарни бурчак ба бурчак қилиб қўйганда уч нуқта баробарида бўлиб, йўғонлиги ярим нуқта бўлур. Аммо икки тарафи баробар, бир хилда бўлур.

1-машқ:



Изоҳ:

“Алиф” ҳарфи ҳамиша юқоридан пастга тортилади. Қаламнинг бундай ҳаракатини хаттотлар “нузул” –  – яъни, “юқоридан пастга тушиш”, деб юриттандар. Бунда қалам учининг ўнг томони (“ваҳший”) фаол иштирок этади. Чунки, “алиф” қаламнинг ваҳшний уни билан бошланиб, шу уни билан тугатилади. “Алиф” ягона бўлакдан иборат бўлгани учун бир қалам тортиш билан ёзилади. Уни ёзганда қоматини ҳамиша тик бўлишига эътибор бериш лозим. Чунки бири у ёққа, иккинчиси буёққа оғишмай, бир хил қомат сақлаган “алиф”лар ёзувга ўзгача жозиба берадилар.

2-таълим: – “Бо” (“Бе”) –





I. Бир нуқтача басдур аввали “бо”,  
Лекин танида хилоф пайдо.  
Баъзи сўзи олти нуқтага жўб,  
Баъзи деди етти нуқтадур хўб.

Устоддин ўлди дөғи масмұъ (әшитилди),  
 Ким түккүзи бордур асру (фоят) матбуъ (маңқул).  
 Лекин бу фақир муддаоси,  
 Олти нұқтау түккүз ароси.  
 Бир навъ қадиға хам (әгилиш) етушсун,  
 Андак танига шикаст (синиш) тушсун.

II. “Бо” (ບ) бир марказ (түгун) остига қўйилган  
 би р г и н а нұқтадир. “То” (ຕ່) бир марказ устига қўйилган  
 икки нұқтадир. “Со” (ສ່) бир марказ устига қўйилган уч  
 нұқтадир. “По” (ພ່) бир марказ остига қўйилган уч  
 н у қ т а д и р . Аммо, ўzlари ёлғуз бўлган ҳолда  
 ҳаммаларига муштарак бир тани бордир. Ул тани яна икки  
 хилдир: қисқа, узун. Қисқаси тўрт нұқта баробарида бўлур.  
 Узунида хат возеълари, яъни “таълими хат”ни чиқармиш  
 бурунги кишиларни хилофлари бордир. Баъзилари олти  
 нұқта, баъзилари етти нұқта, баъзилари тўққиз нұқта  
 демишлар. Аммо, кейинги муаллими хатлар ўн бир нұқтага  
 таълим бермишлар. Чунки ўн бир нұқта машқ қилинса,  
 қалам тутқучининг қўлини қувват топмоғиға фойдалидур.  
 Бошламоқда учи бир нұқта юқорироқдан бошлануб, оёқ  
 тарафи учи тарафидан бир нұқта паст бўлуб ва ҳам ўртаси  
 икки михга салқа қилиб бойланган иф (ип) каби текис  
 әгилиб, учидан то оёғиға тўғри жазвал (чизик) тортканда  
 жазвал ила “бо” орасиға худ (худди) ўртасиға бир нұқта  
 сиғадургон даражада тортилур. Қисқа “бо”нинг оёғи  
 (охира)дан ярим нұқта қалам учи (унсий) ила кўтариб  
 қўюлур. Узунининг оёғи (охира) пашша думиға ўхшаш  
 нишдор бўлур”.


2-машқ:






### Изоҳ:

Қадимда “алифбе” сўзига нисбатан “алифбо” сўзи кўпроқ истифода этилган. Шунга кўра “бे” ҳарфини “бо” деб аташни маъқул топғанлар. Ана шу анъанадан келиб чиқиб, Мунис ва Мұхаммад Азимлар ҳам ўз сўзларини “бо” калимаси билан бошлайдилар. Аслида “бо” (б) икки ҳарф – “бे” (б) ва “алиф” (б)ларнинг бир икмасидан иборатдир. Бу ерда мана шу икки ҳарфнинг ёзулаги ўзаро қўшилган шакли намоён бўлмоқда. Шунинг учун бу ҳарф бирикмасига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Зотан, “бе” ҳарфи ёлғиз келганда, кўриб турганимиздек, қисқа ва узун бўлади. Аммо, у ўзидан кейин келган ҳарфларга қўшилганда, узун-қисқалигидан қатъи назар, унинг бош қисмидан бир нуқта катталигидаги бўлаги кесиб олинади ва кейинги ҳарф (бу ерда “алиф”)га қўшилади. “Бе” ҳарфининг кесиб олинган бўлаги билан “алиф”нинг уланган ерида “марказ” (тугун) ҳосил бўлади.




Ана шу “марказ”нинг ости ва устига нуқталар қўйиш орқали, кўриб ўтганимиз, “бо” (б), “то” (т), “со” (с), “по” (п) ҳарф бирикмалари ҳосил қилинади. Бироқ бу ўринда биз учун “бे” ҳарфи ва “бо” ҳарф

бирикмасининг ёзилишидаги қалам ҳаракати ғоят мұхимдир. Чунки араб алифбосидаги ўзбек миллій ёзуvida қаламнинг бундай ҳаракати жуда күп ўринларда қўлланади. Жумладан, “бе” (ب) ҳарфи ҳамиша ўнгдан чапга томон қалам юритиш орқали ёзилади. Узун “бе” ҳам айни шу тартибда битилади. Бироқ узун “бе”ни тортаётган вақтда қалам учида сиёҳ тугаб қолиши табиий. Қадимда хаттотлар бу ҳолни ҳисобга олиб, ёзув жараёнида маълум нуқтага етгач, қалам юритишни тўхтатганлар. (Шу ҳолни ифодаламоқ мақсадида биз машқда узун “бе”ни уч бўлак қилиб кўрсатдик). Бундай тўхташни улар “нафас олиш” деб юритишган. “Нафас олиш”да хаттотлар қалам суриб келар эканлар, бир дақиқа тўхтаб нафас олгач, қаламни давотга ботириб, яна қалем суришда давом этганлар. Шунингдек, узун ҳарфларни тортаётганданда хаттотлар нафас олмай турганлар. Шунга кўра, ҳалқ орасида “хаттотлар узоқ умр кўрадилар” деган нақл мавжуд. Аммо таҳсинга сазовор ўрни шундаки, хаттотлар “нафас олиш”ни ўта юксак маҳорат билан адо этганлар. Натижада, ҳарфларнинг уланган жойи асло билинмаган. Яна биз учун муҳими, “бе” ҳарфини битаётганда, айниқса унинг ўртасида қалам уни ўзининг бор эни бўйича йўғон чизик ҳосил қилишидир. Араб ҳарфларини ёзиш жараёнида ҳосил бўладиган бундай йўғон, яна ҳам тўғрироғи энлик ўринларни қадимда хаттотлар “сатҳ”- ( س ) - (юза) деб аташган. Эътиборлиси шундаки, ( س ) араб алифбосидаги барча ҳарфларнинг ўз “сатҳи” бор. Хат машқининг асосий талаби ҳар бир ҳарф “сатҳи”ни ўз ўрида қоидалик қилиб битишдан иборатdir. Бунда “сатҳ” мөъёрини сақлаш ва уни қоидали равишда тугаллаш муҳим аҳамиятга моликдир. Чунончи, қисқа “бе”нинг “сатҳи”дан кейин унинг охирини ярим нуқта баландлигида қаламнинг унсий уни билан ингичка қилиб юқорига кўтариш бу ҳарфнинг мукаммаллигини таъминлайди. Узун “бе”нинг охири эса “сатҳи”дан кейин юқорига кўтариilmай, айтиб ўтилганидек, худди пашшанинг думи каби нишдор қилиб битилади.




Одатда, қисқа “бे”нинг охирин қаламнинг унсий учи билан осонгина битилса, узун “бे”нинг охирини нишдор қилиб битмоқ учун эса анчагина машқ талаб этилади. Чунки узун “бे” қаламнинг ваҳший учи билан бошланиб, унсий учи билан тугатилади ва энг муҳими, бу ҳарфни ёзиш жараёнида қалам “сатҳ”нинг ўртасидан бошлаб секин-аста ўнга томон бураб борилади. Нихоят, қалам ҳарф охирига яқинлашгач, унинг ваҳший учи қоғоз сатҳидан буткул кўтарилиди, унсий учи сатҳ эни бўйича юкори кўтарилиб, ҳарфнинг охирини худди пашша думи каби шаклга келтиради.



Кўпинча, илк машқларда бу ҳарфнинг охирода бир оз очик жой қолиши кузатилади. Бу ҳол табиий бўлиб, баъзи етук хаттотларда ҳам учрайди. Ҳозирча, ўша очик жой ҳарф ёзиб бўлингач, қаламнинг ваҳший учи билан оҳиста тўлатиб қўйилади. Кейинчалик, маҳорат ҳосил бўлгач, бундай ҳол содир бўлмайди. Яна шуни ҳам унутмаслик керакки, узун “бе”нинг бошланиши охирига нисбатан бир



нуқта баланд бўлиши ва ҳарфнинг бошидан охирига бир чизиқ тортилса, орасига бир нуқта сифиши керак:



“Бо” ҳарф бирикмаси икки ҳарфдан иборат бўлса-да, юқорида кўрсатилганидек, бир қалам тортишда битилади. Бироқ, бунда қалам “алиф”даги каби юқоридан пастга (яъни “нузул” – نزول) эмас, балки пастдан юқорига қараб тортилади. Хаттотлар қаламнинг бу ҳаракати чиқиши – яъни “юқори чиқиши” деб атаганлар.

“Бо” ҳарф бирикмасини ёзишда “сууд” ярим қалам йўғонлигига амалга оширилади ва бунда қаламнинг унсий учи фаол иштирок этади.



Шундай қилиб биз “алиф” – أ, ва “бе”- ب ҳарфлари, ҳамда “бо” – ب ҳарф бирикмасини ёзиш жараёнида қалам ҳаракатининг уч турини кўриб ўтдик. Булар: “нузул”, яъни “юқоридан пастга қалам тортиш”, “сууд” – яъни “пастдан юқорига қалам тортиш” ва ниҳоят, “сатҳ” – ўнг ёки чап томонга кўндаланг қилиб қалам тортишдан иборатdir. Қаламнинг бу ҳаракатлари араб алифбосидаги барча ҳарфларни ёзишда кўлланади. Умуман, араб ёзуви, хусусан, настаълик хатининг асосида қаламнинг мана шу ҳаракатлари ётади десак, хато қилмасак керак. Шунинг учун мазкур ҳарфларнинг ёзилиш қоидаларига астойдил амал қилган ҳолда кўплаб машқ қилмоқликни муҳтарам ҳавасмандлардан илтимос қиласиз.

Шунингдек, биз кейинги таълимларда араб алифбосидаги аксарият ҳарфларнинг ёзилиш қоидаларини баён қилиш жараёнида қалам ҳаракатини ифодалаш мақсадида юқорида санаб ўтилган атамалардан ўз ўрнида фойдаланишга ҳаракат қиласиз.

3-таълим: – “Жим” –



I. “Жим” аввалидур “ре”йи нигуни (тўнтарилган) Пайвастай (туташган) “нун” бозгуни (тескари), Баъзи дедилар бидояти (бошланиши) “жим”, Таълим аро икки нуқта ва ним. Қил доманасини айла марқум (ёзиб қўй), Бўлсун ичи байзавор (тухум каби) маълум.

II. “Жим” қоши икки нуқта бўлуб, аввал бир нуқта баробарида андак пастроқдан қайириб чиқиб, яна бир нуқта ёнига қўшуб, икки нуқта баробарига келтурулур. Эни ярим нуқта бўлуб, чиройлик қошлиқ одамни ўнг қошиға ўхшар ва ҳам ўргони бўйни каби онга (унга) бир нуқта баробарида “буюн” уланур. Ўзи ёлғуз бўлғон ҳолда бўюнидан қуйиға бир “домана” (араб алифбосидаги айрим ҳарфларнинг ярим доира шаклидаги бўллаги. Баъзан уни “коса” деб ҳам юритишади) уланур. Домана эса “жим”ни бўйнидан бўлак тўқиз нуқтадан ўралуб, икки уч қунлик ойға ўхшар. Ичи эса шаъмнинг ости каби текис юмалоқ бўлуб, орасиға уч нуқта сиғадурғон даражада бўлур.”

3-машқ:




Нуқтаси	Доманаси	Бўйни	Крим



Нуқтаси	Доманаси	Бўйни	Крим


## Изоҳ:

“Жим” ҳарфи нуқта билан қўшиб ҳисоблаганда тўрт бўлақдан иборат: 1-қоши, 2-бўйни, 3-домаси ва 4-нуқтаси. Бу ҳарфни ёзиш жараёни ҳам айни шу тартибда адо этилади. Бироқ, “жим” ҳарфини ёзишга киришар эканмиз, унинг “қоши” эни ярим нуқта қалинлигига бўлишини ҳамиша ёдда тутмоқ лозим. Бунинг учун “жим”нинг “қоши”ни “... андак пастроқдан қайириб чиққан...”, қаламни бир оз ўнгга бураб, ёзувда давом этмоқ керак. Шундай қилинганда, “жим” “қоши”нинг эни ярим нуқтадан иборат бўлиб битилади. Бордию қаламни бурамасақ, қалам учининг бор эни йўғонлигига “сатҳ” пайдо бўладики, бу албатта, нотўғридир:



Шунингдек, “жим” “қоши”нинг бошланиш қисми ва унинг бўйни юқорида баён қилинган қоидага биноан варақ остига нисбатан  $60^{\circ}$  бўлиши керак. Шунда унинг “қоши” билан “бўйни” орасида ҳосил бўлган уч бурчак бир нуқтадан ортиқ ҳам, кам ҳам бўлмайди. Акс ҳолда “жим”нинг

доманаси  $90^{\circ}$  ли ўқ чизик (вертикаль)нинг ё ўнг ёки бўлмаса сўл томонига қочади. Бу, албатта, нотўғри чунки тўғри ёзилган “жим”нинг доманаси ҳамиша ўқ чизик (вертикаль)га тегиб туради.



“Жим” ҳарфи араб алифбосидаги “чим”, “ҳе”, “хе” ҳарфлари билан шаклдошдир. Улар орасидаги тафовут фақат нуқталар сони ва ўрни билангина фарқ қиласи:

ج ح خ

Бу ҳарфларнинг ёзилиши ҳам айнан “жим” ҳарфининг ёзилишидан асло фарқ қилмайди.

4-таълим: – “Дол” –



I . Бир нуқтани “ро”ға муттасил қил,  
Куттоб (котиблар) қошида “дол” они бил.

II. “Дол” боши бир нуқта, оёғи икки нуқта дөмишлар. Аммо машхур, марсум (одат бўлган), яъни шул вактларда битилиб юрилгани бир, бир ярим нуқта боши, бир ярим нуқта оёғи бўлуб, бошидан оёғи учига жазвал (чизик) тортканда оралиғиға бир нуқта сифадургон қилиб эгилур. Бошини қаламни тамом текизиб (яъни “сатҳ” ҳосил қилиб) бир нуқта қалам орқасила юрутуб, ярим нуқта паст тарафга эгиб, онинг қуйисига бир ярим нуқта қаддича “ро” улаб, учини бошидан кўра ўстуруулур”.


4-машқ:



Изоҳ:

“Дол” ҳарфи бир қалам тортишда битилади. Лекин бунга қарамай у ёзилиши, яна ҳам аниқроғи уни битиш жараёнидаги қалам тортилиши жиҳатидан маълум даража мураккаброқ ҳарфлар сарасига киради. Шунинг учун бу ҳарфни битиш жараёнидаги “таҳрики қалам” – تحریک قلم – яъни қалам юритишни бирма-бир баён қилишни лозим

топдик. Чунки “дол” ҳарфи бир бўлакдан иборат бўлса-да, уни ёзишда қалам қоғоз юзидан узилмаган ҳолда уч хил ҳаракатни адо этади. Бу ҳаракат чизмада шундай кўринишга



эга бўлади. Бу ерда аввало, “дол”нинг “боши” (1) одатдаги нуқта каби тортилади. Сўнгра, бу нуқтага ярим қалам (яъни ярим нуқта) микдорида “бел” (2) уланади. Бу “бел”га эса “дол”нинг “оёғи” (3) бириктирилади. (Бу ерда “оёғи” сўзи “оёқ” маъносида эмас, балки “охири” маъносида ҳам тушунилмоғи лозим). Одатда, “дол”нинг мана шу учинчи қисми, яъни “оёғи”ни битиш энг мураккаб ҳисобланади. Чунки, бу ерда “дол”нинг “боши” ва “бел” ёзилгач, қаламни олға томон кескин бир туртиш орқали учбурчак шаклдаги “оёғи” ҳосил қилинади. Шуни тақрор айтиш керакки, буларнинг ҳаммаси, айтиб ўтилганидек, қаламни қоғоз устидан узмаган ҳолда бажарилади. Бироқ бу ҳарфни қоидали қилиб битиш учун дастлабки машқларда қаламни имкон доирасида сёкинлик билан юритиб, унинг қисмларини аниқ чиқаришга эришмоқ лозим. Сўнгра, маълум малака ҳосил қилингач, қалам ҳаракатини тезлатиш мумкин. Албатта, бу даражага етмоқ учун машқ ва тақрор машқ қилиш шарт.




“Дол” ҳарфи билан шаклдош бўлмиш “зол” ҳарфи эса “дол”нинг тепасига бир нуқта қўйиш орқали ҳосил қилинади. Шунингдек, “зол” ҳарфини ёзишда ҳам қалам ҳаракати айнан “дол” ҳарфиники сингари кечади.



5-таълим: – “Ро” (“ре”) –

- I. “Ро” қомати икки нуқта, аммо  
Боши бийик (катта) эрмас, ўйла (ўшандай)ким “Зо”.
- II. “Ро” тани икки нуқта бўлуб, учи  
этагидан бир нуқта баланд бўлур”.


5-машқ:



### Изоҳ:

“Ро” ҳарфи бир қалам тортишда ёзилади. Лекин бу ҳарф ҳам “дол” каби мураккаброқ ёзилиш қоидасига эга. Эътиборли ўрни шундаки, маълум малака ҳосил қилгунга қадар, ҳақиқатан ҳам “Ро” ҳарфини ёзиш жуда мураккаб кўринади. Бироқ, маълум таълим ва тажрибадан кейин эса ундан осон ёзиладиган ҳарф бўлмай қолади. Шунинг учун биз хат ҳавасмандларининг эътиборига ўз тажрибамиздан келиб чиқиб, “ро” ҳарфини ёзиш борасидаги икки йўлни баён қиласиз. Булар уни қоидали ёзиш йўлидаги ўзига хос босқичлардир.

1. Аввало, қофоз юзига бир “қалам кесими” (қалам учини қофоз юзига тегизиш орқали ҳосил қилинган чизикча) туширамиз. Сўнгра, шу чизикчанинг остки учига қалам учини қўямиз. Бунда қалам учининг ваҳший томони чизикчанинг остки учига тегиб туради. Бу пайтда чизикча билан қалам учи бир чизикда ётади. Шу ҳолатда қалам учини кескин равишда чапга томон туртамиз. Бироқ, туртиш жараёнида қалам учининг унсий томонини қофоз юзидан кўтаришга улгурмоқ лозим. Натижада, қофоз юзида бош қисми қалам кесимиға teng, oхири эса ингичкалашиб кетган учбурчак ҳосил бўлади. Бу уч бурчак аввалги қалам кесими (чизикча) билан бирлиқда “ро” ҳарфини ҳосил қиласди:



Шуни унутмаслик қеракки, бу ишлар қалам учини қофоз юзидан узмаган холда адо этилади.

2. Қаламни ён ҳаракат (яъни қалам кесими бўйича қилинган ҳаракат) билан ярим нуқта миқдорида пастга туширамиз ва ҳаракат давомида оҳисталик билан (кескин эмас) эгик бурчак ҳосил қилган ҳолда олға томон сурәмиз. Бунда қаламнинг учи бор эни бўйича чизик ҳосил қила бошлади. Шу ҳолда ярим нуқта миқдорида суреборгач, қаламни секин-аста ўнг томонга бураймиз. Бу бураш қалам учининг унсий томони ваҳшний томони билан бир чизикка жойлашгунча давом этади. Натижада қоғоз юзида боши ва оёғи (охир) ингичка, ўртаси эса қалам эни қалинлигида йўғонликка эга бўлган “ро” ҳарфи ҳосил бўлади. Албатта, бунда қалам ҳаракатининг тезлиги нисбатан секин бўлса-да, “ро” ҳарфи ғоят қоидали ва гўзал чиқади. Аммо бу йўл билан ёзаётганда, “ро”нинг ўлчовини ҳамиша ёдда тутиш керак. Акс ҳолда у қоида талаби (икки нуқта)дан узун чиқиб қолиши мумкин. Шунинг учун машқ вақтида аввал икки нуқта тушириб олиб, сўнгра уларнинг остига “ро” ҳарфини ёзиш орқали унинг ўлчовли чиқишига эришмоқ мумкин.



Шу тариқа, юқорида айтилганлардан маълум бўладики, “ро” ҳарфини ёзишдаги таҳрики қалам (қалам юритиш) бошқа ҳарфлардан анчагина фарқлидир. Шу сабабли “ро” ҳарфини қоидали ва гўзал ёзмоқ учун кўрсатилган босқичларга жиддий амал қилиш билан бирга, такрор ва яна такрор машқ қилимоқликни хусниҳат ҳавасманларига тавсия этамиз.




6-таълим: – “Зо” (“зе”) –

I. “Зо” уч нүқтау ва лек саркаш (бўйдор),  
Қилса бўлур они қушга ўхшаш.

II. “Зо”ни қадди уч нүқта бўлур, аммо қаддини тикроқ ташланур. Бир нарсадан чўчиб тургон қушга ўхшатса бўлур.”

6-машқ:



**Изоҳ:**

“Зо” ҳарфи ҳам бир қалам тортишда битилади. Аммо у “ро”дан фарқли ўлароқ, боши этагидан икки нүқта баландроқ бўлади. “Ро”нинг боши эса этагидан фақат бир нүқтагина баланд эди. Шунингдек, “ро”нинг умумий қадди икки нүқта бўлгани ҳолда, “зо”нинг фақат танасигина икки нүқта бўлиб, боши яна бир нүқтадан иборатdir. (Бу нүқталарни юқоридаги битикда рақамлар билан кўрсатдик). Мунис ва Мұхаммад Азимлар ўз таълимларида “зо”нинг қаддини уч нүқта деб кўрсатганларида айни шу нүқталарни назарда тутганлар.

“Зо” ҳарфининг ёзилишидаги таҳрики қаламда ҳам “ро”га нисбатан бир оз фарқ бор. Жумладан, “зо” ҳарфини ёзиш унинг бошини ёзишдан бошланади ва энг мухими, унинг бошини ташкил қилган “қалам кесими” тикроқ ( $60^{\circ}$  эмас, балки  $80^{\circ}$  атрофида) туширилади. Ундан кейинги қалам ҳаракати эса “ро” ҳарфининг иккинчи босқичида кўрсатилган “қалам ҳаракати”нинг айни

ўзидир. Бироқ бу ерда ҳам қалам юритаётганды “зо” ҳарфига мансуб ўлчовларни эътиборда тутиш лозим.



Шундай қилиб, “Зо” ҳарфининг “Ро” ҳарфидан фарқи унинг ўлчови, ҳамда қаддини тикроқ бўлишию тепасига қўйилган нуқтадангина иборатдир.

Хусниҳат ҳавасмандлари бу ҳарфларни қайта-қайта ёзиб машқ қиласар эканлар, улар ўртасидаги ана ўша фарқларга жиддий эътибор бермоқлари лозимдир.

### 7-таълим:

“Син” –



– “Шин”



I. Дандонаи (тиши) аввали сари (боши) “син”,  
Бир нуқта баробар ўлди таъйин.

Иккинчисин айлагил кушода (очик).

Ул навки нуқтадин зиёда.

Аммо тани “син”дур ўйлаким “нун”,

“Нун” зикри эрур бу ерда матъун” (айбланади)

II. “Шин” мадди (чўзилиши)ни етти нуқта қил биф (ният)  
Аммо каж (эгри) эрур, биайнхиҳи (худди) тиф.

Кажлик анга ул қадар муқаддар (илгаридан таъйин)


Ҳар ён алифи тушар баробар.


Зеҳ (камон или)дек анга чексант ар (агар) хатти соғ,

Бўлғой гўё камони наддоф.  
 Гар таъбингга етмаса малоли,  
 Мунисдин эшит яна мисоли  
 Устида агар чекилса чап шин,  
 Бўлғой ичи шакли кишти (кема) ойин.

II. “Син”, “Шин” – ҳар иккисининг тани бирдир. Аммо фарқи нуқта ила бўлур. Таналари қисқа-узун бўлур. Қисқаси эса уч дандона (тиш)лик бўлур. Кетидан бир нарса қилиб уланмаган ҳолда: биринчи тиши ила иккинчи тишин ораси ярим нуқта бўлуб, иккинчи тиши ила учинчи тишин ораси бир нуқта бўлур ва ҳам энг кейинги тишини паска (пастга) қараб тушуруб, они қуйисига бир домана уланур. Аммо, уни ярим нуқта баланддан бошланур. Узун, каттаси эса: Мир Али, Шоҳ Маҳмуд, Мұхаммад Дарвеш деган бурунги мўътабар муаллими хатлардан тўқкуз нуқта таълим ўлмиш. Ва лекин кейинги устодлардан ўн бир нуқтага таълим берилмишdir. Аммо битмоқда бошини бир алиф қадди юқоридан бошлануб, эгри шамшир каби қаддини эгиб тортилур. Бошидан оёгини тўғрисига жазвал (чизик) тортилганда оёғи бошидан уч нуқта паст бўлур. Бошидан оёғига тегизуб жазвал тортканда камон сувратида бўлуб, оралиғига бир нуқта сифсун.”

#### 7-машқ:





Изоҳ:

“Син” ва “Шин” ҳарфлари узун ёки қисқалыгидан қатъи назар уч бўлакдан иборатдир. Лекин ҳар



иккаласининг ҳам ёзилишида фақат уларнинг ўзигагина хос бўлган қоидалар мавжудки, уларнинг ҳар бири устида алоҳида-алоҳида тўхталмай, бу ҳарфларнинг қандай ёзилишини баён қилиб бўлмайди. Шунинг учун сўзни қисқа “син”ни ёзиш қоидасидан бошлаймиз.


Одатда, қисқа “син” (шуниңгдек, қисқа “шин”) унинг “дандонаси” (тиши)ни битишдан бошланади. Бунинг учун ярим нуқта кенглигидаги жойда кичик бир тўлқинча битамиз. Бу асосий тўлқинча қаламнинг унсий учидаги ҳосил қилинади. Шунинг учун унинг эгилган жойи бошланишига нисбатан бир оз йўғонроқ чиқади. Шуни унутмаслик керакки, “син” (“шин”) ҳарфининг учта тиши бўлади. Юқоридаги тўлқинча “син”нинг биринчи ва иккинчи тишларини ифода қиласди. Энди, “син”нинг учинчи тишини чиқарамиз. Аммо, учинчи тишини битишдаги қалам ҳаракатида бир оз мураккаблик бор. Зотан, “син”нинг бу бўлаги ҳам қаламнинг унсий учидаги билан битилади. Шунингдек, бир нуқта катталигидаги жойда қаламни аста-секин чапга бураб, худди узун “бे”нинг охирини ёзгандаги сингари ҳаракат қилинади. Бироқ узун “бе”нинг охирни кўтарилимаган ҳолда (пашша думига ўхшатиб) тугалланган бўлса, “син”нинг учинчи тиши бир оз (бир “чизим” – яъни нуқтаниң тўртдан бир бўлаги қадар) юқори кўтарилилади. Шунингдек, ана ўша кўтарилиган жойидан қаламни қофоздан узмаган ҳолда “ён ҳаракат” (яъни қалам

кесими йўналиши) билан бир нуқта баландлигига пастга томон тўғри чизиқ тортилади. Қойдага биноан бу чизиқ “ўқ чизиқ” – “вертикал”га мос (яъни  $90^{\circ}$ ) бўлиши керак. Ана шу чизиқнинг юқори учи “син”нинг учинчи тишини ифодалайди.



Чизиқнинг остки учига эса бир “домана” уланади ва бу “домана”нинг охири “син”нинг учинчи тишидан бир нуқта пастроқда тугайди.

“Син” ва “Шин” ҳарфлари араб алифбосидаги кўп қўлланиладиган ҳарфлар қаторида бўлиши билан бирга, бағоят чиройли ҳарфлар ҳамdir. Шунинг учун қадимда хаттоллар бу ҳарфларнинг нафосати билан ўз ёзувларини безашга ҳаракат қилганлар. Фикримизча, “син” ва “шин” ҳарфларининг узун турлари айни шу мақсадда кашф қилингандан бўлса керак. Чунки узун “син” (ёки “шин”) ҳақиқатан ҳам ёзувга ўта гўзаллик бахш этади. Юқорида биз узун “син”ни уч қалам тертиш билан ёзилишини баён қилдик. Бу ҳарфнинг тузилишини янада аниқроқ тасаввур қилиш учун унинг бўлакларига чуқурроқ нигоҳ ташласак, қуйидаги манзарани кўрамиз:



Бу чизмадан күринадики, "син" ҳарфининг узуни уч ҳарф – "коф", "бе" ва "нун" ҳарфларининг айрим бўлакларининг ўзаро қўшилмасидан ташкил топган экан. Машқ жараёнида мана шу чизмани кўз олдимиизга келтирсак, узун "син" ёки "шин" ҳарфларининг қоидалик битилишига ёрдам беради. Бу ерда яна Муниснинг:

"...Устида агар чекилса чап шин,  
Бўлғой ичи шакли кишти ойин," –

деган сўзларини ҳам ҳамиша ёдда тутиш лозим. Зотан, унинг сўзларига кўра "узун шин" ҳарфи устига тескари қилиб яна шундай бир "шин" ҳарфи тортилса, буларнинг ораси худди кема (қайик) шаклини намоён қилиши керак. Акс ҳолда "шин" (ёки "син") ҳарфининг узун тури нотўғри тортилган бўлиб чиқади.

Бу ўринда "шин" ҳарфининг нуқталарини тортиш тартибини ҳам эслатиб ўтиш лозим. Чунки бу нуқталар "шин" ҳарфига алоҳида кўрк баҳш этади. Одатда, "шин"нинг нуқталари чапдан ўнгга томон учма-уч қўйилади. Шу зайлда қўйилган




икки нуқта оралигида ҳосил бўлган бўшлиққа эса учинчى нуқта қўйилади. Агар ушбу тартибга риоя қилинмаса, нуқталар ғоят ноўрин жойлашиб, хат нафосатига путур етказадилар.

Хулоса қилиб айтганда, хат машқи билан шуғулланишни ният қилган ватандошларимиз қисқа ва узун "син", шунингдек, "шин" ҳарфларига мансуб мана шу оддий, аммо зарур қоидаларга амал қилсалар, араб ёзувидаги хатларининг қоидали ва айни пайтда нафис чиқиши шубҳасизdir.




## 8-таълим:

“Сод” →




“Зод”



I. Ул шаклда ёзғил аввали “сод”,  
Бўлсун яна “сод” акси бунёд.  
Баъзи деди “сод” бошин андоқ  
Ким, шаклдадур нечукки чақмоқ.

II. “Сод”, “Зод”нинг қоши бир тескари “ро” (рө) бўлуб, остиға  
“бо” (бө)нинг учидек бошлануб, уч нуқта бароварида  
тортилур, гўёки “бо” (бө) нинг учига бир “ро” (рө)ни тўнтаруб  
қўйғондек. Аммо кўзи олмани уруғига ўшшар. Ёлғузлик ёки  
охирида келган ҳолда “домана” уламоқни таъйин қилмишлар.”



## 8-машқ:




## Изоҳ:

“Сод” ҳарфи уч бўлак, “зод” эса тепасига қўйилган нуқтани  
қўшиб ҳисоблаганда тўрт бўлакдан иборатdir. Қоидага  
биноан бу ҳарфларни ёзиш уларнинг “қоши” ( ↗)ни битишдан  
бошланади. “Қош”ни битмоқ учун қалам кесими ( / )ни 60°  
ушлаган ҳолда, чагидан ўнгга, тепа томон бир оз кўтариб, икки

нуқта миқдорида суреб борилгач, яна пастга қайрилади. Сўнгра “сад” ёки “зод”нинг “бўйни” () битилади. “Бўйин”ни битишда қисқа “син”нинг учинчи “дандонаси” (тиши)ни битишдаги қоидага ўхшаш қаламни ўнг томон сал бураба бориб, охирида тўғри бурчак ҳосил қилгач, уч нуқта миқдоридаги жойда қалам ҳаракати тўхтатилади ва айни шу ердан “ён ҳаракат” бўйича бир нуқта миқдорида пастга томон чизик тортилади. Қаламни қофоз юзидан узмаган ҳолда адо этилган бу икки ҳаракат “сад” (ёки “зод”)нинг “бўйни”ни намоён қиласди. Бироқ муҳим ўрни шундаки, бу ҳаракатлар натижасида “сад” ёки “зод”нинг “бўйни” тўғри ( $90^{\circ}$ ) бурчак бўйича қайрилган бўлади:



Шуни ҳам унутмаслик керакки, “сад” ёки “зод” ҳарфининг “қоши”ни бошланиш нуқтаси унинг “бўйни”дан ярим нуқта нарироқдан тортилса ёзилаётган бу ҳарф қоидали чиқади. Бунинг учун “сад”нинг “қоши” ёзиг бўлингач, “бўйни”ни ёзаётганда қоида талабига биноан ўртадаги ўша ярим нуқта масофани ҳамма вақт эътиборда тутиш лозим.



Яна, “сад” (“Зод”)ни ёзаётганда унинг “боши”ни ҳамиша бирдек чиқаришга ҳаракат қилмоқ керак. Зотан, Муниснинг:

Ул шаклда ёзғил аввали “сад”,  
Бўлсун яна “сад” акси бунёд –

деган сўзларида “Сод” (“Зод”) бошининг қай шаклда ёзилиши лозимлигини кўрсатиш билан бирга, айни чоғда юқоридаги

талаб ифодаси ҳам ўз мужассамини топгандир. Чунки хат мәшқида ана шу иккى талаб, яъни қалам ҳаракати ва қалам таҳрики (қаламни аниқ ҳарфни қоидалик чиқармоқ учун зарур йўсинда юритиш) ғоят муҳимдир. Мана шуларни назарда тутиб Мунис ўзининг “Саводи таълим” асарида ўнг тарафдаги шаклни көлтиради.

Шунингдек, Мунис “сад” бошининг кўринишини чақмоқقا – тошга уриб олов чиқарадиган метал асбобга ўхшатади. Дарҳақиқат, чақмоқнинг тузилишида “сад” бошига ўхшашиблик мавжуд бўлиб, пастдаги кўринишига эгадир. Муҳаммад Азим эса “сад” бошининг ичи, яъни “кўзи”ни олма уруғига қиёслайди. Бундай ўхшатиш ёки қиёслашлар “сад” ёки “зод” ҳарфини битишда қалам ҳаракатини аниқ тасаввур қилмоқ учун ғоят аҳамиятлидир.



### 9-таълим:

“То” (итқи)

→ **ବ**

**ଢ** ← “Зо” (изғи)


- I. “То” зикрида деди баъзи устод,  
Зебо алифи ва аввали “сад”.  
Бу нукта (чиройли сўз)га ман қилурман инкор,  
“Сад” ости эрур сittабар (йўғон, сёрбар) бисёр.

Таълим будур қилурман имо,  
 “Ро” фавқида (устида) тутса ер (жойлашса)  
 нигун (тұнтарилған) “Зо”.

Тутса “алиф”, устида нишиман (үтирса),  
 Минган кишидек саманди тавсан (үйноқи от).  
 “Бир нұқта “алиф”нің иттисоли (ёпишган жойи)  
 То “ре” сұнгиким бор эрди холи (бүш, банд әмас).  
 “Зо”йики бу ерда бўлди мазкур (зикр этилған),  
 Дилкаш (жозибали)роқ ўлур гар ўлса мақсур (қисқа).

II. “То”, “Зо”нің қоши бир тескари кичикроқ “зо” (зе) бўлуб, гўёки бир “ро” (ре)нің устига бир “зо”чани тұнтарып қўйилур. Ва ҳам энг устига иккى нұқта баробарида “алиф”чани баландликдан пастликға тушуб келадурғон одамға ўхшатуб қўйилур. Аммо кўзи беҳининг уруғиға ўхшар.”

#### 9-машқ:



#### Изоҳ:

“То” асосан уч бўлақдан, “Зо” эса тепасига қўйиладиган бир нұктани қўшиб ҳисоблаганды тўрт бўлақдан иборатдир. “То” ёки “зо” ҳарфини ёзиш унинг биринчи бўлаги бўлмиш “қоши”ни битишдан бошланади. Бунинг учун қалам кесими ни худди “сад” ҳарфининг қошини битаётгандаги каби 60° қияликда гутиб, бир оз юқори кўтаргач, чап томонга


юргизилади ва икки нуқта баробарида сурилгач, оҳиста эгилади. Бунда “қош”нинг бошланиши ингичка, охири эса йўғон

чиқиши керак. Муҳими шундаки, “қош”нинг охирда, қаламни қофоздан узиб олаётганда унинг “ваҳший” уни ингичка бир чизик (яъни тасвирда ўқ билан кўрсатилган “уч”)ни ҳосил қиласди. Ана шу учга “То” ёки “Зо”нинг иккинчи бўлаги бўлмиш ости уланади. Юқорида айтилганидек, бу остайни “ро” ( ↘ ) ҳарфига ўхшайди. Шундай экан, унинг охир табиий равишда ингичка бўлиб чиқади. “Сод” ҳарфининг остида эса қалам учининг бор эни иштирок этади. Ана шу гўзалликни назарда тутиб Мунис “то” ёки “зо”ни “сад”нинг

“аввали”, яъни бошланиш қисмига ўхшаш деган фикрга қарши чиқади. Мунис баён қилган яна бир муҳим мълумот шундан иборатки, “то” ёки “зо”нинг “қоши” устига юқоридан тортиб тушуриладиган учинчи бўлак бўлмиш “алиф” (/) “қош”нинг бошидан бир нуқта юқорироқда у билан туташади. Ўтмишда хаттотлар бу ҳарфнинг ана шу туташган жойини foят нафис чиқарганлар. Чунончи, улар “алиф”ни “қош”нинг эгилган жойига шундай улаганларки, агар дикқат билан қаралмаса, уланган жойини мутлақо билиб бўлмайди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, баъзи қўлёзма китобларда “зо”нинг төпасига қўйилган нуқта “алиф”нинг ўнг томонига эмас, балки унинг чап томонига қўйилган ҳолатлар ҳам учрайди.

Охириги сўз шулки, “то” ва “зо” ҳарфларини ёзаётганда улар устига тортилган “алиф”нинг ҳамиша ўқ (вертикаль) чизикка мос равишда тик бўлиши ва ёзувдаги бошқа ҳарфларга ҳамоҳанг жойланишини назарда тутиш лозим. Чунки бу ҳол ёзувнинг гўзал чиқишини таъминловчи асосий омиллардан биридир.



Умуман олганда, машқ даврида “то” ёки “зо” ҳарфларини шошмасдан, ҳар бир бўлакларини алоҳида-апоҳида ёзган маъқулдир. Кейинча, маълум малака ҳосил бўлгач, бу ҳарфларни жадал ёзиш мумкин.

### 10-таълим:

“Айн” -





-“Ғайн”



I. “Айн” аввалининг будур баёни,  
“Сод” аввали қилса бўлғой они.  
Деди яна устоди моҳир,  
Айлар они тўрт нуқта зоҳир.  
Баъзи они бўйла айлади фош.  
Бир нуқта ва хатти (чизик) айлаким қош.  
Ул нуқтаки “айн”га эрур зам (қўшилган).  
Қил ташқори кунжин (бурчагин) андо(к)ки кам.  
Кўр халқаи (домана) “айн” ва халқаи “жим”.  
Бир шаклда ёзди аҳли таълим.


II. “Айн” ва “ғайн”нинг қоши “сод” қоши каби бўлуб, бир нуқта қаддида йўқорига тортилур ва ҳам бир нуқта тегига қўйуб, ярим нуқта анга лаб (ирин) чиқорилур ва онинг остига бир нуқта баробарида бўйун уланур. Аммо, оғзининг ораси тухумнинг ости каби йумалоқ бўлса яхшироқ бўлур. Ёлғузлик ҳолда “жим”нинг доманаси уланур. Лекин “жим” ила “айн” доманаси бошқа доманалардан кўра андак ёйукроқ бўлуб, оралигиға уч ярим нуқта сиғар:




### Изоҳ:

“Айн” ва “Файн” ҳарфлари араб алифбосидаги энг чиройли ҳарфлар ҳисобланади. Одатда, “айн” ҳарфи тўрт бўлакдан, “файн” эса тепасидаги бир нуқтани қўшиб ҳисоблагандан беш бўлакдан иборатдир. (Бу икки ҳарфнинг ёзилишида ҳеч қандай фарқ бўлмагани сабабли, “изоҳ”да факат “айн” ҳақида сўз юритамиз).

Эътиборлиси шундаки, “айн” ҳарфининг барча бўлаклари инсон аъзоларига хос номлар билан аталади. Афтидан, ўтмиш хаттотлар “айн” шаклида инсон сиймосини тасаввур қилган бўлсалар керак. Жумладан, “айн” ҳарфининг “қоши”, “бўғзи”, “офзи”, “лаби” каби бўлаклари бор ва бу бўлакларнинг ўзаро бирикувидан “айн” ҳарфининг “боши” ҳосил бўлади. (Мунис “айн”нинг “боши”ни “айн аввали” деб юритади).



Үз ўрнида “айн” ҳарфининг “боши” унинг “қорни” билан “бўйин” орқали уланади. Фикримизча, “айн” ҳарфи бўлакларининг бундай номланиши бу ҳарфни ёзишдаги тартиботни белгилашга ва уни ҳамиша ёдда тутишга ҳам хизмат қилса керак. Дарҳақиқат, “айн” ҳарфини ёзиш унинг “боши”ни ёзишдан бошланади. “Айн”нинг “боши” эса табиий равишда унинг энг юқори бўлғаги бўлмиш “қоши”ни битищдан бошланади. “Қош”ни битмоқ учун эса қалам кесими (◐)ни одатдагидек, 60° қиялиқда тутиб, ярим нуқта юқорига



(яъни ўнг томонга) кўтарилади ва икки нуқта микдорида суреб борилгач, охиста ёнга буриб тўхтатилади. “Сод”нинг “қоши”дан фарқли ўлароқ, “айн”нинг “қоши” ингичкароқ, ярим қалам йўғонликда тугайди. Бунинг учун “айн” “қоши”нинг охири, яъни ёнга бурилган жойини пастга томон эгаётганда қаламнинг ваҳший учигина юритилса, “айн”га хос мана шундай шакл (тасвирда ўқ билан кўрсатилган) ҳосил бўлади. Сўнгра бу “қош”нинг бошланиш жойи, яъни чап томонидан бир нуқта (◆) тортилади. Бироқ “айн”нинг “офзи” тухумсимон чиқсин учун мана шу нуқтани ой шаклида тортиш керак. Бу нуқта остидан эса ярим нуқта мўлжалдида “лаб” тортилади ва унга бир нуқта узунлигида “бўйин” уланади. “Лаб” ва “бўйин”ни хаттотлар ўнгдан чапга қараб бир қалам тортишда битганлар. Аммо улар “лаб”нинг ярим нуқта катталигини ҳисобга олган ҳолда қалам сурғанлар. Бу ўринда дикқат қилиниши лозим бўлган масала шундан иборатки, хаттотлар “лаб” ва “бўйин”ни ташкил қилган чизикни тўғри эмас, балки




сал эгиброк тортганлар. Акс ҳолда ана шу чизик охирига уланган “айн” доманаси тухумсимон чиқмайди.

Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, “айн”нинг доманаси “син” доманасига зид равишда, худди “жим” доманаси сингари чапдан ўнгга қараб тортилади. Шунга кўра “айн” доманасининг ораси “син” доманасидан каттароқ (уч ярим нуқта) бўлиб чиқади. Қадимда хаттотлар домана тортиш тартибига қатъий амал қилғанлар ва бир ҳарфга мансуб бўлган “домана” тортиш тартибини иккинчи ҳарфга қўлламаганлар. Аммо улар устодлар томонидан баён қилинган турли ўхшатиш ва қиёс (таъриф)ларга жиддий аҳамият берганлар. Зотан, бундай таърифлар хаттот қўлидаги қаламнинг аниқ ҳаракатини таъминлашда ва айниқса, ҳарфлар тузилишини талабаларга ўргатишда фоят аҳамиятлидир. Шу жиҳатдан Муниснинг куйидаги сўзлари маълум қийматга эга. Чунончи, у ўз асарида “айн”нинг “боши”ни “...Сод аввали қилса бўлғой они” деганда ушбу тасвирни назарда тутади. Бу тасвир унинг Шарқшунослик

институтида сақланаётган қўлёзма китобида (Инв. №1330) келтирилган. Яна у шу китобда: “Айлар они тўрт нуқта зоҳир”, деганда эса “айн”нинг “боши”ни бехато чиқаришни ўйлаб, нуқталарнинг мана шундай жойланишини назарда тутади. Зотан, Мунис мана шу тўрт нуқта орасида “айн” бошини тасаввур қиласди.

Албатта, хат машқи жараёнида Мунисдек нозик таъб хаттотнинг бу ўгитларини хотирда тутиш фойдалидир.



## 11-таълим:

“Фо” (фө)




“Қоф”

I. Таълим аро келди ҳайъати (шакли) “фо”,  
Бир нуқтаи мустадир (юмалоқ) ва бир “бо”.  
Ул нуқтаки зикри бўлди авзаҳ (равшан),  
Йарим нуқта ила қил мусаттаҳ (текис).

“Қоф” афсари (боши) “фо” бошиға монанд,  
“Нун” ҳалқасига ва лек пайванд.”

II. “Фо”нинг боши бир нуқта бўлуб, яна бир нуқта ила ўраб юмалоқ қилинур. Энг төффаси (тепаси) ярим нуқта миқдорида қилинуб, остиға бир “бо”ни танаси уланур. Аммо, энгакини остиға бир нуқта сиғсун. “Фо” ила “Қоф” ҳар иккиси бир сувратда бўлуб, ёлғузликда “фо”ға “бо”ни тани уланиб, “қоф”ға бир домана улануб ва ҳам бир нуқта “фо”ға ва икки нуқта “қоф”ға қўйуб, фарқ қилинур.”

## 11-машқ:





### Изоҳ:

“Фо” ва “Қоф” ҳарфлари араб алифбоси асосидаги ўзбек миллый ёзувида кўп қўлланиладиган ҳарфлар сирасига киради. Шунинг учун қоидали қилиб битилган бу ҳарфлар ёзувга ўзгача нафосат баҳш этади.

“Фо” ва “Қоф” ҳарфларининг ҳар иккаласи ҳам асосан уч бўлақдан иборат. Аммо, тепасига қўйиладиган нуқталарни



*Ҳотғұри*



*Мұғұри*

қўшиб ҳисобласак, “фо” тўрт бўлак, “қоф” эса беш бўлақдан иборат бўлади. Бу ҳарфларнинг ҳар иккаласини ҳам бош қисми (“тожи”) бир хил бўлиб, юқорида

айтилганидек, танаси ва тепасига қўйилган нуқталар билан фарқ қиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “Фо” ва “қоф”нинг бошини ёзишда унинг биринчи бўлагининг тўғри битилишига



*Ҳотғұри*



*Мұғұри*


жиддий эътибор бериш лозим. Чунки бу ҳарфларнинг қоидали ёзилиши айни шу бўлакка боғлиқдир. Бу ерда биринчи бўлакнинг пастки бурчаги ўткир эмас, балки

маълум даражада ўтмас чиқиши керак. Шунингдек, бу бўлакни ёзаётганда қалам кесими (↙)  $60^{\circ}$  эмас, балки имкон доирасида тикрок, яъни  $80\text{--}90^{\circ}$  атрофида (↙) бўлиши лозим. Акс ҳолда, бу ҳарфларнинг биринчи бўлаги охиридан иккинчи бўлагини тортган вақтда уларнинг боши (“тожи”) ётиқ чиқиб қолади. Бу ҳол ҳарфнинг таълим талабига зид равишда ўта ётиқ чиқишига сабаб бўлади.

Одатда, қоидага амал қилған ҳолда түғри битилгандын “тож” остида ярим нұқта миқдорида үч ҳосил бўлади. Ана шу учга бир “домана” уланса “қоф”, бир “бे” (бо) уланса “фо” (фе) ҳосил бўлади.

Шуни эсда тутиш лозимки, бу ҳарфларнинг охири бошидан бир нұқта пастроқ битилади. Бу ҳол тасвирда аниқ кўрсатилган. “Қоф”нинг доманаси “син” ҳарфи доманасининг айни ўзи бўлиб, бу ҳам ўнгдан чапга қараб тортилади ва оралиғида үч нұқта сифади. “Фо” (фе)нинг ости эса “бо” (бе) ҳарфи фининг айни ўзи бўлиб, худди “бо” (бе) ҳарфи сингари узун (9-11 нұқта) ва қисқа (4-5 нұқта) бўлади. “Қоф” ва “фо” ҳарфларининг бу бўлакларини ёзиш жараёнидаги қалам ҳаракати ҳам худди “син” ва “бо” ҳарфларидағи сингари көчади ва бу ерда ҳам узун “бо” (бе) ҳарфини ёзаётгандаги сингари “нафас олиш” қоидаларига амал қилинади.

Қадимий қўлёзма китобларда хаттотлар ёзувнинг чиройли чиқиши ва сатрда очик (бўш) жой қолдирмаслик мақсадида



“фо” (фе)нинг нұқтасини унинг боши тепасига эмас, балки танасининг ўртасига ҳам қўйганлар. Баъзи хаттотлар эса тез ёзиш

мақсадида “қоф”нинг икки нұқтаси (◆◆) ўрнига бир чизиқча (■) тортганлар. Лекин, бизнинг фикримизча, бу ҳарфларни, шунингдек, бошқа ҳарфларни ҳам ёзишда асло эринмай, таълим асосида битилса, хат нафис чиқади.

Яна бир масала шундан иборатки, “фо” ҳарфини ёзаётганда унинг танасини ўлчовига, “қоф” ҳарфини ёзаётганда эса доманасининг энлик жойи (яъни сатҳи) ўртада эмас, балки чап томонга сал суриброқ ёзилишига аҳамият бериш керак. Зотан, мана шу кичик нұқталар бу ҳарфларнинг нафосатини таъминлайди.



## 12-таълим:

“Коф” –




– “Гоф”




I. “Коф” улдуур, эй ҳабиби дилбанд,  
“Бо” аввалидур “алиф”ға пайванд,  
Сари (боши) “ко”ки, “алиф”и ягона узра,  
Сончилғон ўқи нишона узра.  
Эрмас қади түрт нуқтадин кам,  
Беш бўлса доги эмастурур ғам.  
“Коф”и яно ўзга навъ эмишдур,  
“Бо” ўрнига уч нуқат кashiшдур (чўзиш),  
Бу “коф”ки зикрида топти таъхир (кечикиш),  
Машқ ичра муқаддам ўлди тахир.

II. “Коф”нинг танаси бир “алиф” бўлуб, онинг устиға  
нишонаға санчилғон камон ўқи каби тўрт, балки бөш нуқта  
қаддича хат (чизик) тортилур. Ул хатни уни санчилган  
тарафидан бир “алиф” қаддида юқоридан бошланур. Ёлғуз  
бўлган ҳолда остиға бир “бо”нинг танини таъйин  
қилмишлар”.


12-машқ:





### Изоҳ:

“Коф” ҳарфи уч бўлакдан иборат. Булар: 1) “коф”нинг “танаси”, 2) “лаганчаси” (ости) ва 3) “кўли”дир. Бу бўлаклар қуйидаги тартибда битилади. Аввало, худди “алиф” сингари юқоридан пастга қараб (яъни қаламнинг “нузул” ҳаракати бўйича) ярим нуқта йўғонлигига “коф”нинг “танаси” тортилади. “Тана”нинг баландлиги ҳам “алиф” каби уч нуқтадан иборат бўлади. Одатда, қаламни қоидали ушлаб тортилса, “тана”нинг юқорисида ўнгга, остида эса чапга қараган “уч”лар ҳосил бўлади. “Коф” ҳарфини қоида талабига мос қилиб ёзмоқ учун мана шу “уч”ларни албатта чиқариш лозим. Чунки “коф”нинг бошқа бўлаклари унинг “тана”сидаги мана шу “уч”ларга келиб уланади.



Сўнгра, “коф” танасининг остки учига бир “бо” (бе) ҳарфи уланади. Уланадиган “бо” ёзувидаги ўрнига қараб узун ёки қисқа бўлиши мумкин. Бунда “бо” (бе) ҳарфининг бошланishi даги ингичка учи “коф” “танаси”нинг остки учига шундай уланиши керакки, ҳар икки бўлакнинг учи тўлиқ сақлансин ва уланган жойи асло билинмасин. Ўтмишда хаттотлар бу юмушни шу қадар маҳорат билан адo этганларки, “коф”нинг бу бўлаклари худди бир қалам тортишда битилганга ўхшаб чиқкан.



Ниҳоят, “коф” танасининг юқори учига унинг “кўли” (Муҳаммад Азимнинг сўзларига кўра бир “хат” (яъни бир тўғри

чизиқ) уланади. Бу ерда ҳам, айтиб ўтганимъздек, учма-учлик қоидасига амал қилинади. Бироқ шунга эътибор бериш керакки, агар ҳар икки бўлак (яъни “коф”нинг “танаси” билан “қўли”) туташган жой (“коф” бўйни)дан бир тўғри чизик тортсак, координат қоидасига биноан у  $60^{\circ}$  ли бурчак ҳорига қилиши керак. Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, “коф” чизик “қўли” пастдан юқорига эмас, балки юқоридан пастга қараб, тўрт-беш нуқта узунлигига қиялатиб тортилади. Одатда, “қўл”ни тортаётганда уни “коф” бўйнига нисбатан уч нуқта баландроқдан бошлишни аниқ мўлжаллаш лозим. “Коф” ҳарфини ёзиш тартиби нуқтай назаридан Мунис ва Муҳаммад Азимларнинг таълимларига эътибор берсак, уларда бу ҳарфни ёзиши жараёни икки хил талқин қилинаётганга ўхшайди. Дарҳақиқат, Муниснинг сўзлари бизнинг баёнимизни тасдиқласа, Муҳаммад Азимнинг сўзларидан эса “коф”нинг танасига аввал унинг “қўли”ни улаш керак, деган маъно чиқаётгандек туюлади. Албатта, буни хато деб қарамаслик керак. Чунки Мунис ҳам, Муҳаммад Азим ҳам хат қоидаларини мукаммал билганлар. Бу ерда эса бирлари (Мунис) “коф”нинг ёлгиз келишини назарда тутса, иккинчи (Муҳаммад Азим) эса “коф”нинг сўз ўртасида көлишини назарда тутган.



Миллий адабиётимизнинг дурданалари битилган мўътабар қўлёзма китобларда “коф” ҳарфининг бир неча шаклларда битилган турларини учратамиз. Манбаларда қайд этилишичә, ўтмишда хаттотлар уларнинг ҳар бирини алоҳида ном билан атаганлар ва алоҳида қоидалар асосида битганлар. Жумладан, сўз бошида келган “коф”ни “кофи мусаттах” (яъни “текис коф”) деб юритганлар. Сўз охирида келган “коф”ни эса “кофи ломий” (яъни “лом” ҳарфига ўхшаш “коф”) дейишган. Чунки бу “коф”нинг ости (лаганчаси) кичкина (уч нуқта) бўлгани учун уни “лом” ҳарфига ўхшатганлар.






“Алиф”, “коф”, “лом” ва “лом-алиф” ҳарфларидан олдин келган “коф”ни “кофи долий” (яъни “дол” ҳарфига ўхшаган “коф”) деганлар. Дарҳақиқат, бу ерда “коф”нинг танаси

“дол” ҳарфи кўринишида бўлади. Ана шу “дол” ҳарфига ўхшаш “коф”га бир “алиф” уланса “коф-алиф” ҳосил бўлади.

Одатда, бу “коф-алиф”нинг остига бир “домана” улаш билан “коф-лом” ва бир “бо” (бе) ҳам бир “хат” (“қўл”) улаш билан эса “ко-коф” ҳарф бирималари ҳосил қилинади.

Баъзи хаттотлар эса айрим ўринларда “коф”нинг танасини айнан “дол” ҳарфига ўхшатиб тортганлар. Жумладан, ажойиб шоир ва беназир хаттот Сидкӣ Хондайликий “гуфт” сўзини шундай ёзар эди.

Нихоят, “коф” ҳарфидан кейин “бо” (бе) ёки “мим” ҳарфлари келган пайтдаги “коф”ни “кофи мунҳоний” (яъни “эгри коф”) деб юритишган. Ҳақиқатан ҳам бундай ҳолатда “коф” танасининг остига кичик бир эгри чизиқча уланган ва шу чизиқчага “бо” ва “мим” сингари ҳарфлар улаб кетилган. Кўпинча хаттотлар бу чизиқчани қалам учининг ваҳшний томони билан ингичка қилиб тортганлар. Шунингдек, қўлёзма китобларда “коф” ҳарфининг яна бир тури учрайди. Уни ёзишда “коф” танаси тепасига “қўл” эмас, балки бир “тоҷ” қўйилади. Одатда, “тоҷ” қаламнинг “ваҳшний” учи билан бир ёки бир ярим нуқта катталигида битилади. Хаттотлар уни бир қалам тортиш билан битадилар. Бунда улар “тоҷ”нинг ҳаддан ташқари катта ёки ҳаддан ташқари кичик бўлиб кетмаслиги,




балки “коф” танасининг ярмига тенг даражада ёзилишига аҳамият берганлар.

Ниҳоят, шуни айтиш керакки, “гоф” ҳарфи ҳам айнан “коф” қоидаси билан ёзилади. Бироқ “гоф”нинг “коф”дан фарқи унинг “қўли” тепасига тортилган иккинчи чизиқдангина иборатдир. Бу чизиқ ҳам “коф” қўли сингари юқоридан пастга томон тортилади ва “қўл” билан чизиқ ораси ярим нуқта кенглигига битилади. Одатда, “чизиқча” “қўл”га нисбатан сал қисқароқ қилиб тортилади. Бироқ қадимий қўлёзма китобларда бу чизиқча кўпинча қўйилмайди. Аммо китобхонлар бундай сўзларни матн мазмунидан келиб чиқиб, мантиқан тўғри ўқий берадилар. Лекин, Ўзбек тилида ёзилган матнларда хаттотлар бу икки ҳарфни фарқлаш учун чизиқча қўядилар.



### 13-таълим:

“Лом” –



I. Гар “лом”ни истасанг мураттаб (тартиб бөрмок)


“Нун” бирла “алиф”ни қил мураккаб (қўш).

Лекин “алифи” тавил (узун) бўлсун,

То тўрт нуқат (нуқта) адил (тенг) бўлсун.

II. “Лом” танаси беш нуқта қаддича бир “алиф” бўлур. Ёлғуз битилганда қўйисига бир домана уланур. “Алиф”ни тўрт нуқта ҳам демишлар.

### 13-машқ:





### Изоҳ:


Араб алифбоси асосидаги ўзбек миллий ёзувида кўп ишлатиладиган ҳарфлардан бири “лом”дир. “Лом” ҳарфи икки бўлакдан иборат бўлиб, биринчи бўлаги “алиф” кўринишидаги “тanasи”дир. Одатда, “алиф” ҳарфи ҳамиша уч нуқтадан иборат бўлса, “лом” ҳарфининг танаси тўрт ва ҳатто беш нуқта қаддиқа бўлади. “Лом” ҳарфининг чиройли чиқишини таъминлайдиган бўлаги унинг мана шу танасидир. Шунинг учун ўтмишда хаттотлар “лом” ҳарфи танасини тортишга алоҳида аҳамият берганлар.

Жўмладан, улар “лом” танасининг бошланишини ўнг томонга бир оз эгиброқ бошлаганлар. Остини эса ҳамиша бир оз ҷўзиброқ тугаллаганлар. “Лом” ҳарфи танасининг ҳар икки томонини бундай чиқаришда қалам учининг ваҳший томони фаол иштирок этади. Энди, нянбатдаги муҳим вазифа “лом” танасига унинг иккинчи бўлаги



бўлмиш “домана”сини улашдир. Бу ерда асосий эътибор ҳар икки бўлакнинг ўзаро туташган жойига қаратилмоғи лозимдир. Чунки “лом” танасининг қуйиси ва доманасининг бошланиши ўзаро учма-уч келмаса “лом” ҳарфи кўнгилдагидек чиқмайди. Умуман, араб алифбоси асосидаги ўзбек миллий ёзувининг аксарият ҳарфларида бўлакларнинг бундай учма-уч келиши кўп учрайди. Шунинг учун бунга жиддий эътибор бериб, етук даражада ўрганиб олиш лозимдир.

Яна бир муҳим вазифа “лом” доманасини ўз ўрнига жойлаштиришдир. Бунинг учун “лом” танаси (яна ҳам аникроғи, тананинг остики учи) билан доманасининг охири орасидаги масофа ҳамиша уч нуқта бўлишини ёдда тутиш ва шу ўлчов бўйича қалам юритиш керак. Бунда домананинг учи ҳар икки бўлак туташган жойдан бир нуқта баландликда тугатилиши лозим. Шунда домананинг ич томонига бир нуқта жойлаштириш мумкин бўлади.



Бордию ана шу мўлжалга риоя қилинмаса, “лом”нинг доманаси ё юқорига-кўтарилиб кетади, ёки пастга тушиб кетади. Буларнинг ҳар иккиси ҳам хатодир. Дастребки даврда “лом” ҳарфини бир қалам тортишда ёзишга одатланмаслик керак. Балки, юқорида айтилганидек, икки бор, ҳатто доманасини тортаётганда бир “нафас” олиб, уч бор қалам тортишда ёзилса, “лом” ҳарфи қоидали чиқади. Ўтмишда хаттотлар “лом” ҳарфини ёзиш машқини шу зайлда эгаллаганларидан кейингина уни бир қалам тортишда битишга киришганлар. Қадимий арабий ёзувларда хаттотлар икки хил “лом” ҳарфини битганлар. Уларнинг биринчиси “лом-е мудаввар” (яъни, юмалоқ шаклли “лом”) бўлиб, у “насҳ” ва “настальик” хатларига мансуб бўлса, иккинчиси эса “лом-е мурсал” (яъни чўзиқ “лом”) асосан “сулс” ва “райхоний” каби хатларда қўлланган.

#### 14-таълим:


“Мим” –



I. Ҳаллоли (ҳал қилувчи) рамузи (белги) фанни таълим,  
Бир нуқта ёзибдур афсари (тожи) мим.

Аммо икки нұқта гарданидур,  
 Авжи тул (бүйи) бинойи (тузилиши) доманидур.  
 Баъзи деди бир узун “алиф”дур,  
 Ким түрт нұқтаға муттасифдур (сифатланган).

II. “Бир нұқта қалам орқасыға тортуб, яна икки нұқта қалам олдиға тортмоқ илиа бир “мим” пайдо бўлур. Аввалда, ўртада келмаган ҳолда, этагига түрт нұқта, балки беш нұқта қаддиди “алиф” уланур. Юқорисини қуий қилиб қараганда ярим доманалик “лом”ға ўхшар”.



*14 - машқ:*




**Изоҳ:**

“Мим” ҳарфи асосан уч бўлақдан иборатдир. Аммо ўтмишда кўпчилик хаттотлар унинг биринчи ва иккинчи бўлакларини қаламни қофоздан узмаган ҳолда бир қалам тортиш билан битганлар. Бироқ хат машқига янги киришган ҳавасмандлар юқорида кўрсатилганидек, ҳар бир бўлақни ўз ўрнида навбатма-навбат ёзсалар мақсадга мувофиқ бўлади.

Одатда, “мим” ҳарфини ёзиш унинг боши (Мунис сўзича “афсари”, яъни тожи)ни битишдан бошланади. Бунинг учун аввало қаламни орқага



тортиш билан бир нүкта ҳосил қиласыз. Сүнгра, шу нүктаниң устидан қаламни олдинга юритиш билан “мим” “гардани”ни ҳосил қиласыз. “Мим” ҳарфи “гардани” ярим нүкта көнглигіда



бошланиб, пастға әгилган ингичка уч билан тугайди. Ана шу иккі бўлакнинг ўзаро бирикувидан “мим” ҳарфининг “боши” (тожи) ҳосил бўлади. Бу ўринда аввал тортган нүктаниң қиялиги  $60^{\circ}$  бўлишилигини унутмаслик

керак. Одатда, “мим” ҳарфи ёлғиз келган вақтда унинг мана шу “гардани” охиридаги учига тўрт ёки беш нүкта қаддидаги “думи” (яъни бир “алиф”) уланади. Ана шу йўсинда битилган ёлғиз “мим”ни Муҳаммад Азим ўзининг юқоридаги тавсифида: “Юқорисини қуи қилиб караганда ярим доманалик “лом”ға ўхшар”, деб ёзар экан. “мим” ҳарфининг ушбу тескари ҳолатини назарда тутади



Настаълиқ хатида “мим” ҳарфи бошқа ҳарфларга асосан “боши” (тожи)нинг иккى нүктаси (яъни биринчи бўлак бўлмиш нүктаниң юқори учи ва гарданининг ости) билан уланади. Мұхими шундаки, “мим” ҳарфи бошқа ҳарфлар билан уланиш жараёнида ёзув жиҳатидан фарқланувчи бир неча усулларда битилади. Бу ҳодиса настаълиқ хатига хос анъана бўлганлиги учун уларнинг ҳар бири хусусида алоҳида алоҳида тўхталишни лозим топдик.






Манбаларда қайд этилишича, настаълиқ хатида битилган қўлёзма китобларда “мим” ҳарфи (acosan унинг “тожи”) тўрт хил кўринишда учрайди. Жумладан, ёлғиз келганда у юқорида кўриб ўтганимиздек, “тожи”нинг юқори қисми уч бурчак шаклда бўлади. Бироқ бошқа ҳарфларга қўшилганда эса “мим” ҳарфи сўз бошида келган бўлишига қарамай, “учли” ҳолатда битилади. Бу шаклни хаттолар “мим”нинг “очиқ” ҳолати (яъни “очиқ мим”) деб юритишган.



“Мим” ҳарфи “алиф” – , “дол” – , “коф” – ,

“лом” – сингари ҳарфлардан олдин келса, унинг “тожи” (боши) юмалоқ кўринишга эга бўлади. Бу кўринишни хаттотлар “мим”нинг “ёндама” ҳолати (яъни “ёндама мим”) деб юритганлар. “Ёндама мим” юқоридаги ҳарфлар билан мана шундай қўшилиб ёзилади. (“Мим” ҳарфининг бошқа ҳарфлар билан қўшилиши ҳақида кейинги бобда сўз юритамиз). “Ёндама мим”ни ёзаётгандა қаламни ярим нуқта орқага тортиш жараёнида уни дўира шаклида ҳаракат қилдирнимиз. Натижада, қаламнинг уни ярим юмалоқ шаклни вужудга келтиради.

Эътиборлиси шундаки, “мим” ҳарфи қаламнинг “сууд” –  (пастдан юқорига) ҳаракати  олдидан шундай шакл олади. Аммо бу ерда шу нарсага дикқат қилиш керакки, қаламнинг пастдан юқорига қилган ҳаракати ярим юмалоқ шаклдаги “мим” тожининг ўртасидан бошланади. Ана шундагина “ёндама мим” гўзал ва қоидали бўлиб чиқади.

“Мим” ҳарфи “жим” – , “мим” – , “хойи ҳаввозд” –  сингари ҳарфларга қўшилганда  эса мана шу шаклни олади. “Мим” ҳарфининг бу шаклини хаттотлар “чўзма мим” деб аташган. Ҳақиқатан ҳам бу ерда “мим”нинг гардани бир оз чўзибрөқ битилади. Одатда, “чўзма мим” қўйидаги тартибда ёзилади. Аввало, қаламни орқага (яъни ўнг томонга) уфқ чизиги бўйлаб тортиб, бир нуқта ҳосил қиласиз ва бу нуқтанинг ўнг томонидаги остки бурчагига икки нуқта қаддида бўйин уланади. Бўйиннинг қиялиги 50-60° атрофида бўлади. Мана шу




бўйиннинг остига юқорида кўрсатилган ҳарфлар уланади. Одатда, “чўзма мим”нинг бўйни қаламнинг ваҳший учи билан бошланиб, ёnlама ҳаракат қилган ҳолда ингичка чизик ҳосил қилиб тугайди. Хаттотлар бўйиннинг бошланиш қисмida қаламни сал бураш орқали унга йўғонлик берганлар ва маълум малака ҳосил қилгач, “чўзма мим”ни бир қалам тортишда битганлар.

Ниҳоят, “мим” бошқа ҳарфларга ҳар икки томонидан қўшилган вақтда икки учлик шаклга эга бўлади. “Мим” ҳарфининг бу шаклини хаттотлар “туташма мим” деб атashган. “Туташма мим”ни ёзиш ҳам бошқача “мим”ларни ёзишдан фарқ қилмайди. Бу ерда асосий эътибор унинг учлари ва қорнининг думалоқроқ чиқишига қаратилмоғи лозимдир.




Араб алифбосидаги ёзувларда “мим” ҳарфининг “уч бурчак” – – (мусаллас), “думалоқ” – – (мудаввар), “очиқ” – – (мафтух) ва бошқа шакллари учрайди. Аслида бир товушни ифодаловчи бу ҳарфлар ўзларида маълум хат турига хос қирраларни мужассамлаштирганлар. Жумладан, “насх” хатида “мим” ҳарфи “уч бурчак” – , “сулс” хатида эса “думалоқ” – шаклларда учрайди.

Шундай қилиб, “настаълиқ хати”да “мим” ҳарфи маълум ҳарфларга қўшилганда турлича шаклларда ёзилади. Хат машқини ният қилган китобхонларимиз бу масалага жиддий эътибор бериб, “мим” ҳарфининг ёзилиш ўринлари ва жараёнларини пухта ўрганиб олишлари шарт. Шуни назарда тутиб, “мим” ҳарфининг настаълиқ хатидаги тўрт хил шаклини ёзиш тартибини кўрсатиб ўтамиш:




1. ‘Очиқ мим’ –


2. “Әндама мим” –



3. “Чүзма мим” –



4. “Туташма мим” –



### 15-таълим:

“Нун” –




I. “Нун” олти нұқтадур, эй қариндош,  
Икки оёқ, икки тан, икки бош.  
Уч нұқтадур икки лаб ораси,  
Ул нағызың умқы (чуқурулғиги)нинг биноси.  
Қойсанг айоқыға афсари (тожи) “жим”,  
Қилғуси зухур пайкари (гавдаси) “жим”.

II. “Нун” бир марказ устиға қойилған биргина нұқтадур-  
. Ёлғузликда ёки охирдан келиб уланған ҳолда танаси бир



домана бўлур. Аммо доманани бошламоқда “алиф” каби бошлануб, аввали охиридан бир нуқта пастроқ бўлуб, ўртасиға бир нуқта ташланур”:

15-машқ:



Изоҳ:

“Нун” ҳарфи нуқтасини ҳам қўшиб ҳисоблагандан уч бўлақдан иборат. Булар, Мунис айтганидек, оёғи – , шу оёғига уланадиган тана (домана)си – ва икки лаби оралиғига қўйиладиган нуқтаси – – дир. Одатда, “нун” ҳарфи икки нуқта қаддидаги оёғини битишдан бошланади. Қаламнинг ваҳшний учи билан ярим қалам қалинликда, юқориси



бурчакли, ости эса ингичка қилиб тугалланган оёғига, ана шундай ингичкалиқ билан бошланган тана (домана) уланади. Қоида талабига кўра бу бўлакларнинг уланган жойи деярли билинмай кетиши лозим. Шундан кейин “нун”нинг оёғи ва

доманасининг охирги учи орасига бир нуқта қўйилади. Қоидага биноан бу нуқтанинг ўнг ва чап томини ҳам бир нуқта кенглигига бўлиши керак. Зотан, Мунис: “Уч нуқтадур икки лаб ораси”, деганда айни шу нуқталарни назарда тутади. Яна у: “Ул наъвки, умқининг биноси”, дея “нун” ҳарфи қорнининг чуқурлиги ҳам уч нуқта бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Шунингдек, Мунис: “Нун олти нуқтадур, эй қариндош. Икки оёқ, икки тан, икки бош”, деганда “нун” ҳарфининг ушбу




ўлчамини назарда тутади. Бу, албатта, “нун” ҳарфининг юқоридаги сингари асосий ўлчами эмас, балки унга нисбатан қўшимча ўлчамдир.

Яна Мунис: “Қўйсанг айоқиға афсари “жим”, қилгуси зухур пайкари “жим”, деб, “нун” ҳарфини “жим” ҳарфига қиёслайди. Муниснинг бу сўзларидан ҳар икки ҳарф ўртасидаги ўхшашлик англашилса ҳам, қалам ҳаракатида уларнинг буткул фарқ қилишини унумаслик керак. Мұхаммад Азим эса ўз сўзини: “Нун” бир марказ устига қўйилғон биргина нуқтадир”, деб бошлаб, “нун” ҳарфининг сўз ўртасида келган ҳолатини ифода қиласди. Мұхими шундаки, бу ҳолатда ҳам “нун” икки, нуқтаси билан қўшиб ҳисоблагандан эса уч бўлакдан иборат бўлади.

“Нун” ҳарфини битиш учун зарур талабларга яна шуларни ҳам қўшиш керакки, илк машқларда уни зинҳор бир қалам тортиш билан битмаслик лозим. Бир қалам тортишда битилса, у ҳолда “нун” ўз назокатини йўқотиб, рус алифбосидаги “О” ҳарфининг ярмига ўхшаб қолади.

Шунингдек, “нун” оёғининг бошланиш қисми ҳамиша тик ва уч бурчак шаклли бўлглишига ҳамда уни ўнг ёки сўл томонга оғиб кетмаслигига аҳамият бериш керак. Аммо “нун” доманасининг охирини ўнг томонга бир оз оғдириб ёзилса, у ҳолда бундай “нун” фоят гўзал чиқади ва у ёзувни безайди. “Нун” ҳарфининг мана бундай ҳолатига бекиёс хаттот ва хассос шоир, раҳматлик Сидқий Хондайликий доимо жиддий эътибор берган. Зотан, “нун” ҳарфининг арзимас шу қирраси у кишининг хатларига зийнат багишлаган.

Ниҳоят, “нун” нуқтасининг қўйилиш ўрнига келсак, у “нун” ҳарфининг икки лаби узра



тортилган чизиққа юқори учи билан тегиб туриши керак. Бироқ баъзи хаттотларнинг эътиборсизлиги ёки шахсий хоҳишига биноан аксарият қўлёзма китобларда “нун”нинг нуқтаси ҳарф юқорисига ёки доманасининг ичига қўйилган ҳолларда дуч келамиз. Бу, албатта, котибнинг шитоб билан ёзиши ёки қаторда бўш жой танқислигининг оқибати бўлиши мумкин.

Лекин янгигина ёки илк бор хат машқига киришган ҳавасмандлар “нун” ҳарфини ёзишда юқоридаги қоидаларга амал қиласалар, бу ҳарфнинг нафосати мукаммал намоён бўлади.



#### 16-таълим:

“Вов” –




I. “Вов” аввали нуқта, охири “ро”,  
Бордур нуқати мусаллас (уч бурчак) аммо.  
Мунис бу амалдадур баруманд (фойдаланувчи),  
“Вов” аввали “фо” бошига монанд.

II. “Вов”нинг боши “фо”нинг бошига ўхшар.

Лекин оёғи “зо”нинг тани. Бир ярим нуқта қаддича қилиб уланур.”

#### 16-машқ:



## Изоҳ:

Баъзи манбаларда “вов”нинг бошини бир бўлак, танасини бир бўлак ҳисоблаб, унинг ўзини икки бўлакдан иборат деб кўрсатадилар. Юқорида сўзлари келтирилган хат устодлари – Мунис ва Мұхаммад Азимларнинг ҳар иккалалари “вов”нинг бошини “фо” ҳарфи бошига ўхшатадилар. Агар ёдингизда бўлса, ўн биринчи таълимда биз “фо” ҳарфининг боши икки бўлакдан иборат деб кўрсатган эдик. Шунга кўра “вов” ҳарфининг боши ҳам икки бўлакдан иборат бўлади. Бунга унинг танасини ҳам қўшсак, “вов” ҳарфи уч бўлакдан иборат. Бу бўлаклар ичida қалам ҳаракати жиҳатидан бир оз мураккаброғи “вов” танаси, яна ҳам аникроғи унинг охиридир. Мунис “вов”нинг танасини “ро”, Мұхаммад Азим эса “зо” ҳарфига қиёслайди. Биз бешинчи ва олтинчи таълимларда бу ҳарфларни ёзишдаги қалам ҳаракати ва уларнинг ўлчамлари хусусида сўз юритиб, “ро” (ре)нинг баландлиги бир нуқта, “зо” (зе)нинг баландлиги эса икки нуқта эканлигини кўрсатган эдик. Бу ёрда эса “вов”нинг танаси “бир ярим нуқта қаддича қилиб уланур”.

Бунинг учун “вов”нинг бошини ёзиш жараённида ҳосил бўлган бўйинга қаламнинг ваҳший учи қўйилади ва қаламни секин-аста пастга тортиш билан бирга олға томон ҳам сурис борилади. Бу жараённинг ярмига етилгач, қаламнинг унсий учи кўтарилиб, ваҳший учини қисқа бир тортиш билан ёзув тутатилади. Шунда “вов” танасининг охири учлик бўлиб чиқади. Албатта, бир уринишдаёқ “вов” ҳарфини чиройли ва қоидали чиқариб бўлмайди. Айниқса, бир ярим нуқта қаддича жойда бу мураккаб жараённи адо этиш осон эмас. Бунинг учун маълум малака талаб этилади. Малака ҳосил қилмоқ учун эса жуда кўп машқ қилмоқ керак.


Қадимий ёзув турларида уч хил “вов” ҳарфи фарқланади. Буларнинг ҳаммаси қалам ҳаракатига асоссан маълум шакл олади ва бу шакл аниқ бир хат (масалан, сулс ёки насх)



турини намоён қилади. Мұхими шундаки, хаттотлар маълум бир хат турида қалам юритар эканлар, бошқа хатларга мансуб “вов”ларни аралаштириб юбормайдилар.

### Чунончи:

1. “Вов-е қавсий” – (ёйсимон “вов”) – “Таълиқ”, “Наастаълиқ”, “Насх” ва “Девоний” сингари хатларга мансуб бўлса,



2. “Вов-е муаммор” эса “Сулс” хатига мансубдир.



3. “Вов-е мурсал” – “Сулси райҳоний” хатига мансуб



### 17-таълим:

“Ҳо” (Ҳойи ҳавваз) –



I. “Бир нүктани “ҳо”ға айла афсар (тож),  
Ёз ниш (учи) или халқаи мудаввар (юмалоқ).

Қил ҳалқа таҳин (остини) сатбари камрок.


Нұқта сори (томон) ҳалқаға бер илсоқ (тиркаш).

II. “Хо” түрт турлидир. “Хойи марказий”, “хойи ҳилолий”, “хойи ҳожибий”, “хойи нигиний”. “Хойи марказий” эса бир марказ остиға аломат қўйилур – , “Хойи ҳилолий” икки ё уч кунлик ойға ўхшар – . “Хойи ҳожибий” икки кўзлик ва ҳам икки қошлиқ бўлур. Қоши эса ости бир “то”, усти бир “сад” бўлуб, остидаги ҳалқаси бир нұқтагина илгарироқ ташланур. Аммо, машқда “сад” ва “то” оралиғидан “шин” каби узун хат (чизиқ) тортилмоғи расм бўлмиш. “Хойи марказий” икки наъвдир. Бири бир нарсани бошида келур. Яна бири бир нарсанинг оёғида келур.


Аммо, “хойи ҳилолий” ила “ҳожибий” кўпинча оралиғда келур. “Хойи нигиний” эса бир узук каби ҳалқа бўлуб, ҳамма вақт ёлғуз келур. “Хо”лар учун кўп дикқат қилмоқ керак”.

### 17-машқ:


1. “Хойи марказий”




2. “Хойи ҳилолий”




3. “Хойи ҳожибий”






#### 4. "Хойи нигиний"



#### Изоҳ:

Манбаларда күрсатылғанидек, настаълиқ хатида “ҳо” (хойи ҳавваэ) ҳарфи түрт турли бўлса-да, қалам ҳаракатига кўра тўртдан ортиқроқдир. Жумладан, “ҳойи марказий” ёзилиши жиҳатидан икки хилдир. Уларнинг бири ҳамиша сўз бошида келса, иккинчиси эса сўз охирида келади.



Ҳойи марказий”нинг сўз бошида келадиган хилини битишда қалам ҳаракати шундай кечади. Одатда, бу ҳарф бир қалам тортишда битилади. Аммо уни ёзишда қалам ҳаракати текис (тўғри) эмас, балки эгри (айланма) бўлади. Бунинг учун аввало, қозо




юзида бир қалам кесими ҳосил қилинади ва уни ярим қалам юқори күтариш жараёнида орқага қайрилади. Сўнгра, қалам ҳаракатини давом эттирган ҳолда ярим қалам пастга тусирилгач, қаламни қалам кесими (яъни қалам учининг бор эни) бўйича олға сурилади ҳамда бир нуқта масофада паст томон эгиб, ҳарф охири қаламнинг ваҳший учи билан ингичка қилиб тугатилади. “Хойи марказий”нинг бу турини ёзиш тартибини юқоридаги чизмага қараб пухта ўрганиб олишни тавсия этамиз.

Айтиб ўтганимиздек, “хойи марказий”нинг бу тури ҳамиша сўз бошида ёзилади ва унинг умумий катталиги икки нуқта атрофида бўлади. Бироқ шуни асло унутмаслик керакки, бу ҳарф остига ҳаммавақт ушбу аломат қўйилади  ва бу аломатнинг бўйи, одатда, бир нуқта атрофида бўлади. Қадимда хаттоллар бу аломатни ҳамиша бирдек “хойи марказий” остига қўймаганлар, балки ёзув имконига қараб, ундан пастроқ ва четроққа ҳам қўя берганлар. Китобхонлар эса уни ўз ўрнига қўйиб ўқиб кета берганлар. Масалан, “ҳам” сўзи мана шундай ёзилади.

“Хойи марказий”нинг иккинчи хили биринчисига нисбатан анча соддароқ ёзилади. Бунда қалам ҳаракати оддий тўлқинсимон 

кўринишда кечади. Бу ҳарф ҳам бир қалам тортишда битилади ва ҳар бир тўлқинининг ўлчами бир нуқтагача баробар бўлади. Айтиб ўтганимиздек, бу ҳарф ҳамиша сўз охирида келади ва остига ҳеч қандай аломат қўйилмайди. Масалан, “ила” (билин) сўзи шундай ёзилади.




“Хойи ҳилолий” (яъни “ҳилол”га – янги кўринган ойга ўхшаш “ҳо”) ҳам бир қалам тортишда ёзилади. Бироқ юқоридаги машқда биз “қалам ҳаракати”ни аниқроқ кўрсатиш учун уни икки бўлакка ажратиб бердик.

“Хойи ҳилолий” ҳамиша сўз ўртасида ёзилади ва унинг энг

асосий бўлаги ҳилол сингари эгилган жойи ҳисобланади. Шунинг учун ўтмиш хаттотлар “ҳойи ҳилолий”ни хат орасида кўзга яққол кўриниб туришини назарда тутиб, унинг ой каби эгилган жойини энлик “сатҳ” билан ёзганлар. Шуни ҳам айтиш керакки, бу ҳарфнинг эгилган жойи (“ҳилоли”)нинг бошланиш қисми сал орқароқ ташлаб битилган. Шу арзимас бир қирра ёзувга гоятда нафосат бахш этади.



“Ҳойи ҳожибий” (яъни “ҳожиб” – қошга ўхшаш “ҳо”) икки хил кўринишга эга. Уларнинг биринчиси икки кўзлик бўлиб, ҳамиша сўз бошида келади. Бу ҳарф анча мураккаб кўринишига қарамай, бир қалам тортишда битилади. Уни ёзишда қаламнинг ваҳший учи фаолроқ иштирок этади. Чунки бу ҳарфнингфақат юқори қошигина энлироқ битилади. Қолган қисмлари эса ингичкароқ (яrim қалам кенглигида) битилади. Энлироқ битилган юқори қошининг кенглиги ҳам ярим қаламдан ошмаслиги керак. Одатда, бу “ҳойи ҳожибий” ҳарфини ёзиш унинг юқорисидан ярим нуқта қаддида уч (чизиқча) тортишдан бошланади. Сўнгра қалам ўнг томонга бир ярим нуқта миқдорида суриб борилиб, пастга эгиб туширилади. Натижада, “ҳойи ҳожибий”нинг ярим нуқта қалинлигидаги юқори қоши (1) ҳосил бўлади. Ана шу “қош”нинг охиридан қаламнинг ваҳший учи билан чапга томон чизик тортишда давом этамиз. Бу чизик “қош”нинг дастлабки, бошланган жойигача суриб келади (2) ва ярим доира (3) билан тепадаги “қош”га уланади. Сўнгра, яна бошқа ярим доира (4) билан бир бутун доира ҳосил қилган ҳолда пастки чизик кесиб ўтилади.



Оқибатда, инсон күзига ўхшаш “ҳойи ҳожибий” ҳосил бўлади. Юқорида биз бу ҳарфни бир қалам тортиш билан битилади, деб айтганимизга қарамай, бу ерда унинг ёзилишини бир неча бўлакларга бўлиб кўрсатдик. Бундан кузатилган мақсад “ҳойи ҳожибий”ни битиш жараёнидаги “қалам ҳаракати”нинг тартиботи ҳақида мукаммалроқ маълумот беришдан иборатдир. Зотан, бу тартиботни билиш “ҳойи ҳожибий”нинг қоидали ёзилишини таъминлайди.

“Ҳойи ҳожибий”нинг иккинчи хили икки қошли бўлиб, тўрт бўлақдан иборатдир. Бу бўлакларнинг қандайлиги ҳақида аниқ тасаввур бермоқ мақсадида Муҳаммад Азим мазкур ҳарфнинг “...ости бир “то”, усти бир “сад”...” деб ёзади. Унинг бу сўзлари кўз ўнгимизда ушбу манзарани намоён қиласди (ўнг тарафдаги шаклга қаранг). Муҳаммад Азим бу ерда аввал қайси ҳарфни ёзиш лозимлиги ҳақида ҳеч нарса демайди. Хат санъатига оид манбаларда кўрсатилишича, аввал “сад”, сўнгра “то” ёзилади. Бу ҳарфлар тўлигича эмас, балки уларнинг айрим бўлақларигина олинади. Жумладан, биз “сад” ҳарфи уч бўлақдан иборатдир” – деб кўрсатган эдик саккизинчи таълимда. Бу ерда эса унинг “косаси” (халқаси) тушириб қолдирилиб, фақат бошигина ёзилади.

“Сод”нинг боши эса икки бўлак – яъни, “қоши” ва “бўйни”нинг бирикувидан ҳосил бўлади. Шунингдек, бу бўлакларнинг ўз ўлчамлари ҳам бор. “Ҳойи ҳожибий”ни ёзаётганда ҳам ана ўша ўлчам ва



тартиботларга риоя қилинади. Сўнгра “сад” бошининг ўнг томони остига бир “то” (итқи) ҳарфи битилади. Биз тўққизинчи таълимда “то” ҳарфи уч бўлак, яъни “қоши” “ре” ҳарфига ўхшаш “ости” ва “қоши”нинг устига битиладиган “алиф”дан ташкил топишини баён қилган эдик. Бу ерда “қош” тепасига битилувчи “алиф” туширилиб қолдирилиб, “то”нинг танасигина битилади.

Шундай қилиб, “ҳойи ҳожибий”нинг бу хили икки ҳарф (“сад” ва “то”)ни ўзида мужассамлаштирган ҳолда тўрт бўлақдан ташкил топади ва ҳамиша сўз ўртасида келади. Одатда, бу ҳарфда мужассам топган “то” ҳарфининг танаси “сад” ҳарфи бошидан бир нуқта миқдорида ўнг томонга суриброқ битилади ва ўзидан олдин келган ҳарфларга “сад” ва “то”нинг ўзаро бирикуви оқибатида ҳосил бўлган оралиқ орқали уланади. Шунингдек, хаттотлар бу ҳарфни ўзидан кейин келган ҳарфлар билан худди “чўзиқ син” каби узун чизиқ тортиб улаганлар. Бу ҳол хаттағоят ёқимли нафосат баҳш этгандир. Аммо, “ҳойи ҳожибий”нинг бу хилини ёзаётганда “то” ва “сад” ҳарфларининг аввалги таълимларда кўрсатиб ўтилган ўлчамларига албатта риоя қилмоқ зарур. Акс ҳолда бу ҳарфнинг ҳаддан ташқари катта ёки кичик бўлиши ёзув нафосатини сўндириши табиийdir.

“Ҳойи нигиний” (яъни, узукка ўхшаш “ҳо”) аслида бир қалам тортиш билан ёзилса-да, биз унинг тузилишини аниқроқ намойиш қилмоқ мақсадида юқоридаги машқда икки бўлақдан иборат қилиб кўрсатдик. Ҳақиқатан ҳам “ҳойи нигиний”нинг ўша бўлакларига алоҳида эътибор берилмаса, бу ҳарф рисоладагидек чиқмайди ва ўқиётган вақтда уни фарқлаш оғир бўлади.

Одатда, “ҳойи нигиний”ни ёзиш унинг бошини битишдан бошланади. Боши эса бир нуқтадан иборат бўлади. Аммо




ўша нүктани битиш жараёнида қаламни ҳаракатдан тўхтатмаган ҳолда нүктанинг охири пастга томон эгид тушилади ва кичик бир доира чизилади. Доиранинг охири нүктанинг бошланиш жойи билан туташтирилади. Муҳими шундаки, нүктадан кейинги қалам ҳаракати қаламнинг унсий учидаги ярим қалам йўғонлигига адо этилади. Шунинг учун ҳам “ҳойи нигиний”нинг боши



(афсари) узук кўзига ўхшаб йўғон, ости эса ингичка бўлиб чиқади. Бу айтилганлардан кўринадики, Мунис ўзининг юқорида келтирилган таълимида “ҳойи нигиний” ҳарфининг ҳар бир бўлаги устида бежиз тўхталмайди. Чунончи у: “Ёз ниш ила ҳалқаи мудаввар”, дер экан, “ниш” (яъни ўткир нарсанинг уни) сўзи воситасида қалам “шаққи”, яна ҳам тўғрироғи, унинг унсий учини ифода қиласида ва қаламнинг айни шу учидаги “ҳалқаи мудаввар” (яъни доира) битиш лозимлигини қайд этади. Шунингдек, у “ҳалқа таҳи” (яъни, ости) сербар эмас, балки “камроқ” (яъни ингичкароқ) ёзилишини ҳам кўрсатиб ўтади.

Ниҳоят, “Ҳойи нигиний” ҳарфи ҳамиша сўз охирида, алоҳида, бошқа ҳарфларга қўшилмаган ҳолда ёзилади. Бу ҳарфни ёзаётганда, айтиб ўтилган қалам ҳаракати билан бирга юқоридаги машқда кўрсатилган ўлчамларни ҳам ёдда тутиш лозим.

Шундай қилиб, настаълиқ хатида “ҳойи ҳавваз” ҳарфи қалам ҳаракатига кўра олти ва ҳатто етти кўринишга эга бўлиб, тўрт ном билан аталади. Агар бошқа хат турлари (сулс, насх, девоний, райхоний, риқоъ кабилар)ни ҳисобга қўшсак, “ҳойи ҳавваз” ҳарфи тўққиз хил кўринишда намоён бўлади. Бу ерда биз фақат настаълиқ хатидаги “ҳойи ҳавваз” ҳарфи ва унинг шу ёзувдаги турлари хусусида сўз юритдик. Қадимда хаттотлар “ҳойи ҳавваз”нинг бу турларини машқ қиласида эканлар, уларни қўйидаги тартибда битганлар.



Бундай машқлардан кузатилган мақсад биринчи навбатда құлни ўргатиш бўлса, иккинчи томондан эса "хойи ҳавваз"ларнинг қаерда (сўз боши, сўз ўртаси ёки сўз охирида) қай күринишда келишини кўрсатишдан иборатdir.

Шуни ҳам айтиш керакки, хаттотлар сўз охирида келувчи "хойи марказий"ни кўпинча тўлқинсимон қилиб эмас, балки, оддий бир чизиқча күринишида ҳам битадилар. Шунингдек, баъзи етук хаттотлар "хойи ҳилолий" ва "хойи ҳожибий"ларни қаламнинг ваҳший учи билан ниҳоятда ингичка қилиб тортганлар. Бу ҳол **хатта** ўта нозиклик бахш этган.


Хаттотлар бу каби машқларда ҳарфлар ўлча-мига жиддий амал қилганлар. Албатта, "хойи ҳавваз"лар ҳам бу қоидадан мустасно бўлмаган ва қуйидаги ўлчамларда битилган:



Шундай қилиб, юқорида айтилғанлардан күринадикі, “ҳо” (“ҳойи ҳавваз”) ҳарфи ва унинг турларини ёзиш анчагина захматлидир. Шунинг учун ҳам устоз Мұхаммад Азимнинг: “Ҳо”лар учун күб диққат қылмоқ керак,” деган сүзларини ҳамиша ёдда тутмоқ лозим.

### 18-таълим:



“Ло” (Лом – алиф)



I. “Ло” аввали бир “алиф”, сүнгги “ро”  
Сүнгра яна бир “алиф” қил иншо.  
Қил айла “алиф”ларин баробар,  
Бўлсун оқи бир “алиф” саросар.  
Яхши назар этки, бордур алҳақ (чиндан),  
“Ло” – уч “алиф” қатору мулсақ (жипслашган).

II. “Ло” икки “алиф”дир. Аввал бир “алиф” тортилуб, они куйисига “ро”нинг этаги каби бир нұқтагина “ро”ча улануб, “лом” аталур. Яна бир “алиф”нинг ул “лом”дан ярим нұқта пастроқ ва ҳам оралигини ярим нұқтата очиб тортилуб, “лом”нинг сёғиниң үчиға тегизилур. “Лом”, “алиф” ҳар иккиси бирикиб “ло” бўлур.”

### 18-машқ:




## Изоҳ:


“Ло” уч бўлақдан иборатдир. Уни ёзиш аввалги таълимдаги “ҳо” (ҳойи ҳавваз)ларга нисбатан анча оддийдир. Зотан, бу ҳарф бирикмасини ёзишда қалам ҳаммавақт юқоридан пастга ҳаракат қилади. Шуни унутмаслик керакки, араб алифбоси асосидаги ўзбек ёзуvida ғоят кўп қўлланадиган бу ҳарф бирикмасини настаълиқ хатида бир қалам тортиш билан асло ёзиз бўлмайди. Бир қалам тортишда ёзилса, унинг бутун нафосати йўқолади. Шунинг учун “ло” (“лом-алиф”)ни ҳамиша қоидали қилиб ёзиш керак. Бунинг учун аввало икки нуқтадан сал ортиқроқ бир “алиф” тортилади. Бироқ бу “алиф” биринчи таълимда баён қилган “алиф”имиз каби ёзилса-да, унга нисбатан сал қисқароқ битилади. Бу “алиф” “ло” (лом-алиф)нинг биринчи бўлаги (элементи)дир.

Иккинчи навбатда эса ана ўша “алиф”нинг остига кичик бир “ро” (ре) (Мұхаммад Азим айтганидек, “ро”ча) учма-уч қилиб уланади. Бу “ро”чанинг бўйи ва катталиги, машқда кўрсатилганидек, бир нуқтадан ошмаслиги керак. Мураккаб ўрни шундаки, “ро”чани ёзишда ҳам худди катта “ро”(ре) ҳарфини ёзаётгандаги сингари қаламни ўнгга бураш лозим. Шунда унинг уни тўмтоқ эмас, балки учли бўлиб чиқади. Мана шу “ро”чани юқоридаги “алиф”нинг остики учига улаш оқибатида “лом” ҳарфи ҳосил бўлади.

Энди, учинчи навбатда “ро”чанинг охирини мўлжаллаб, “лом”нинг танаси бўлмиш “алиф” билан ёнма-ён, ярим қалам оралиқ қолдириб, иккинчи “алиф” тортамиз. Бунда ҳам қалам ҳаракати “нузул” (яъни юқоридан пастга томон) бўлади. Аммо бу ерда шу нарсага аҳамият бериш керакки, иккинчи “алиф”нинг сал эгилган остики учи “ро”чанинг охирни билан туташмоғи лозим. Бунинг натижасида ҳосил бўлган “ло” (лом-алиф)нинг пастки учи сал бўрттириброқ битилган бўлиб чиқади.




Кейинги масала эса “лом”нинг танаси ва иккинчи “алиф”нинг юқори учлари хусусидадир. Зотан, Мунис “ло”нинг “алиф”ларини баробар қилиб ёзмоқ керак деб талаб қилса, Мұхаммад Азим эса “...алиф”нинг ул “лом”дан ярим нұқта пастроқ...” битиш лозимлигини таъкидлайды.



Бу ўринда күзлаган мақсадларига кўра ҳар икки устод ҳам ҳақдирлар. Чунончи, Муниснинг мақсади унинг қуйидаги сатрларида ўз ифодасини топади:

Яхши назар этки, бордур алҳақ,  
“Ло” – уч “алиф” қатору мулсақ.

Муниснинг бу сўзларидан маълум бўладики, “ло” (лом-алиф) ўзаро жипс ҳолда қатор келган уч “алиф”дан иборатdir. Бу “алиф”ларнинг биринчisi қора, иккинчisi эса оқ, ва ниҳоят учинчisi яна қорадир. Мана шу тасвир воситасида Мунис настаълиқ хати учун мухим бўлган бир қоидани, яъни “ло” (лом-алиф) ҳарф бирикмасининг асосий бўлаклари бўлмиш икки “алиф”нинг ораси ҳам бир “алиф” кенглигига ёзилиши кераклигини таъкидламоқда. Чунончи, “алиф”нинг кенглиги, яъни йўғонлиги биринчи таълимда баён қилингани бўйича, ярим нұқтадан иборатdir. Мунис мана шу қоидани аниқроқ ифода қилмоқ мақсадида, “ло”нинг “алиф”ларин баробар...” қилиб ёзмоқ керак деб таъкидламоқда.




Мұхаммад Азим эса масалага ҳарфлар ўлчови бўйича ёндашади. У “ло” (лом-алиф)нинг ҳар икки “алифи” бўйини уч нұқтадан қилиб олади. Шунда, ҳақиқатан ҳам иккинчи “алиф” биринчисига нисбатан бир оз пастроқ ёзилади. Чунки, айтиб ўтилганидек, биринчи “алиф”нинг остига бир нұқтага тенг “ро”ча уланган эди. Иккинчи “алиф” айни шу “ро”чанинг охирига уланиши шарт. Шундагина “ло” (лом-алиф) ҳарф бирикмаси қоидали ёзилган ҳисобланади.



Энди, “ло” (лом-алиф)ни ёзаётганда қайси қоидага амал қилиш масаласига келсак, настаълиқ хатида иккинчи

“алиф”нинг пастроқ ёзилиши қабул қилинган. Чунки настаълиқ хатига асос бўлган “таълик” хатида ҳам иккинчи “алиф” пастроқ ёзилади. Фикримизча, “ло”ни ёзишда мана шу қоидага амал қилиш маъқулдир.

Шунингдек, бу ҳарф бирикмасини ёзганда уни ҳамиша ўқ чизиққа мутаносиб ҳолда тик қилиб ёзишга ҳаракат қилиш керак. Мана шундагина “ло” (лом-алиф) ҳарф бирикмаси ёзувга зийнат бағишлади.

Ниҳоят, “ло” (лом-алиф)нинг бошқа ҳарфлар билан қўшиб ёзиш масаласида шуни айтиш керакки, хаттотлар бу ишда икки хил, йўл тутадилар. Чунончи, баъзи хаттотлар уни худди “бо” –  пастрдан туташтирадилар. Баъзилар эса уни сал юқорироқдан тортадилар. Бизнингча, “ло” (лом-алиф)нинг ёзувдаги ўрнига қўра ҳар иккиси ҳам маъқулдир. Бу ерда асосий масала хаттотнинг шахсий маҳоратига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак.

### 19-таълим:

“Йо” (Йой) –





I. “Йо” бошидур уч нуқат муайян,  
Бир нуқта дағи бинойи гардан.  
“Йо” бўйнидин, эй рақамға мойил,  
Қилса бўлур икки “дол” ҳосил.  
Бир “дол” нигун (тўнтарилган) бўлур ҳувайдо (аён),  
Бўлғой яна бири рост (тўғри) пайдо.  
“Йо” бошини ондоқ айла иншо,  
Бўлсун они айламак нигун “ё”.


Таълим аро “ёйи акс” эрур бу,  
 Айлай санга шарҳ мўй бар мў.  
 Қил бошини “ро” ва бир нуқта хат,  
 Бир нуқта vale бошиға муҳчат.  
 Ул нуқтага муттасил кашиш (чўзиш) бер,  
 Килк учига чап сори равиш (юриш) бер,  
 Тули (бўйи)ни тўққуз нуқат хаёл эт,  
 Таълим мини анггла, ҳавзи (таги)га ет.  
 Бўйни хамин (эгик) айла ул сифат соз,  
 Ким орқага бўйнин элтгай қоз (фоз).  
 Ул нуқтаки, бўйнига эрур зам,  
 “Айн” аввали айласа бўлур ҳам.



II. “Йо” икки хилдир. “Йойи расмий”, “йойи акс”. “Йойи расмий” эса: боши “сад”нинг қоши каби бўлуб, “сад”дан андак тўлароқ бошлануб, “дол” каби яна қаламнинг орқасига бир нуқта қайтарилуб, бир домана уланур. Аммо бўйни ила елкасин ва ҳам қўлтуғин орасига бир нуқта сифсун демишлар.  
 “Йойи акс”: “дол”нинг оёғи каби “ро” сувратида бошлануб, “айн”нинг манглайдек қалам орқасига қараб қайторуб, бир узун “бо”нинг бўйича тўғри, қиличдек учлик қилуб тортилур”.

### 19-машқ:






### Изоҳ:

“Йо” ҳарфи ўзининг ажойиб тузилиши билан настаълиқ хатини зийнатлашга хизмат қилади. Қадимий қўллёзма китобларда хаттотлар “Йо”нинг ҳар икки турини ўз ўрнида жуда кўп қўллаганлар. Мунис ва Муҳаммад Азим каби устозларнинг юқорида келтирилган сўзларидан маълум бўладики, “Йо” ҳарфининг биринчи тури “Йойи расмий” бўлиб, у уч бўлак (элемент)дан иборатdir.

Одатда, “Йойи расмий”ни ёзиш унинг “қоши”ни тортишдан бошланади. Бунинг учун қаламни қоидага муносиб ушлаб, уни оҳиста чапга томон юритилади ва айни пайтда пастга эгиг тушилади. Натижада, қуш тумшуғига ўхшаш юқориси йўғон, учи эса ингичка “қош” ҳосил бўлади. Қоида талабига биноан эгилган бу “қош”нинг қади бир нуқтадан ошмаслиги керак. Акс ҳолда “Йойи расмий” рисоладагидек чиқмайди.

Энди бу “қош”нинг ингичка остики учига “Йойи расмий”нинг иккинчи бўллаги бўлмиш “бўйин” уланади. Аслида, “бўйин” уфқ чизиги бўйлаб тортилган бир чизиқчадир. Лекин у “Йойи расмий”нинг биринчи бўллаги (қоши) билан учинчи бўллаги (доманаси)ни ўзаро боғлаш вазифасини адо этади. Шунинг учун ҳам унинг ҳар икки томонидан бири юқорига, иккинчиси эса



пастга қараган учлар ўткир бурчак остида эмас, балки сал қияроқ қилиб тортилади. Шу сабабли “йойи расмий”нинг “бўйни”ни ҳосил қилувчи чизикча ҳам уфқ чизигига мутаношиб эмас, балки унга нисбатан сал оғиброк чиқади. Одатда “бўйин”нинг йўғонлиги уни тортган “қалам кесими”га тенг бўлиб, катталиги бир нуқтадан иборатдир. “Бўйин” учлари ярим нуқта қаддидга тортилиб, уларни чиқаришда қаламнинг ваҳший учи фаол иштирок этади.



Нихоят, “бўйин”нинг ўнг томонидаги остки учига бир “домана” уланади. Бу “домана” “йойи расмий”нинг учинчи бўлаги бўлиб, у “син” ва “нун” сингари ҳарфларнинг “домана”лари каби ўнгдан чапга томон тортилади. Бу ҳарфларнинг “доманаси” уч нуқта қенглигига бўлса, “йойи расмий”ни ёзётганда эса унинг “домана”сини охри билан “бўйни”нинг ораси икки нуқта қенглигига бўлиши керак. Чунки, юқорида айтилганидек, “йойи расмий”нинг “бўйни” бир нуқта катталигига бўлади. Агар шу талабга риоя қилинса, устоз Муҳаммад Азим ёзганидек, “йойи расмий”нинг “... бўйни ила елкасин ва ҳам кўлтигин орасига бир нуқта сифадургон...” бўлиб чиқади. Бу ўринда шуни унутмаслик керакки, “йойи расмий” “домана”сининг охри унинг “қоши”ни бошланиш нуқтасидан бир нуқта пастда тўхтатилади.



Энди Муниснинг:

... Йо бўйнидин, эй рақамға мойил”,

Қилса бўлур икки “дол” ҳосил.

Бир “дол” нигун бўлур хувайдо,

Бўлгой яна бири рост пайдо...” –



деган сўзларига келсак, ўз рисоласида Мунис ушбу тасвирни келтиради. Унинг ёзишича, бу тасвирга жиддийроқ эътибор билан қаралса, бири тўғри, иккинчиси эса тўнтарилган ҳолатдаги икки “дол” ҳарфини кўриш мумкин. Дарҳақиқат, юқорида келтирилган тасвирдаги “домана”ларнинг ҳар иккаласига (яъни тўғрисига ҳам, тўнтарилганига




ҳам) "йойи расмий"нинг "қоши"ни тушириб қолдириб, "бўйни"нигина уласак, "дол" ҳарфини эслатувчи шакл ҳосил бўлади. Муниснинг юқоридаги сўзларидан кузатилган мақсад, "йойи расмий" ҳарфининг "бўйни"ни битаётганда "дол" ҳарфини назарда тутиш, унинг қоидали ёзилишини таъмин этиши мумкинлигини баён қилишдан иборатдир.



"Йойи акс" кўринишидан ғоят содда бўлса-да, уни ёзишдаги қалам ҳаракати бир неча босқичлардан иборатдир. Ўтмишда хаттотлар "Йойи акс"ни ёзаётганларида ана ўша босқичларни ҳамиша назарда тутганлар ва ҳеч оғишмай уларга амал қилганлар. Шунинг учун ҳам Мунис ўз таълимидаги босқичларни (яна ҳам тўғрироғи, ҳарф бўлакларини) "мўй бор мўй" (бирма-бир, синчиклаб) тушунтиради.

Хаттотлар амал қилган тартибга биноан, "Йойи акс" ҳарфини ёзиш унинг "ро" (ре) ҳарфига ўхшаш "боши"ни битишдан бошланади. Муҳаммад Азим "Йойи акс"нинг "боши"ни "дол"нинг оёғи (яъни охири) каби "ро" сувратида... деб ёзади. Демак, "Йойи акс"нинг "боши"ни ёзаётганда қалам "дол" ҳарфининг остини ёзаётганга ўхшаш ҳаракатлантирилмоғи лозим. Сўнгра, "Йойи акс"нинг охирига бир нуқта узунлигида чизиқча ("хат") уланади. Энди бу чизиқнинг остки учидан бир нуқта катталигида, аммо ўртаси сал эгилган "бўйин" тортилади. Бу "бўйин" биз учинчи таълимда сўз юритган "айн" ҳарфининг "бўғзига" айнан ўхшашдир. Мана шунинг учун ҳам Мунис ўз рисоласида:



Ул нуқтаки, бўйнига эрур зам,

"Айн" аввали айласа бўлур ҳам, –

деб ёзади. Муҳаммад Азим эса Муниснинг бу сўзларини тасдиқлаб, ўз рисоласида мана бу тасвирни келтиради.

Дарҳиқиқат, бу тасвирда “айн” аввали...” (яъни “айн” ҳарфининг боши) аниқ кўриниб туради. Демак, ҳар икки устознинг тавсияларига кўра “йойи акс”нинг “бўйни”ни ёзаётганда “айн” ҳарфининг бошини назарда тутсак, ёзуви миз қоидали чиқади.

Ниҳоят, мана шу “бўйин”ни давом этдириб, ўнг томонга (яъни ўнгдан чапга йўналган араб ёзуви қоидасига қарама-қарши) тўқиз нуқта қадича тўғри чизикдан иборат “йойи акс”нинг “тули” (танаси) тортилади.



Қоида талабига кўра бу “тул”нинг учи худди қилич тили каби ингичка қилиб тугалланиши лозим Бунда қалам учининг ваҳший томони фаол иштирок этади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, “йойи акс”нинг “тули” имкон доирасида уфқ чизигига мутаносиб ҳолда тўғри тортилиши, баъзи ҳарфлар (масалан: узун “бо”) сингари сал эгилган бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда бу ҳарф ўз нафосатини тўлиқ намоён қилмайди. Ваҳоланки, хаттоллар “йойи акс”ни мисраларнинг охирида битиб, байтларни ажиб зийнатлаганлар. Мунис эса “йойи акс” ҳарфининг шаклида бўйини орқага ташлаган ғоз тимсолини кўради. Шунинг учун ҳам у хат ҳавасманларига:

Бўйини ҳамин айла ул сифат соз,

Ким орқага бўйинин элтгай қоз (ғоз) –  
деб таъйинлайди. Буюк устознинг бу сўзлари биз учун ҳамиша дастуриламал бўлмоғи лозимдир.

Шундай қилиб, араб алифбоси асосидаги ўзбек миллий ёзувида қўлланувчи ҳарфларнинг ҳар бирини якка-якка ҳолда кўриб чиқдик ва уларнинг бўлаклари ҳамда ўлчамлари хусусида сўз юритдик. Асосий эътиборни эса бу ҳарфларни битиш жараёнидаги қалам ҳаракатига



"Мүффадот" (якка  
хаффлар) машқидан  
намуна.

Маңкур намунадан  
бу ҳаффларни  
бүтгел ұтмиш  
ватандоши міннегін  
хат тағлимидан  
яхши хабардорлар  
ва машққа жиідік  
өндөшгап алғынин  
кеңіншіл мүреккін.

Ұтмиш давғлағда  
хат ҳавасманоларғы  
бүндай машқ  
пұмұналағын и  
ташлаб юбор-  
наганлар, балқи  
яларғы әзтінелік  
асфаганлар.

қаратдик. Зотан, ҳозирги жорий алифбо (кириллица)да суюғи қотган авлод учун араб ҳарфларининг тузулишини билиш ғоят мұхимдир. Чунки бу нарса араб алифбосидаги ҳарфларни қоидали ёзиш учунгина эмас, балки қадимий құләзма китобларнинг мутолааси учун ҳам зарурдир. Албатта, юқорида көлтирилган таълимлар билан илк бор танишиш ва машқларни бир сидра бажариш билан мақсадга (яғни хушхатликка) эришиб бўлмайди. Бунинг учун қилинаётган ишнинг моҳиятини англаган ҳолда чидам билан кўплаб машқ қилмоқ керак. Табаррук бобокалонларимиз машқ қилишдан асло эринмаганлар. Зотан, улар машқларни юксак муваффақият кошонасининг пиллапояси деб билганлар. Олдинги саҳифаларда айтиб ўтилганидек, машқлар ҳам бир неча босқичлардан иборат бўлган. Шунинг учун аввало машқларни көлтирилган намуналарга қараб, қалам ҳаракати ва ҳарф ўлчамларига риоя қилган ҳолда бажариш маъқулдир. Маълум малака ва билим ҳосил қилингач, мустақил қалам юритишга ўтиш мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, фақат "муфрадот" (яғни якка ҳарфлар)ни қоидали битиш санъатини ўзлаштириш билан араб ёзувини ўргандим, деб бўлмайди. Чунки араб ёзуви якка ҳарфлар тизмасидангина иборат эмас, балки уларнинг ўзаро, фақат араб ёзувига хос бўлган қўшилуви (бирикуви)дан ҳам иборатдир. Шунингдек, араб ёзувидаги ҳарфларнинг бир-бiri билан қўшилуви баъзи ёзувлардаги каби умумий қоидаларга эмас, балки ҳар бир ҳолатда ўз мустақил тартиби ва талабига згадир. Шунга кўра ўтмиш даврларда якка ҳарфларни ёзиш ("муфрадот") қоидаларини меъёрига етказиб ўзлаштирилгач, уларни қўшиб ёзиш ("мураккабот") машқларига ўтилган.

Шуни таъкидлаш керакки, "мураккабот" машқлари, биринчи навбатда, "муфрадот" қоидаларига суянади ва ана ўша қоидалар заминида вужудга келган янги хат йўлларини ўзлаштиришга қаратилади. Шунга кўра ҳавасмандлар "мураккабот" машқларини ҳам эътибор билан ўрганмоқликлари лозимдир.

*Бешинчи бўлум*



*Мураккабот*



*Мураккабот мозијати*

Асримиз бошларида чоп қилинган ҳуснихат машқига оид кўлланмаларнинг аксариятида ушбу байт келтириллади:

چون فرغت منفردات آمد  
وقت مشق مرگت آمد

Бу байтнинг ўзбекча мазмуни қуйидагича:

Гар муфрадотдан фароғатлар келибдур,  
Аммо машқ пайти мاشақатлар келибдур.

Бу байтда нозик сўз ўйини мавжуд бўлиб, “мураккабот” сўзида “машақат” маъноси билан бирга “хат машқининг иккинчи босқичи” маъноси ҳам ифода топгандир. Байтдаги “муфрадот” (صُفْرَادَاتٌ) сўзи олдинги б о б д айтилганидек, “муфрад” (صُفْرَدٌ) сўзининг кўплигидир. “Муфрад” сўзи эса араб ёзувига оид

манбаларда: "...Бир ҳарфнинг алифбода көлган ёлғиз ҳолати ва унинг ўзигагина хос бўлган шаклидир", деб таърифланади. "Мураккабот" сўзи эса (مُركَّب) "м у р а к к а б" сўзининг кўплигидир. Турк олими (مُركَّب) Маҳмуд Ёзирнинг кўрсатишича, "мураккаб" сўзи хаттотлиқда қуидаги маъноларни билдиради:

1. Бир ҳарфнинг майдага бўлак (парча)лардан вужудга көлиши.
2. Бир неча ҳарфларнинг бир-бирига батамом бирикиб, ўзаро битишиб, яхлит бир сўз ҳолига көлиши.
3. Бир неча ҳарфларнинг қисман бирикиб, қисман айри ёзилиши орқали сўзларнинг вужудга көлиши.
4. Айрим-айрим ҳарфларнинг ҳам иштирокида сўз ташкил этилиши.


Ўтмишда миллий мактабларда "мураккабот" дейилганда кўпроқ бирдан ортиқ ҳарфларни ўзаро қўшиб ёзиш амали тушунилган. Анъанага кўра бу мактабларда, юқоридаги байтда қайд этилганидек, "муфрадот" машқларидан кейин "мураккабот" машқлари бошланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, араб ёзувида ва айниқса ҳусниҳат санъатида "мураккабот" машқларининг аҳамияти "муфрадот" машқларидан ортиқ бўлса ортиқки, аммо кам эмас. Чунки араб ёзувида ҳарфларнинг ўзаро қўшилиши бошқа ёзувлардаги каби айрим-айрим ҳарфларнинг ёнма-ён қаторлашиб келишидан иборат бўлмай, балки араб алифбосидаги ёлғиз ҳарфлардан олинган айрим қисм ва бўлакларнинг бир-бири билан маҳсус тартибда бирикувидан иборатдир. Бундай ҳолат, одатда, энг ривожланган (араб, юнон ва санскрит каби) ёзувларда мавжуд бўлади. Шунга кўра араб ёзувида битилган сўзлар фақат айрим-айрим ҳарфлардангина ташкил топмайдилар, балки ёлғиз ҳарфлардан ажратиб олинган бўлаклардан ҳам таркиб топадилар. Ўтмишнингベンазир хаттоти Якут Мустаъсимий араб ёзувида ҳарфларнинг бу йўсинда ўзаро қўшилишини арабча "таркибун" تارکیب اتамаси билан юритади. Бу атама ўзбек

تارکیب

атамаси

билан

бирикма” маъноларини ифодалайди. Айни замонда “таркибун” атамаси араб тилидаги “мураккабун” –  сўзи билан ўзакдошdir. Бу сўз ўзбек тилида “таркиб топган, тузилган” маъноларини ифода қилади. Хаттотлиқда бу иккала сўз ҳам кўлланади. Аммо, уларнинг бири жараённи ифодаласа, иккинчиси эса ана шу жараён натижасини билдиради. Янада аниқроқ қилиб айтганда, “таркиб” сўзидан биз хаттотнинг ҳарфларни ўзаро бириктириш мақсадида қалам юритишини тушунсак, “мураккаб” сўзидан эса хаттотнинг қалам юритиши оқибатида ҳосил бўлган ҳарф бирикмасини тушунамиз. Хат битиш нуқтаи назаридан эса бу сўзга оврупо фанидаги “лигатура” (лотинча – ligare – боғланиш) сўзи мазмунан бирмунча яқин келади. Бироқ аксарият адабиёт ва дарсликларда “лигатура” сўзи “қўшалоқ” (“коф-алиф” –  , “лом-алиф” –  сингари) ҳарфларни ифода қилади” деган маълумотларга дуч келамиз. Ваҳоланки, бу сўз “ўзаро қўшилиб ёзилган бир неча ҳарфлар” маъносини ҳам билдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, араб ёзувидаги “таркиб” (бошқача айтганда “лигатура” – яъни ҳарфларнинг ўзаро қўшилуви) узоқ ва атрофлича мушоҳаданинг маҳсулидир. Чунки араб ёзуvida қўлланилган ҳарф бўлаклари ғоят чукур мантиқ асосида танланганки, уларни кўриш биланоқ биз бутун ҳарфларни кўз олдимизга келтирамиз. Бошқача айтганда, ҳарф бўлаги воситасида бутун ҳарфни “таниймиз”. Араб ёзувининг энг ноёб хусусияти мана шунда! Бу хусусият араб ёзувининг ихчамлиги, равонлиги ва гўзаллигини таъминлайди.

Одатда, араб ёзуvida ўзаро қўшилувчи ҳарф бўлакларини бутун ҳарфлардан икки хил йўл билан ажратиб олинади. Жумладан, бир тур ҳарфларнинг остки қисми (асосан “домана”си) туширилиб қолдирилса, бошқаларидан эса маълум қисм (парча)ларгина ажратиб олинади. Араб алифбосида “домана”си туширилиб қолдириладиган ҳарфлар қуидагилардир:

# ج ج ح خ س ش ص ض ع غ م ى

Бу ҳарфларнинг “домана”си тушириб қолдирилгач, улар мана бундай кўринишга эга бўладилар:

ش س خ ح ظ  
ص ض ع غ م

Қизиги шундаки, биз мана шу бўлакларни кўргач, бу ҳарфларнинг тўлиқ кўринишини мантиқан тасаввур этамиш ва улар ифода этган товушларни талаффуз қиласиз.

Мана бу ҳарфларнинг эса айрим қисм (парча)лари ажратиб (кесиб) олинади. Шунда улар қўйидаги кўринишга эга бўладилар:

ت ش ف گ ز ه  
ظ ط ق ک ل ن

ب د چ گ ی  
ظ ط ق ک ل ن

Ажратиб олинган мана шу бўлакларни сўзнинг маълум жойида келиши “бош ҳарфлар”, “ўрта ҳарфлар” ва “охир ҳарфлар”ни пайдо қиласди. Ҳозирги кўринишида ажратиб олинган бу бўлаклар “бош ҳарф”лар ҳолатидадирлар. Чунки улар настаълиқ хатида сўз бошида келсалар худди шундай ёзиладилар. Аммо сўз бошида келган бу бўлаклар ҳамиша бир (ягона) шаклда эмас, балки баъзи ҳарфлар билан қўшилганда қалам ҳаракати ва ҳуснхат талабига кўра ўзгартирилиб, бир неча шаклларда битиладилар. Буни куйидаги жадвалда аниқ кўриш мумкин.

<i>Кўнидан “бош ҳарфлар”</i>	<i>Чўнбу ҳарфларга кўшиб ёзиланди</i>	<i>шундак шакл оладилар</i>	<i>Мисоллар</i>
ب، پ ت، ش ز، ي	د، ذ ل، گ	-	باب، پدر تندکه، ثابت بانگ
Яна шу ҳарфлар	ج، چ ح، خ	/	بحر، پختе ایجاد، انجام
Яна шу ҳарфлар	ژ، ز، ر	-	برادر، پرده تراق، ایز

Яна шу ҳарфлар	س ش ص ط ع ف ق و		ب بسیار، تشنہ نعمت، یوز نطق، تھف
Яна шу ҳарфлар	م م	ر ر	ب بہار، تہران خ خمر، نمايش
Яна шу ҳарфлар	پ پ ت ت ش ش ن ن س س	ـ ـ	پ پند، پناہ ت تبرکیں، نیزہ ش شبہات
Яна шу ҳارфлار	ی ی	و و	ن نوایی
ـ ـ چ چ خ خ	ل ل ک ک گ گ	ـ ـ ح ح	چ چاہ، حذر جلال، جگر
Шу ҳарфлار	ر ر ز ز ش ش	ح ح	ج حزم، ح


Яна шы харфлар	ب ن ي س ص ط ع ف ق و ه ک گ	خ ج	خبر چنار جسم حصار خط حفظ حکایت چه
Яна шы харфлар	ج چ خ م	ه	حجت پھر حہا ججر
	ک ا ل ک گ	ک	کامگار کلاہ، گلاب
Шы харфлар	ب ر س ض ط ع ف ق ب و ن ي	ک	کب کر کشف فتح گین

Яна шы харфлар	م	ك	کھال کھمان مراہ
	ل ڈ گ	ن	ماہ، نامہ مسہ، ماہ مکتہب مکتب
Шы харф	ب رس ص ط ع ف ق ن و س م ف	م	مہماں، مسکن، مہرو منصبی مطابقی معلم، مقام مفہوم، مندرجہ
Яна шы харф	ج م ک	و	ختار، جھر حملہت

	ا ل د ذ ک گ	ه ه ه	پارادوق پاندا، هدیه
My xarf	ر ش ز	ه ه ه	هزه هزار هزار
Яна шы харф	ب ج س ص ع ق م ن س و	ه ه ه	ہجت سہمازہما ہنسنا ہوشیار ھوس ھنز ھفتہ

Настаълиқ хатида бош ҳарфларнинг бундай ўзгачаликлари қатъий анъана тусига кирган бўлиб, хаттотлар унга ҳамиша амал қилганлар.

Энди мана шу бош ҳарфлар сўз ўртасида келса, улар олдидан (яъни ўнг томонидан) ёрдамчи чизиклар тортилади. Бошқача айтганда, сўз ичидаги бош ҳарфлар ёрдамчи чизиклар воситасида ўзаро бирикадилар.



Хаттотлар бу “ёрдамчи чизик”ларни бир сўз билан “боғлағич” деб юритганлар. “Настаълиқ” хатида “боғлағич”лар асосан икки хил кўринишда назоғи бўладилар.

#### Юқоридан тортилувчи боғлағичлар.

Булар қалам учининг “ваҳший” томони билан ингичка қилиб ҳарфга уланади.



#### Ёндан қўшилувчи боғлағичлар.

Булар эса қаламнинг бор эни (кесими) бўйича тортилиб, бироз юқори кўтариш билан ҳарфга уланади.

Бош ҳарфларнинг “боғлағич”лар билан бу йўсинда уланиб келиши ўрта ҳарфларни пайдо қиласиди. Аммо, сўз ўртасида келган айрим ҳарфлар бош ҳарф ҳолатидаги кўринишдан фарқ қилувчи шаклга киради. Улардаги бу ўзгариш, фикримизча, қалам ҳаракати учун қулагайлик яратиш мақсадида ўтмиш возиъ (тузувчи)лар томонидан амалга оширилган бўлса керак.



Эътиборли ўрни шундаки, араб ёзувида, айниқса, настальик хатида "боғлагич"лар билан "бosh ҳарф"ларнинг туташув нуқталари шу қадар чукур мушоҳада билан бөлгиланганки, бунда ажратиб олинган ҳарф бўллакларини аниқ ўқиш билан бирга, уларни ёзиш қулайлиги ҳам назарда тутилгандир. Аслида ҳам, якка (муфрад) ҳарф бўллакларини ажратиб олиш ва уларни




ўзаро бириктириб ёзишдан кузатилган мақсад араб ёзувининг равонлигини таъминлашга қаратилгандир.

Бош ҳарфлар (яъни, бутун ҳарфлардан ажратиб олинган бўллаклар) билан боғлагичларнинг бирикуви оқибатида ўрта ҳарфлар ҳосил бўлган бўлса, бутун ҳарфлар билан боғлагичларнинг ўзаро қўшилиши оқибатида эса

охир ҳарфлар ҳосил бўлади. Бунда бутун ҳарфлар билан боғлагичларнинг туташув нуқталари ўрта ҳарфларницидан фарқ қилмайди. Бироқ, "охир ҳарфлар" сўз охирида келгани туфайли мазмун мукаммаллигини ифодалаш мақсадида "бош ҳарфлар"да тушириб қолдирилган ҳарф бўллаклари ("домана" ва айрим қисмлар) яна ўз ўрнига қўйилиб ёзилади. "ўрта ҳарфлар"да бошқача шакл олган ("айн" – ﻒ, "ғайн" – ﻂ, "фе" – ﻂ, "қоф" – ﻁ) ҳарфлар ўша "ўрта ҳарфлар"даги ўзгарган ҳолатларини "охир ҳарфлар"да ҳам сақлайдилар. "Домана" ва косалари шу ўзгарган шаклларига уланади.

Бу маълумотлардан кўринадики, араб ҳарфлари сўзнинг уч ўрнида (яъни, сўз боши, сўз ўртаси ва сўз охирида) келиш хусусиятига эгадирлар. Бошқача айтганда, улар




ўнгдан ҳам, сўлдан ҳам бошқа ҳарфлар билан бевосита бирикишлари мумкин. Бундай ҳарфларни илмда “Хуруфи муттасила” (حروف متنفصة), яъни “қўшилган ҳарфлар” деб юритилади. Аммо араб алифбосида шундай ҳарфлар ҳам борки, улар фақат икки ҳолатда (якка (муфрад) ва охир ҳарф ҳолатида) намоён бўладилар. Бундай ҳарфларни илмда “хуруфи мунфасила”, (حروف منفصة) яъни “айрилган ҳарфлар” деб юритилади. “Айрилган ҳарфлар” 7та бўлиб, улар қуидаги ҳарфлардир:

ا-алиф, ئ-доғ, ئـ-зоғ, اـ-је, ئـ-је, ئـ-хе, ئـ-бө

Бу ҳарфларнинг шу туриши “якка” (муфрад) ҳолатидир. Уларнинг охир ҳарф (яъни ўзидан олдинги ҳарфга қўшилган) ҳолати эса қуидагича кўринишга эгадир:

ا ئـ ئـ رـ زـ شـ وـ



“Айрилган ҳарфлар” шу ҳолатда сўз ўртасида келсалар, улардан кейин келган ҳарфлар ё бош ҳарф ёки якка (муфрад) ҳарф ҳолатида ёзиладилар.

Мисол тариқасида келтирилган ушбу сўзда “хуруфи муттасила” бўлмиш “бе” (ب) ҳарфи бош ҳарф (بـ) ҳолатида. Ундан кейин келган “хуруфи мунфасила” (яъни, “айрилган ҳарф”) саналмиш “вов” (وـ) ҳарфи эса охир ҳарф (وـ) ҳолатидадир. Мухими шундаки, бу “вов” ҳарфидан кейин келган “хуруфи муттасила” (“қўшилган ҳарф”) саналмиш “гоф” ҳарфи бош ҳарф ҳолатида (فـ) ёзилган бўлса, сўз охирида келган “нун” ҳарфи ўзидан

олдин келган “вов” туфайли “якка” (муфрад)  – ҳолатидадир. Бу ҳол араб алифбосидаги “хуруфи муттасила” (“қүшилган ҳарфлар”)га хос “таркиб” (ўзаро қўшилиб ёзилиш) қоидасини бирмунча издан чиқаради. Бироқ “хуруфи мунфасила” (айрилган ҳарфлар)нинг фақат бир томондангина бошқа ҳарфларга қўшилиши кўхна набатий ёзувига мансуб қадимий хусусият эканлигини унутмаслик лозим. Чунки кўхна набатий ёзувида ҳарфлар сўз ичидаги асосан бир томондан чизик (“боғлағич”) воситасида бирикканлар. Илк араб ёзувида эса ҳарфларни қўшиб ёзиш (“мураккабот”) анъанаси ғоят кучайганди. Натижада, бир вақтлар набатий ёзувида фақат бир томонлама қўшилувчи кўпчилик ҳарфлар эндиликда, етук араб ёзувида икки томондан бирикиси хусусиятига эга бўлдилар. Юқорида қўриб ўтганимиз 7 та ҳарф эса ўзларининг қадимий бир томондангина қўшилиш хусусиятларини сақлаб қолдилар. Бу ҳарфлар (яъни “хуруфи мунфасила”) ҳамон бошқа ҳарфларга фақат ўнг томондангина қўшиладилар. Ана шу қоидаларга амал қилиб, араб алифбосидаги ҳарфларни сўздаги ўрнига қараб тартибласак қуйидаги жадвал ҳосил бўлади.




Охир харфлар	Үртө харфлар	Бош харфлар	Ёлиң харфлар
ى		ى	ى
ە	ڏ	ە	ە
ڦ	ڙ	ڦ	ڦ
ڻ	ڻ	ڻ	ڻ
ڻ	ڻ	ڻ	ڻ
چ	چ	چ	چ
پ	پ	پ	پ
خ	خ	خ	خ

ف غ ع ظ ط ض ش س ش ز ر ذ د

ف غ ع ظ ط خ ض ش ش ش ش ز ر ف ز د


س ش ح خ ف

فَغَيْرَهُ نَظَرٌ طَبَقٌ ضَصٌّ شِيشٌ سَسٌ  
نَدَدٌ



Араб ёзуvida, айниқса, настълиқ хатида ҳарфларнинг мана шу шаклларини қоидага биноан ўрни-ўрнига қўйиш орқали сўзлар битилади. Мисол тариқасида “халқ” сўзини ёзib кўрайлик. Араб ёзуvida бу сўз уч ҳарф, яъни –“хе”-  
“лом” –  , ҳамда “қоф” –  ҳарфларидан ташкил топади. Жадвалга қараб бу ҳарфларнинг қўшилган ҳарфлар (яъни, “хуруфи муттасила”) 

тоиғасига мансублигини аниқлаб олғач, “хе” ҳарфининг бosh ҳарф шакли (خ) ни ёзамиз. Сүнгра, “лом” ҳарфининг ўрта ҳарф шакли (ل) ни оламиз ва унга “қоф” ҳарфининг охир ҳарф шакли ни (ك) күшамиз. Натижада, күриниш жи ҳатидан ниҳоятда содда, аммо мантиқ жиҳатидан ғоят пухта ушбу манзара ҳосил бўлади:



Аммо сўзлар ҳамма вақт “хуруфи мунтасила” (кўшилган ҳарфлар)дан ташкил топа бермайди. Кўпинча, сўзларда “хуруфи мунфасила” (айрилган ҳарфлар) ҳам аралаш келади:



Баъзан эса сўзлар бутунлай “Хуруфи мунфасила” (“айрилган ҳарфлар”)дан ташкил топган ҳолатлар ҳам бўлади:

رَامِ اَشْدَرِ زَارِ

Мана шу ҳолатларнинг барчаси араб алифбосидаги ҳарфларнинг ўзаро қўшилиши (яъни “мураккабот”) ҳодисасини намоён қилади. Булардан кўринадики, “мураккабот”да ёлғиз ҳарфлардан ажратиб олинган бўлакларининг ўзаро қўшилиб ёзилишигима эмас, балки шу жараёнда бир қатор ҳарфларнинг шакл ўзгаришларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Умуман эса, хат санъатига оид кўлланмаларда (жумладан, Афғонистон таълим ва тарбия вазирлиги томонидан чоп қилинган “Ҳунари хат” – (“Хат санъати”) номли рисолада) “таркиб”нинг икки навъ бўлиши қайд этилади. Булар – “жузъий” – ва “куллий” – таркиб деб юритилади. (Буларни ўзбекчага “қисман” ва “тўлиқ” таркиб деб ағдардик). Ўз навбатида “жузъий” таркиб икки навъдан иборат бўлади. Унинг биринчи навъида сўзлар фақат ёлғиз ҳарфлардангина (бошқача айтганда, “хуруфи мунфасила”дан) тузилади. Иккинчи навъида эса сўзлар “муфрад” ҳарфларнинг ўзаро қўшилиши (бошқача айтганда, “хуруфи муттасила”)дан таркиб топади.

“Куллий” “таркиб”да эса бир қанча сўзлардан шеърий мисралар ё насрый сатрлар таркиб топади. Айни замонда, бу мисра ва сатрларда настаълиқ хатига мансуб ўн икки қоида мужассам топади. (Бу қоидалар хусусида кейинрок тўхталамиз.)

Шундай қилиб, настаълиқ хатида “таркиб” тушунчаси анча кенг маънога эга. Чунончи, бу ёзувдаги “таркиб” атамаси мазмунида ҳарфларнинг айрим нұқталардан ҳосил бўлиши, уларнинг бир неча (элемент)лар бирикувидан тузилиши, якка ҳарфлар ўзаро қўшилиб, бўғин ҳамда сўз вужудга келтириши, ўз ўрнида бу сўзларнинг шеърий мисра ва насрый сатрлар ҳосил қилиши каби маънолар мужассам топгандир. Энг муҳими шундаки, хаттотлар бу тушунчаларни бирваракайига эмас, балки ҳар бирини ўз ўрнида алоҳида-алоҳида фарқлаганлар. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги миллий мактабларда ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи (“Мураккабот”)га жиддий эътибор берганлар. Одатда,

“Мураккабот”га тушган шогирдлар дастлаб факат икки ҳарфни ўзаро қўшиб ёзиш устида машқ қилганлар. Албатта, бу машқлар қатъий тартибда, босқичма-босқич адо этилган. Чунончи, шогирдлар бир ҳарфни, масалан, “син” ҳарфини олиб, уни бир бошдан араб алифбосидаги ҳарфларнинг ҳар бири билан бирма-бир қўшиб ёзишни машқ қилганлар. Бу каби машқларда ҳарфларнинг қўшилиши оқибатида ҳосил бўлган бўғин мазмунига қараганда бу ҳарфларнинг қўшилиши оқибатида ҳосил бўлган шакл биринчи ўринда туради. Зотан, араб ёзувида якка ҳарфларнинг шакли хат турини белгиловчи асосий аломат ҳисобланади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, ўзаро қўшилган бу икки ҳарфларнинг биринчиси бош ҳарф, иккинчиси эса охир ҳарф ҳолатида бўлади. Қўшиб ёзилган ҳарфларнинг мана шу икки ҳолатини билиш хат таълимимда мустақил ёзув сари қўйилган асосий қадам ҳисобланади. Араб ёзувидаги ҳарфларнинг мана шу икки ҳолатини яхши билган шогирдлар мустақил равишда “боғлагич”лар асосида уларнинг учинчи (ўрта ҳарф) ҳолатини чиқара билиш қобилиятига эга бўладилар. Шуни назарда тутиб, ўтмишда айни шу услубда хат

машқыга оид қўлланмалар нашр этилган. Шулардан бири матбаа усулида босилган **رہبر خطا** (“Раҳбари хат”) дафтаридир. (*Расмга қаранг*). Уни “дафтар” дейишимизнинг боиси, шундаки, унда асосан ажратиб олинган (ق, ك) ҳарф бўлаклари сариқ рангда чоп қилинган бўлиб, шогирдлар ўша ёзувга мос йўғонликдаги қалам билан қора сиёҳда уларнинг устидан қалам юритишлари тавсия қилинган. Дафтарда ҳарф бўлакларининг ҳар бири ярим саҳифадан берилган бўлиб, шогирдлар улар устидан тушунган ҳолда қалам юритар эканлар, бу ҳарф бўлакларини мустақил равишда ёзиш малакасини ҳосил қилганлар.

Аммо, ўтмишдаги миллий мактабларда хат ёзишни ўргатиш ва ҳусниҳат машқ қилдиришда асосан **مفروقات** (“Муфрадот”) номи билан чоп қилинган маҳсус кўлланмалар ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Булар:

ёки

## مفروقات مع انشائات ترك مفروقات مع مركبات و سرهشق

(“Муфрадот маа иншооти турки”, “Муфрадот маа мураккабот ва сар машқ”) каби номларда чоп қилинган бўлиб, турли тартибларда тузилгандир. Жумладан, уларнинг баъзилари настаълиқ хатидаги ёлғиз ва ўзаро қўшилган ҳарф бирикмаларидангина иборат бўлса, баъзиларига насх хатидан намуналар, яна бошқа бирларига эса Мирали Табризийнинг хат ҳақидаги шеърий таълими ёки бўлмаса “муқаттаот” – **مقطعات** (яъни қитъалар, қисқа шеърлар) ва муншаот **مشتىق** – (яъни майдароқ насрый асарлар, хатлар тўплами) намуналари илова қилинган. Муҳими шундаки, буларнинг барчаси шогирдларга араб алифбосидаги ҳарф ва ҳарф бирикмаларини қоидали

قَالَ لَهُنَّىٰ عَلَيْهِ الصَّلَاةُ وَالشَّلَاءُ  
مَنْ حَفِظَ فَرُوْنَ وَمَنْ كَثَرَ فَتَرَ

684

Босна и Герцеговина

684

146



"Рахбарни хам" мажк дафтары

ёзиш тартибларини ўргатишни ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйганлар. Бироқ ачинарли ўрни шундаки, бу қўлланмаларнинг мураттиблари ўз рисолаларида хат таълимидан бирор сатр бўлса-да, фикр баён қилмаганлар, балки “... болаларга қалам ушламоқ, қалам юритмоқ ва нуқта қўймоқларини кўрсатмак ҳурматлу муаллим афандилар вазифаларидир. Кашиш ва домана ва баъзи қийинроқларини дикқатсиз, осон кўрсатуб билдуруб машқ қилдурсалар тез фурсатда хатларини қоидалик ва таълимлик бўлуб, ҳар кимға маҳбуб ва марғуб бўлмоғи ақлдан йироқ эмасдур”, деб таъкидлаганлар, холос. Биз эса бу бобда араб алифбосидаги ҳарфларнинг ўзаро қўшилиши (“мураккабот”) жараёнини имкон доирасида мукаммалроқ ифодалашга ҳаракат қиласиз. Бу юмушни шогирдларга янада тушунарлироқ баён қилиш учун ёрдамчи ишора (нуқта, ўқ чизиқ)ларга суюнамиз. Бизнинг баёнимизда саҳифа тўрт катақка бўлиниб, биринчи катақда ажратиб олинган ҳарф бўллаги (яъни бош ҳарф), иккинчи катақда эса ана шу бош ҳарфга қўшилиши лозим бўлган ёлғиз ҳарф келтирилади. Учинчи катақда ҳар иккаласининг қўшилиш жараёни “ўқ чизиқлар” воситасида кўрсатилиб, рақамлар билан тартибланади. Ниҳоят, тўртинчи катақда ҳосил бўлган ҳарф бирикмалари келтирилади. Бироқ бу ерда қўлланган “ўқ чизиқлар” учинчи катақдаги сингари жараённи эмас, балки ана ўша жараён оқибатида ҳосил бўлган ҳарф бўлаклари ва уларни ёзишдаги кетма-кетликни кўрсатишга хизмат қиласиди.

Ана шу “ўқ чизиқлар”ни дикқат билан кузатиш ва пухта ўрганиш оқибатида хуснихат санъатига ҳавасмандлар араб ёзувидаги ҳарф бирикмаларини қоидали ёзиш тартибларидан етарли даражада воқиф бўладилар, деган умиддамиз. Шунингдек, улар биз келтирган намуналарни қўлларига қалам олиб, ҳар бир ҳарф бирикмасини алоҳида-алоҳида ва қайта-қайта кўчириб ёзиб, машқ бажо этмоқларини орзу қиласиз. Зотан, намуналарнинг ёзилиш жараёнини дикқат билан кузатиш ва уни дилда такрорлаш “машқи назарий” бўлса, қўлга

# لەپەپتىغان ئەلىرىنىڭلەن

ئۇغۇزمالۇر ىнстىتۇتى

گۆسمى ىكتىبلار

234



қалам олиб, уларга қиёсан қалам юритиш эса “машқи қаламий”дир.

Бунга яна шуни ҳам илова қилиш керакки, ўз намуналаримизда биз шаклдош ҳарфлардан фақат биттасинигина келтирамиз. Қолганларини эса ҳавасмандларнинг ўzlари мустақил равишда мазкур намуналарга суюнган ҳолда битиб, машқ қилмоқлари матлубдир.










لہبما  
ا ب پ پ ت ت ش  
ج ح ح خ د ذ ر ز ش  
س ش ش ص ض ط ظ  
ع غ ف ف ق ک ک ل م

# ن و ھەھە لای

Ушбу алифбодаги ҳарфлар тубандаги тартибда ўзаро кўшуулурлар.

ب			
Ҳарф бификмаси	Қўшилиш жараёни	Ёлинг ҳарф	Бош ҳарф
ب	ب	ب	ب
ب ب	ب ب	ب	ب
ج	ج	ج	ج
ج ج	ج ج	ج	ج
د	د	د	د
د د	د د	د	د
ر	ر	ر	ر
ر ر	ر ر	ر	ر

س	ش	ب
ص	ط	ب
ع	ف	ب
ق	ک	ب
ل		ب

           	<p>م</p> <p>م</p> <p>ن</p> <p>و</p> <p>و</p> <p>و</p> <p>و</p> <p>ا</p> <p>ا</p> <p>ي</p> <p>ي</p>
<p>Киңека жүйелиппүү</p>          	<p>م</p> <p>م</p> <p>ن</p> <p>و</p> <p>و</p> <p>و</p> <p>و</p> <p>ا</p> <p>ا</p> <p>ي</p> <p>ي</p>

نیتکریغ بل رز امام کرنی بسکھو ه ملا نیت

بنج بدمبر بر بنی سکھی خلیفہ

## Э с л а т м а :

“Бо” (бө) – ب җарғининг араб алифбосидаги бошқа харфлар билан юқорида кўрсатилган тартибда ўзаро қўшилишини тўлиқ ўргангандан ҳуснихат ҳавасмандлари табиий равишда унга шаклдош бўлган

ب پ ت ش

ҳарфларнинг ҳам бошқа ҳарфларга қўшилишини билиб оладилар. Чунки бу ҳарф-бирикмаларида ё пастдаги нуқталар сони оширилади ёки бўлмаса юқорисига биттадан тортиб учтагача нуқталар қўйилади.

Шунингдек, “нун” – ن ва “ёй” – ی ҳарфларининг ҳам бошқа ҳарфларга қўшилишида нуқталар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак. Бунга қўшимча равишда юқорида биз келтирган айrim ҳарфларнинг шакл ўзгариш жадвалига эътибор бериш лозимдир.





Масалан:

تېركىي، ثابت، بھرہ





ج

қарғынинің құшилиши

Харф бүркеси	Күшилиш жарабети	Әмбэз харф	Бош харф
		ا	؟
		ب	؟
		ج	؟
		د	؟
		ر	؟
		ز	؟
		ڭ	؟

ج	ج	س	ش	ص	ط	ع	ف	ق	ک	ل
ج	ج	س	ش	ص	ط	ع	ف	ق	ک	ل
ج	ج	س	ش	ص	ط	ع	ف	ق	ک	ل
ج	ج	س	ش	ص	ط	ع	ف	ق	ک	ل
ج	ج	س	ش	ص	ط	ع	ف	ق	ک	ل




م	ج
ن	ج
و	ج
(ج)	ج
(هـ جـ)	ج
ا	ج
سـ	ج
لـ	ج

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ  
رَبِّ الْعَالَمِينَ

## Э с л а т м а :

“Жим” –  ҳарфининг араб алифбосидаги бошқа ҳарфларга қўшилишини яхши ўзлаштирган ҳавасмандлар бу ҳарфга шаклдош бўлган



ҳарфларнинг ҳам бошқа ҳарфларга қўшилиш амалини бемалол адо эта берадилар. Чунки бу ҳарфларнинг қўшилиши ҳар томонлама “жим” ҳарфи қўшилишининг айнан ўзи бўлиб, фақат нуқталарнинг ўрни ва сони билан фарқ қиласди, холос.

Масалан:
















س

харфининиң көшилиши

Харф бүркмасы	Көшилиш жағаёни	Әмбэз харф	Бош харф
		س	س
		ب	ب
		ج	ج
		د	د
		ر	ر
		س	س
		ش	ش

ص



 	 	<p>ن</p> <p>و</p> <p>ه</p>	<p>س</p> <p>س</p> <p>س</p>
 	 	<p>ه</p> <p>(ه)</p> <p>ه</p>	<p>س</p> <p>س</p> <p>س</p>
 	 	<p>ه</p> <p>(ه)</p> <p>ه</p>	<p>س</p> <p>س</p> <p>س</p>
 	 	<p>ه</p> <p>ه</p> <p>ه</p>	<p>س</p> <p>س</p> <p>س</p>
 	 	<p>ه</p> <p>ه</p> <p>ه</p>	<p>س</p> <p>س</p> <p>س</p>
 	 	<p>ه</p> <p>ه</p>	<p>س</p>

سے۔  
جس سرور  
کی کشیدہ  
سماں میں  
میں مل میں گوئیں۔

بھائی  
کی کشیدہ  
سماں میں  
میں مل میں گوئیں۔

Эслатма:

Мана шу жадвал бўйича “син” –  ҳарфининг бошқа ҳарфлар билан қўшилишини қунт билан ўрганган ҳавасмандлар табиий равиша “шин” –  ҳарфининг ҳам қўшилишини ўзлаштирадилар.


Шу нуқтаи назардан биз “син” ҳарфининг қўшилиш жараёнини янада яққолроқ намоён қилмоқ ниятида «бош» ҳарф ҳолатидаги “син”ларни махсус равиша йўғонроқ ёздиқ ва айрим ўринларда бир оз қоидага хилоф келса-да, уларни ортиқчароқ бўлакларга ажратдик. Бундан кўзланган мақсадимиз “син” ҳарфининг қўшилиш жараёнидаги энг нозик кирраларни ҳам кўрсатишга интилишдан иборат бўлди.


Аслида эса хаттотлар “син” ҳарфини ёзганда биз каби йўғон қилиб эмас, балки ниҳоятда ингичка қилиб ёзишга ҳаракат қилганилар. Бунда улар қаламнинг унсий учидангина эмас, ҳатто ваҳший учидан ҳам фойдаланганлар.

Масалан:



Баъзи ҳолларда хаттотлар “син” ҳарфининг ўзинигина эмас, балки ҳарф бирикмаларини ҳам ингичка қилиб ёзганлар. Бу жихатдан “син” билан “ҳойи ҳожибий” –  нинг ўзаро қўшилиб ёзилиши эътиборлидир.

Шунингдек, хаттотлар “син” (ёки “шин”) ҳарфини чўзиб ёзишга ҳам алоҳида аҳамият берганлар. Масалан, “эски” сўзидаги ҳарфларни аслида  шаклида ёзиш мумкин. Аммо, хаттотлар қалам ҳаракати ва ёзув нафосатини назарда тутиб, бу сўзни мана бундай шаклда чўзиб ёзганлар:



















Шунингдек, хаттотлар бир сўзда иккита “син” келса, улардан бирини албатта чўэзид ёзишга ҳаракат қилгандар. Бундай ҳолни “сарсон” сўзининг ёзилишида аниқ кўриш мумкин.

## Сарсон - سرسان

Умуман, “син” ҳарфини ҳар томонлама ўйлаб ёзишни маслаҳат берамиз.

Ҳарф бўйикласи	Қўшилиш ҳарфасини	Ёлинз ҳарф	Бош ҳарф
		س	س
		س	س
		س	س
		س	س
		س	س
		س	س
		س	س
		س	س

        	        	م ن و ه (ه) ه، ه ه ه ل س ك	ه ه ه ه ه ه ه ه ه ه
--	--	--	--

لهم إني أنت عدو  
أنا محبك و أنا مبغضك  
أنت عدو كل محب لك  
أنت مبغض كل مبغضك

## Э слатма:

Юқорида жадвал бўйича “сад” – ҳарфининг қўшилишини ўрганган ҳавасмандлар бевосита “зод” – ҳарфининг ҳам қўшилишини ўрганадилар. Лекин, “сад” ҳарфининг қўшилишидаги мураккаб ўринлардан бири унинг “маркази”ни қоидали чиқара билишдир. Одатда, хаттотлар бу “марказ”ни талабга муносиб равишда чиқармоқ учун ёзув жараёнида “сад” бўйнининг охирига келгач, қаламнинг унсий учини оҳисталик билан қофоз юзасидан кўтарадилар. Натижада, қоидалик “марказ” ҳосил бўлади. Қаламнинг унсий учини қофоз бетидан кўтармоқ учун эса қаламни секин-аста ўнг томонга бураш лозимлиги олдинги бобда айтилган эди.

“Сод”нинг қўшилишидаги иккинчи аҳамиятли ўрин “боғлагич”ларни ўз ўрнида қўллашдан иборатдир. Чунки “сад”нинг қўшилишида деярли уч хил – (, , ) боғлагичлар қўлланади ва уларнинг ўрнини алмаштириш эса асло мумкин эмас.

“Сод”нинг  
маркази



**б**  
**харфининің күшиліши**

Харф бірнешесі	Күшиліш жағаєни	Білік ұ харф	Бош харф
		1	б
		ب	ط
		ج	ط
		د	ط
		ر	ط
		ر	ط
		س	ط

ش	ط
ص	ط
ط	ط
ع	ط
ف	ط
ق	ط
ك	ط
ل	ط
م	ط

 <b>ط</b>	 <b>ن</b>	 <b>م</b>
 <b>ط</b>	 <b>د</b>	 <b>ط</b>
 <b>ط</b>	 <b>ه</b>	 <b>ط</b>
 <b>ط</b>	 <b>ه</b>	 <b>ط</b>
 <b>ط</b>	 <b>ل</b>	 <b>ط</b>
 <b>ط</b>	 <b>ي</b>	 <b>ط</b>
 <b>ط</b>	 <b>ك</b>	

جذبها، طلب  
الله عزوجل،  
فلا ينفعه

طريق  
نحو طلاق  
والله عزوجل.

## Э слатма :





Бу жадвал асосида ҳавасмандлар “зо” – **ъ** ҳарфининг ҳам бошқа ҳарфларга қўшилишини ўрганишлари табиийдир. Одатда, “то” ҳарфининг қўшилиши ниҳоятда осон кўринса-да, унинг маълум мураккабликлари мавжуддир. Шунинг учун ҳавасмандлар жадвалда келтирилган тартиботларни диққат билан ўрганиб, ҳарф бўлакларини ёзишдаги кетма-кетликка ҳамиша амал қилим оқлари позимдир.

Шунингдек, **ъ** ҳарфи “мураккаботи”да ҳам боғлағичлар турлича бўлиб (**ъ**, **ъ**, **ъ**) уларни бирбири билан алмаштириш мумкин эмас. Бунинг устига **ъ** ҳамма вақт бутун ёзилади, лекин баъзи ҳолларда у ярим ҳарф ҳолатида ўзга ҳарфларга қўшилаётгандек кўринади. Бундай ҳолатни биз **ъ** ҳарфининг **ъ** каби ҳарфларга қўшилаётганида **ъ** кўрамиз. Чунки ҳақиқатан ҳам бу ўринларда **ъ** ни нг “тана”си(**ъ**) ва “қоши”(**ъ**) ўзаро бириккан ҳолда(**ъ**) иштирок этади. Аслида эса бундай кезларда **ъ** нинг “ости” (**ъ**) боғлағичларга қўшилиб кетаётганилигини унумаслик лозим.







ع

харғынини құшилиши

Харф бүрекласы	Құшилиш жағдайы	Әмбезд харф	Бош харф
		ا	ع
		ب	ع
		ج	ع
		د	ع
		ر	ع
		ز	ع
		س	ع

<p>ش</p>	٦
<p>ص</p>	٦
<p>ط</p>	٦
<p>ع</p>	٦
<p>ف</p>	٥
<p>ق</p>	٥
<p>ك</p>	٥
<p>ل</p>	٥
<p>م</p>	٥

 <b>م</b> <b>مِنْ</b>  <b>ن</b> <b>وَنْ</b>  <b>و</b> <b>وَهُوَ</b>  <b>ه</b> <b>هُوَ</b>  <b>ز</b> <b>زِيَادَةً</b>  <b>ل</b> <b>لِلْأَنْ</b>  <b>ي</b> <b>يَقْرَأُ</b>  <b>ك</b> <b>كَانَ</b>	 <b>م</b>  <b>ن</b>  <b>و</b>  <b>ه</b>  <b>ز</b>  <b>ل</b>  <b>ي</b>  <b>ك</b>	<b>م</b> <b>ن</b> <b>و</b> <b>ه</b> <b>ز</b> <b>ل</b> <b>ي</b> <b>ك</b>
---	---	--

فَلَمْ يُنْهِ عَنْ دِرْبِهِ  
عَنْ دِرْبِهِ لَمْ يُنْهِ  
لَمْ يُنْهِ عَنْ دِرْبِهِ فَلَمْ يُنْهِ

لَمْ يُنْهِ عَنْ دِرْبِهِ  
عَنْ دِرْبِهِ لَمْ يُنْهِ  
لَمْ يُنْهِ عَنْ دِرْبِهِ فَلَمْ يُنْهِ

## Э слатма:

Ушбу жадвал асосида Ҳарфининг қўшилиш қоидаларини пухта ўргангандан ҳавасмандлар Ҳарфининг ҳам қўшилиш қоидаларидан мукаммал хабардор бўладилар. Аммо, жадвалга эътибор бериб қаралса, бош ҳарф ҳолатидаги “айн” – Ӣ нинг икки хил кўринишда намоён бўлаётганини сезиш мумкин. Ўтмишда хаттотлар бу “айн”ларни фарқлаш мақсадида уларнинг бирини “шер жағ”, иккинчисини эса “аждар жағ айн” деб юритганлар ва буларни қай пайтда ёзиш лозимлигини яхши билганлар. Жумладан, “айн”дан кейин келадиган ҳарф “таҳрики сууд” – تحریک صاعد (яъни қаламнинг пастдан юқорига ҳаракати)ни талаб қилса, “аждар жағ айн” ҳосил бўлади. Бундай ҳол, “айн”нинг Ӣ, Ӣ, Ӣ ҳарфлари билан қўшилишида намоён бўлади.



**ۋ**  
خاффининىڭ كىشىلىши

خاфф бүркмаси	Кىشىلىش жафаёни	Ёлиز خاфф	Бوش خاфф
		ا	ف
		ب	ف
		ج	ف
		د	ف
		ر	ف
		ر	ف
		س	ف

ف

ف ف

ف ف

ف ف

ف ف

ف ف

ف ف

ف ف

ش

ص

ط

ع







ف

ق

ك

ل

م




		<p>م</p>	<p>ف ف ن</p>
		<p>و</p>	<p>و ف ف</p>
		<p>ه</p>	<p>ه ه ف</p>
		<p>ل</p>	<p>ل ف ف</p>
		<p>ي</p>	<p>ي ف</p>
		<p>ك</p>	<p>ك ف</p>

فَنْزِلْتُ فِي  
فَنْزِلْتُ فِي

## Э с л а т м а :

Ушбу жадвал асосида “фе” (фо) – **ف** харфининг ёзилиш таълимидан **ف** бохабар бўлган хавасмандлар бевосита “қоф” – **ق** харфининг ҳам бошқа ҳарфларга қўшилишидан хабар **ق** топадилар. Зотан, бош ҳарф ҳолатида келган “фе” (фо) – **ف** нинг тепасидаги нуқта иккилантирилса у “қоф” – **ق** га айланади. Бироқ шуни унумаслик керакки, “фе” **ف** ва “қоф” ҳарфлари ўрта ҳолатда келганда шакл ўзгарувчи ҳарфлар сирасига киради. Чунки бу ҳарфлар “бош ҳарф” ҳолатидаги шакли **ف**, **ق** дан фарқли ўлароқ, думалоқ шакл **ف**, **ق** оладилар ва ўзаро нуқталар орқали фарқ қиласидилар. Аммо сўз охирида келган бу ҳарфларнинг “лагани” ва “косаси” (доманаси) ўз ҳолича тортилишини унумаслик керак.










**ف - ف - ف**  
**ق - ق - ق**





Ж

харғынинің құшилышы

Харф бүркімасы	Кұшилыш жағаёни	Әмбэз харф	Бош харф
		Ж	
		Д	
		Р	
		С	
		М	
		А	
		Е	
		И	
		Ө	
		Ү	

       	       	<p><b>س</b></p> <p><b>ش</b></p> <p><b>ص</b></p> <p><b>ط</b></p> <p><b>ع</b></p> <p><b>ف</b></p> <p><b>ق</b></p> <p><b>ک</b></p>
---	---	---





Эслатма:

Юқоридаги жадвал асосида “коф” – қарфанинг таркиби (бирикиши, қўшилиши) таълимини машқи қаламийда адо этган ҳавасмандлар айни замонда “лом” – ҳарфанинг ҳам “таркиби”ни машқ қиласилар. Чунки юқоридаги ҳарф бирикмаларидан “коф”нинг “қўли” тушириб қолдириса, “лом” – ҳарфи иштирокидаги ҳарф бирикмаси ҳосил бўлади.

Аммо, бу ўринда “кофи долий” – билан битилган ҳарф бирикмаларида алоҳида ўзгариш рўй берадики, ҳавасмандлар бунга эътибор беришга мажбурдирлар. Чунки, “кофи долий” билан бошланган “коф-алиф” – 6, “коф-коф” – 6, “коф-лом” – 6, “коф-лом-алиф” – 6, каби ҳарф бирикмаларидаги “коф”ларнинг “қўллари”ни тушириб қолдирисак, мана бундай ҳарф бирикмалари ҳосил бўлади:




Кўриниб турганидек, бу бирикмалардаги биринчи ҳарфни “лом” деб бўлмайди, албатта. Уларни “лом” дейиш учун эса ана ўша “эгик алифлар”ни (агар шундай дейиш мумкин бўлса) тиклаш, яъни тўғри ёзиш лозимдир. Шунда “лом” ҳарфи иштирокидаги ушбу ҳарф бирикмалари ҳосил бўлади:

# И К Л М

Настаълиқ хатидаги бундай ўзгачаликлар асло араб алифбосининг камчилиги эмас, балки унинг етуклигидир. Зотан, бу ёзув бевосита ҳавасмандлар диди ва мантиқ қувватини ҳисобга олиб тузилганки, уни ёзаётганда ҳавасмандлар кўр-кўrona қалам сурибгина қолмайдилар, балки чуқур мантиққа суюнган ҳолда ижодий фаолият билан машгул бўладилар.

Бу ҳол, биринчи томондан ёзувга нафосат бағишиласа, иккинчи томондан эса хаттотга ширин кайфият баҳш этади.











م

خاффинин құшилиш

Хафф бүркмасы	Кұшилиш жараёни	Әмбэ хафф	Бош хафф
ل	ل ل ل	ل	ل
ج	ج ج ج	ج	ج
د	د د د	د	د
ر	ر ر ر	ر	ر
س	س س س	س	س

<p>ش</p>	<p>م</p>
<p>ص</p>	<p>م</p>
<p>ط</p>	<p>م</p>
<p>ع</p>	<p>م</p>
<p>ف</p>	<p>م</p>
<p>ق</p>	<p>م</p>
<p>ک</p>	<p>م</p>
<p>ل</p>	<p>م</p>
<p>م</p>	<p>م</p>

        	        	<p><b>م</b></p> <p><b>ن</b></p> <p><b>و</b></p> <p><b>ه</b></p> <p><b>ح</b>, <b>ه</b></p> <p><b>ه</b>, <b>ه</b></p> <p><b>ل</b></p> <p><b>ل</b></p> <p><b>ل</b></p>	<p><b>م</b></p> <p><b>ن</b></p> <p><b>و</b></p> <p><b>ه</b></p> <p><b>ح</b></p> <p><b>ه</b></p> <p><b>ل</b></p> <p><b>ل</b></p> <p><b>ل</b></p>
--	--	---	---

لر می خواهند که می خواهند  
که می خواهند که می خواهند  
که می خواهند که می خواهند  
که می خواهند که می خواهند

می خواهند که می خواهند  
که می خواهند که می خواهند  
که می خواهند که می خواهند  
که می خواهند که می خواهند

## Э с л а т м а :









“Мим” – ⚡ ҳарфи араб алифбоси асосидаги миллий ёзувимизда ғоят күп қўлланадиган ҳарфлардан биридир. Бироқ бу ҳарф шу вақтгача кўриб келганимиздек, шаклдош ҳарфлар сирасига эмас, балки якка ҳарфлар (яъни нуқталар ва бошқа қўшимчалар воситасида янги ҳарф ҳосил қилиб бўлмайдиган ҳарфлар) сирасига киради. Шунинг учун ҳам хаттотлар бу ҳарфга ўзгача меҳр қўйиб, турли ёзувларда унинг бир қатор шаклларини яратганлар. “Мим” ҳарфининг настаълик хатидаги турлари (“очиқ мим”, “ёндама мим”, “чўзма мим”, “туташма мим”) хусусида олдинги бобда сўз юритган эдик. Агар бошқа ёзув (жумладан, сулс, насх, девоний ва бошқа)ларга ҳам назар ташласак, “мим” ҳарфининг кўринишлари анчагина эканлигидан воқиф бўламиз.



















































































































Уумман, хаттотлар “мим” ҳарфини хат турларидан келиб чиқиб, турли шаклларда қўллаганлар. Аммо барча ҳолатларда ҳам хат таълимига содик қолганлар. Муҳтарам ҳавасмандларимиз ҳам бу ҳарф бирикмасини ёзаётганларида атрофлича мулоҳаза билан қалам сурмакларини маслаҳат берамиз.



0  
харғынин күшилиши

Харғ бірлікласы	Күшилиш жағасы	Әлиң харғ	Бош харғ
		Л	Л
		Б	Б
		Ж	Ж
		Д	Д
		-	А
		-	Е
		С	С

        	ش	ج
        	ص	ه
        	ط	ه
        	ع	ه
        	ف	ه
        	ق	ه
        	ک	ه
        	ل	ه
        	م	ه

        	        	م	م
        	        	ن	ن
        	        	و	و
        	        	ه	ه
        	        	ل	ل
        	        	ر	ر
        	        	س	س
        	        	د	د
        	        	ز	ز
        	        	ژ	ژ

هونکه  
بلم کار  
آنگه میتو مده  
بجه یاری  
بزم

بینج  
بنج بدمزه  
مشهد  
سلیمانیه  
بمعجزه

## Э слатма :

Наастаълиқ хатидаги “Хойи-ҳавваз”-  ҳарфи ва унинг турларини қандай ёзиш ҳақида олдинги бобда сўз юритган эдик. Бу ерда эса “хойи-ҳавваз”нинг бошқа ҳарфлар билан кўшилишини кўриб чиқдик.

Бизга маълумки, наастаълиқ хатида “хойи-ҳавваз” сўз бошида келса, кўпинча унинг “хойи марказий” -  тур и қўлланади. Шунга кўра жадвалдаги биринчи катакда фақат “хойи марказий” көлтирилди. Воҳоланки, унинг бошқа турлари ҳам келтирилиши мумкин. Бироқ “хойи-марказий” -  ўз аломати-  билан хатга ўта мулойимлик баҳш этади. Шунинг учун ҳам хаттотлар “хойи марказий”ни мароқ билан ёзганлар ва ҳамиша унинг аломатини битишдан эринмаганлар.

Умуман, муҳтарам ҳавасмандлар ҳам “хойи ҳавваз” ҳарфи ва унинг бошқа ҳарфларга кўшилишини ўрганиш машқларида ўтмиш устодларнинг табаррук йўлларини тутадилар, деб умид қиласиз.




Шундай қилиб, бу бобда асосан “мураккабот”-  , яъни араб алифбосидаги барча ҳарфларни ўзаро қўшиб ёзиш хусусида сўз юритдик. Чунки араб ёзувида ҳарфларнинг ўзаро қўшилиши, айтиб ўтилганидек, баъзи ёзувлардаги каби якка ҳарфларни ёнма-ён кўйиб, қаторлаштиришдан иборат эмас. Шунинг учун ҳам бу жараённи имкон доирасида батафсилроқ баён қилишга уриндик. Лекин, барибир, асосий меҳнат ҳавасмандларнинг ўзларида қолади. Негаки, улар бу бобда икки ҳарфнинг ўзаро қай йўсинда бирикуви борасида аниқ тасаввурга эга бўлишлари билан бир қаторда наастаълиқ хатида ўзаро қўшилаётган ҳарфларнинг шакл ўзгаришларини ҳам мукаммал билишлари лозимдир. Шунинг учун ҳавасмандлардан юқорида келтирилган назарий баёнларни дикқат билан ўқиб, қаламий машқларни эса эринмай адо этишларини илтимос қиласиз. Акс ҳолда, кейинги бобда

настайлық хатида көлтирилладиган матнларни хат нүктай назаридан онгли равищда тушуниб күчиришга ожизлик қилиб қоладилар. Шунинг учун ҳам бу ерда буюк хаттот Султон Али Машҳадийнинг ушбу сўзларининг мағзини чақиш ва унга ҳамиша риоя қилмоқликни маслаҳат берамиз:

قلمدикىت قاغنۇڭ كاپاشس اوْرۇق لازىم  
بۇشىس كاتتونو كون يۈز بۇرۇق لازىم

*Каламдек қоюзга бوش үрмөк лөзим,  
Бу ишта түнүү күп төз бүрмөк лөзим.*





“Муқаттаот” (مُقْطَعٌ) сўзи араб тилида “қитъалар, қисқа шеърлар, парчалар” маъноларини англатади. Аммо хаттотликда бу сўз хат машқининг “хатм”и (яъни охирига етказилиши, тамомланиши) маъносида қўлланади. Худди шу маънода ҳусниятга оид аксарият қўлланма (“Муфрадот”)ларда ушбу байт келтирилади:

Мазмуни:

Гар сен хоҳласанг ҳусни хат таҳсилини,  
Муқаттаотда деб бил анинг хатмини.

Байт мазмунидан кўринадики, ҳусни хат санъатини эгаллашда муқаттаот асосий тажриба майдонидир. Чунки муқаттаотда ҳавасмандлар ўзларининг олдинги боблардан олган билимларини амалда синааб кўрадилар. Шунинг учун ҳам муқаттаотда ҳусни хат санъатига мансуб якуний қоидалар мужассам топгандир.

Буюк хаттот Яқут Мустаъсимий (Х аср) “Муқаттаот”да амал қилиниши лозим бўлган ва айни пайтда ёзув асосини ташкил қилган бош қоидаларни қуйидаги мисраларда санаб кўрсатади.

# اصول و ترکیب کراس و نسبتہ صعود و شیمیہ نزول ارسال

Усулун ва таркибун, куррасун ва нисбатун,  
Суудун ва ташмирун, нузулун ва ирсолун.

Мұхыми шундаки, бу байтдаги ҳар бир сүз настаълиқ хатига мансуб ёзув қоидаларини ифодалайды. Хат устодлари бу қоидаларни күйидагича шарҳлайдилар:

1. “Усулун” – **أصل** – яъни “усул”. Араб тилида “ҳар бир илмнинг асоси” ва туб қоидалари маъносини англатувчи бу сүз хаттотликда котиб томонидан ёзилажак хат (ёзув) турининг асл асоси, яъни бош қоидалари (асосий принциплари) маъносини ифода қиласи. Бошқача айтганда, “усул” дейилгандан араб ёзувидаги ҳарфларнинг бўлаклари ҳамда айрим қисмларини битиш жараёнидаги қалам ҳаракати тушунилади. Аммо қаламнинг бу ҳаракати араб ёзувидаги хат турлари (насх, настаълиқ, сұлс ва ҳ.к.лар)ни битишдаги анъанавий талаб ва ўлчамларга риоя қиласи. Акс ҳолда, усул бузилади ва аниқ хат турлари намоён бўлмайди. Шунинг учун ҳам ахли хат “усул”ни хаттотлик санъатининг руҳи ёки қаймоги деб биладилар ва ўта нозик дид билан уни идрок қиласидилар.



Хат санъатига ҳавасмандлари эса бу ўринда асосий өътиборларини настаълиқ хати ва унга мансуб анъаналарни пухта ўрганиш ҳамда уларга қатъий амал қилишга қаратмоқлари лозимдир.

**تَرْكِيب** – яъни “таркиб”. Араб тилида “бириктириш”, “бирикма” маъносидаги бу сўз хаттотликда араб алифбосидаги ҳарфларнинг сўзнинг қайси ўрнида келишига кўра ўзаро бирикиши ёки қўшилишини ифода қиласди. Хаттотликда “таркиб”га катта аҳамият берилади, чунки тўғри битилган “таркиб”, тўғри маъно англатади. Айни замонда эса тўғри битилган «таркиб» хаттот таълим мининг тўғрилиги ва санъатининг мукаммаллигидан далолат беради.


Шунингдек, хаттотликда юксак аҳамиятга молик бўлган “таркиб” мумтоз адабиётимизда бир қатор “хат суратига тааллуқлуғ гўзалликлар”ни майдонга келтиради. Бу хусусда Атоуллоҳ Ҳусайнининг “Бадойиъ-с-санойиъ” (Аруз вазни ва бадиий воситалар ҳақида), (Форсчадан Алибек Рустамов таржимаси, Тошкент, F.Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1981, 92-102 бетлар) номли мұтабар асарида мукаммал маълумотлар ва мисоллар берилгандир.

Аммо хаттотликка мансуб рисолаларда: “Настаълиқ усулидаги хатда “таркиб” икки навдан иборатдир” деб баён қилинади. “Булар “жузъий” ва “куллий” таркиблардир. Ўз ўрнида “жузъий” таркиб яна икки навга бўлинади. Буларнинг биринчиси ҳарф бўлакларидан ёлғиз (муфрад) ҳарфларнинг шаклланиши бўлса, иккинчиси эса, ана ўша ёлғиз ҳарфларнинг бирикишидан сўзларнинг вужудга келишидир.

“Куллий” таркиби эса бир неча сўзлар воситасида шеърий мисра ёки насрый сатрларнинг анъанавий тартибларга амал қилган ҳолда зўр нафосат билан тартибланишидан иборатдир. Хат санъатига ҳавасмандлар бу қоидаларни фақат назарий жиҳатдангина эмас, балки амалий жиҳатдан мукаммал билмоқлари ҳам фарз, ҳам қарзdir. Акс ҳолда, асрлар мобайнида ҳаёлий равишда жило топган нафис анъанани қалам воситаси билан қофоз саҳифасида гўзал равишда амалиётта ошириб бўлмайди.

3. “Куррасун” –  – яъни “куррас”. Аслида бу сўз “курси” (тахт, минбар, хонтахта, паст стул) сўзининг кўплиги бўлиб, хаттотлиқда “бир текислик” (параллель) ва “мутаносиблик” маъноларини ифода қиласди. Бунда бир хил шакл ва катталиқда ёзилган ҳарфларнинг сатр ўртасига нисбатан жойлашуви назарда тутилади. Манбаларда кўрсатилишича, (Қози Аҳмад), қадимда хаттотлар беш хил “курси”ни фарқлаганлар. Бу “курсилар” сатрда худди нота чизиги каби беш қатор бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳарфлар жойлаштирилган. Бу ҳолни олдинги бобдаги ҳарф бирикмаларининг умумий жадвалларида аниқ кўриш мумкин. Чунки бу жадвалларда айрим ҳарфлар юқори, ҳатто устмас-уст ёзилган ўринлар ҳам бор. Шунинг учун ҳам араб ёзувига нисбатан “бир чизикда ёзилган” деган иборани қўллаш унчалик тўгри эмас. Юқорида айтилганидек, араб ёзуви чизикқа эмас, балки сатрга битилади. Сатрда эса беш қатор “курси” бордир ва у “курси”ларга маълум ҳарфларгина битилади. Бу ҳол ҳарфларнинг айрим бўлакларини ҳамиша бир хил ўлчамда (масалан: “нун” – , “сад” – , “син” – , ҳарфларни сарфлари –  “домана” сининг оралиғи уч нуқта миқдорида каби) ва бир “курси”да (яъни ўзаро бир текис) ёзишни тақазо қиласди. Бу нарса табиий равишда хат нафосатини таъминлайди.

Бошқа бир манбада (“Хунари хат”) кўрсатилишича, “курси” барча хат турларида бир хил бўлиб, ўзгаришга учрамайди. Нуқталар ва ҳарфлар мисраларда бўлсин ёки сатрларда бўлсин, бирдек ўхашаш бўладилар. Уларнинг бир-бирига яқинликлари ҳам баробар бўлади.

4. “Нисбатун” –  – яъни “нисбат”. “Ўхашаш”, “муқояса” маъносидаги бу сўз хаттотлиқда ҳарф ҳамда ҳарф бўлаклари ўртасидаги ўзаро муносабатни ҳам ўлчов ва ўрин (жойланиши) жиҳатидан ифода қиласди. Бу муносиблиқда, албатта, ҳарф ва ҳарф бўлакларининг ўлчамлари ва айни

замонда уларнинг ўзаро кўшилиши (яъни “таркиби”) назарда тутилади.

“Хунари хат”да кўрсатилишича, шеърий мисраъ ёки сатр тарзидаги ёзув “хафий” (майда) ва ёки “жалий” (йирик) суратда битилган бўлса, киши назарида бир хил мутаносиблик нафосатини намоён қилади. Шунга кўра ҳақиқий ёки етук хатдаги сўз ва сатрлар ҳамиша ўзаро мутаносиб ёки уйғун бўладилар.

Шунингдек, хаттотлиқда “нисбат” атамаси сатрнинг тасвирий жиҳати (яъни ҳарфларнинг баланд-паст ёки узун-қисқа ёзилиши оқибатида ҳосил бўлган сатрнинг умумий кўриниши, бошқача айтганда композицияси) билан қофоз оқлиги ўртасидаги муносабатни ҳам ифода қилади.


Умуман, настаълиқ хатида “нисбат” ҳарфларнинг катта-кичклиги ҳамда баланд-пастлигини ҳисобга олиб сатр узра жойлаштиришда нафосат жиҳатидан бекиёс аҳамиятга молик қоидалардан бири бўлиб, у бевосита хаттотнинг диди ва заковатига боғлиқдир.

5. “Суудун” – яъни “сууд”. Араб тилида “баландлатиш”, “юқори кўтариш” маносидаги бу сўз хаттотлиқда қаламнинг пастдан юқорига томон ҳаракатини ифода қилади. Одатда, қаламнинг бу ҳаракатида учининг унсий томони фаол иштирок этади. Агар араб ёзувини битишда “сууд” энг асосий қалам ҳаракатларидан биридир, десам муболага бўлмайди. Чунки аксарият ҳарфлар шу ҳаракат асосида битилади ёки уларнинг айрим бўлакларини битишда шу ҳаракат адо этилади.

Бунда баъзи ҳарф бўлакларидаги сингари қалам ҳаракатининг оҳири думалоқ бўлиб тугамайди. Дарҳақиқат, қалам ва унинг ҳаракати ҳақида муфассал билимга эга бўлган хаттотларда “сууд” ҳамиша аввал баён қилинган қиялик ( $60^0$ ) қоидасига мутаносиб равишда тугал топади. Шунингдек, “сууд” воситасида битилган ҳарф ва ҳарф бўлаклари ҳамма вақт “нисбат” қоидасига мувофиқ равишда бирдек тик (вертикаль)ликка эга бўладилар.

Бироқ баъзи манбаларда (“Ҳунар хат”) “сууд”нинг тамомила тўғри кўтарилимаслиги ҳам мумкинлиги қайд этилади. Чунончи, бир қатор ҳарф доираларининг охири каби сал қияроқ кўтарилиган “сууд” намуналари ҳам мавжуддир. Умуман, ахли хат “сууд” қоидасини хат санъатининг самараси деб атайдилар. Чунки айни “сууд”да хаттот санъатининг кучи мужассам топади. Шунинг учун ҳам хаттотлар настаълиқ хатида “сууд” қоидасини юксак даражада адо этишга ҳаракат қиласидилар.

6. “Ташмирун” –  – яъни “ташмир”. Араб тилида “этакни ёки кийимнинг ён барини кўтариш” ёки “енгни қайириш” маъносини ифодаловчи бу сўз хаттотликда ёйсимон ёки ярим доира шаклидаги ҳарфларнинг охирини эгиш ва ингичка қилиб тугаллаш маъносида қўлланади. Настаълиқ хати учун бу қоида фоят муҳимдир. Чунки, аксарият ҳарфларнинг охири ташмир билан тугатилади. Бу ҳол, бир томондан настаълиқ хатининг нафосатини таъминласа, иккинчи томондан эса настаълиқ хатининг бошқа хатлардан айрича фарқини намоён қиласиди. Шунинг билан бирга ёзув жиҳатидан “ташмир” хаттот маҳорати ва унинг шахсий санъати (яъни индивидуаллиги)ни мукаммал гавдалантиради. Шунга кўра хаттотлар насталиқ хатини битишда “ташмир” қоидасига алоҳида аҳамият берадилар. Зотан, бу қоида хаттотнинг қалам ушлаши (“имсоки қалам”)дан тортиб, то қалам ~~юритиши~~ (“тахрики қалам”)гача аниқ намоён қиласиди.

7. “Нузулун” –  – яъни “нузул” ёки “нозил”. Араб тилида “тушиш”, “юқоридан пастга тусиши”, “иниш” маъноларини билдирувчи бу сўз хаттотликда ҳарфларнинг тик (вертикаль) бўлакларини битишда қаламнинг юқоридан пастга томон ҳаракатини ифода қиласиди. Бу амални адо этишда қаламни тўғри ушлаш (“имсоки қалам”) фоят муҳимдир. Акс ҳолда, қалам хат таълимида талаб этилган “ярим қалам” йўғонлигига эмас, балки “бир қалам”

йўғонлигига чизик тортади. Оқибатда, пастга тушилган сари қалам учи (“нўги қалам”)нинг “ваҳший” томонини юритиш имкони йўқола боради. Бу эса юқоридан тик равиша тортилган ҳарф бўллагининг оҳири ингичка бўлиб тугалланмайди деган сўздир. Шунинг учун ҳам хаттотлар кўринишидан ниҳоятда оддий туюлган “нузул”ни кўплаб машқ қилгандар.

8. “Ирсолун” – – яъни “ирсол”. Аслида, араб тилида бу сўз “юбориш”, “етказиш” маъноларини билдиурсада, хат санъатида кўндаланг ҳарфларнинг охирини чўзиб ёзиш амалини ифода қиласди. Бошқача айтганда, “ирсол” ҳарфларнинг охирини эгиш амали бўлмиш “ташмир”дан воз кечиш демакдир. Зотан, манбаларда қайд этилишича, бу ҳол, сатр (қатор)ни тўлатиш заруриятидан келиб чиққандир. Бироқ хаттотлар бу заруриятни нафосат томон бура билдиilar ва настаълик хатида бир сира ҳарфларни фақат сатр охиридагина эмас, балки ўзаро бирикиш (“таркиб”) жараёнида ҳам худди “узун син” ҳарфи сингари чўзиб улаш санъатини ихтиро қилдилар.

Озарбайжон олимни ва хаттоти Фулом Дорободий ўзининг “Каллиграфия” (Баку – 1953) номли асарида ёзишича, чўзиб улаш санъатини настаълик хатидаги барча ҳарфларга нисбатан қўллаб бўлмайди. Балки, маълум ҳарфларгагина нисбатан қўллаш мумкин бўлиб, у ҳарфлар қуйидагилардир:

	- مبارزه	
	- جدي	

شیر	- شیر	س
ص	- ص	ض
ظالم	- ظالم	ط
تعلیم	- تعلیم	ع
وف	- وفا	ف
معتدل	- معتدل	ق
همت	- همت	ه
مندرجات	- مندرجات	ن
ہر	- ہر	ہ
پیر	- پیر	پ

Аммо ҳарфларни чўзиб улаш барча сўзларга ҳам нафосат баҳш эта бермайди.

Жумладан “мим”  – ҳарфининг “Маҳмуд”

сўзида чўзиб уланиши, хаттотлар фикрича, чиройли эмас. Аммо, “Муҳаммад” сўзида эса чиройли ҳисобланади:



Шунингдек, ҳарфларни чўзиб улаш санъатини қай йўсинда адо этиш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга моликдир. Зотан, бу ҳол сўзниң чиройли ёзилишинигина эмас, балки ўқиш қулайлигини ҳам таъминлайди:

<i>Маҳмуд</i>	<i>Номаҳмуд</i>
اكتف	اكتفا
تعظ	تعظیم
وشیق	وشیقة

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, айрим сўзларда икки ёки ундан ортиқ ҳарфларни чўзиб улаш имконияти мавжуд бўлади. Бундай кезларда барча ҳарфлар чўзиб уланса, бу санъат ўз нафосатини йўқотади. Шунинг учун хаттотлар бу ҳарфлардан биттасинигина танлаб олиб, уни узайтириб улашни тавсия қиладилар. Қоидага биноан хаттотлар сўз ўртасидаги чўзиш мумкин бўлган битта ҳарфни чўзиб ёзадилар. Чунки шундай қилингандагина ҳақиқий улаш амали адо этилган ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, одатда, етук хаттотлар сўз бошидаги биринчи ҳарфни асло чўзиб, “ирсол” билан ёзмайдилар.

Ана шу қоида хаттотлар заковати билан сўзлардан ўтиб байтларга, бошқача айтганда “жузъий” таркиб”дан “куллий таркиб”га ҳам кўчгандир. Шунга кўра хаттотлар газал байтларини битар эканлар, мисра ўртасидаги бир сўзни чўзиб улаганлар. Масалан, буюк хаттот Султон Али Машҳадий улуғ Алийшер Навоийнинг бир рубоийсини шундай битган эди:

يَارِبَكَ عَنْهُ أَسْتَكْنُ بِأَرْأِيلِ مَسْكَنِكَ

Айни шу ҳолат иккинчи мисрада ҳам такрорлангандир:

وَلَوْغَدَاهَا سْتَكْنُ بِأَرْأِيلِ مَسْكَنِكَ

Баъзи ҳолларда эса хаттотлар ҳар бир мисрада иккитадан сўзни “ирсол” билан битадилар. Одатда бундай чўзиб ёзилган сўзлар мисранинг ўртасида эмас, балки икки ёнида келади. Жумладан, Муниснинг “Саводи таълим” рисоласида шундай миссаалар бўс:

# تىلىم مېنبرى غۇشاق

ёки:

## پەزىم تىلىم آتىغى مەسىز

Албатта, бундай вазиятлар ҳамиша ҳам намоён бўла бермаслиги табиий. Аммо заковатли хаттолар мавжуд имкониятни асло қўлдан бой бермаганлар ва ўз ўрнида чўзиб ёзиш (“ирсол”) қоидасини адо этишга ҳаракат қилганлар.

Бироқ такрор айтиш керакки, “ирсол” ёзувда фақат нафосат учун эмас, балки мазмун учун хизмат қилади. Жумладан, настаълиқ хатида битилган тўрт ҳарфли

يىسار

“ясар” сўзининг икки нуқтаси сал кейинроқ сурилиб, унинг ўрнига бир нуқта қўйилса, беш ҳарфли форсча

بىسەر

“бисёр” сўзи ҳосил бўлади. Бу ерда сўзниң ёзув шаклида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмайди. Аммо айни шу сўзларни “ирсол” асосида, хаттолар таъбирича, “сини ирсол” (яъни чўзилган “син”) ёки “кашида “син” (яъни чизиқсимон “син”) билан чўзиб ёзилса, уларниң шакли қўйидагича ўзаради:

# بَيْر بَيْر

Энди бу сўзларни мазмунан бехато фарқлаш мумкин. Чунки бу ўринда “ирсол” шаклан маънога хизмат қилмоқда. Иккинчидан эса, “ирсол”нинг сўз маъносига алоқадор бўлган талаффуз билан боғлиқлиги бор. Жўмладан, “танқид” сўзи ҳеч вақт “тааанқид” деб талаффуз қилинмайди, балки ҳамиша “танқииид” деб иккинчи бўғини чўзиб айтилади. Шунга кўра хаттотлар бу сўзнинг иккинчи бўғинини “ирсол” билан ёзадиларки, унда анъ ўша талаффуз ўз ифодасини топади:

شقيق

Шунингдек, “фақат” сўзини чўзиб талаффуз қилиш унчалик маъқул эмас. Хаттотлар ҳам бу сўзни чўзиб ёзгандан кўра қисқа ёзишни маъқул кўрадилар:


فقط → эмас → فقط


Булардан кўринадики, хаттотлар “ирсол”ни бемақсад эмас, балки бир вақтнинг ўзида ҳам нафосат ва ҳам маънони назарда тутиб қўллаганлар.

Одатда, “ирсол” тортиш чоғида хаттотлар қаламни суръат билан юритар эканлар, қўлни қалам ихтиёрига қўйиб берганлар. Бошқача айтганда, кўл қаламни юритаётгандек эмас, балки қалам қўлни илгари тортаётгандек тасаввур қилинган. Бу ҳол, қаламни сиқиб ушламаслик, уни нихоятда оҳисталик билан у ёқ ёки бу ёқка бураш ва асло тўхтатмасликни тақазо қиласди. Айни замонда бу ишнинг муваффақияти сиёҳнинг қуюқ ва суюқлиги, қофознинг силлиқлиги ва ҳамда қаламнинг ўткирлигига ҳам боғлиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Шу тариқа, юқорида санаб ўтилган қоидалар ҳуснихат санъатининг асосий йўлланмалари сифатида асрлар давомида хаттотларга хизмат қилиб келдилар. Кейинча, настаълиқ хатининг ихтирочиси Хожа Мир Али Табризий булар қаторига яна қуидаги тўрт қоидани қўшди:

1. “Қувват” –  араб тилида “куч”, “қудрат” маъноларини билдирувчи бу сўз хаттотликда “босим”, “босиш” (хат ёзаётганд) деб талқин қилинади. Муҳими шундаки, хат битишда бу сўз ўз маъносига зид вазифани адо этиш ҳолатини англатади. Негаки, араб ёзувида қалам асло босилмайди, балки аксинча, имкон борича ўз эркига қўйиб берилади ва айни замонда қалам имкониятидан мукаммал фойдаланишга ҳаракат қилинади. Шунга кўра, хаттотликда “қувват” тушунчаси қаламни куч билан босиб ёзишни эмас, балки уни оҳисталик билан ушлаб, текис ва равон ёзиш санъатини ифода қиласди.

2. “Зъоф” –  араб тилида “кучсизлик”, “ҳолсизлик” маъноларини билдирувчи бу сўз хаттотликда “ингичкалаштирмақ”, “нозиклаштирмақ”, “нағислаштирмақ” маъносида қўлланади. Бунда араб алифбосидаги аксарият ҳарфлар “доманаси”нинг охирини ингичкалаштириш ва бъязи ҳарф ёки ҳарф бўлакларидаги учли ўринларни нозик қилиб чиқариш амали назарда тутилади. Бироқ бу амални адо этиш оғизда осон. Хаттотликда эса бу иш қалам учи (“нўги қалам”)дан тортиб, уни ушлаш (“имсоки қалам”) ва юритиш (“таҳрики қалам”) хамда қалам “шақ” (қалам учининг ваҳший ва унсий томони)ларини ўз ўрнида қўллашгача бўлган барча амалларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам “зъоф”да хаттотнинг шахсий маҳорати ва чуқур билими яққол кўзга ташланади.

3. “Сатх” –  – араб тилида “юза” маъносини билдирувчи бу сўз хаттотликда ҳарфларнинг

қаламни бор йўғонлиги билан битилган тўғри бўлаклари маъносида қўлланади. Одатда, бундай бўлаклар асосан кўндаланг ҳолатда намоён бўлади. Умуман эса, настаълик хатидаги ҳар бир ҳарфнинг ўз “сатхи” бор. Шунга кўра зич битилган матнлардаги ҳарфларни “сатх” воситасида аниқ кўрамиз ва тўғри ўқимиз. Бу ҳол хаттотлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг учун ҳам устод хаттотлар қаламида битилган сўзларга дикқат билан қаралса, уларнинг “сатх” амалига алоҳида жиддийлик билан ёндашганлари аниқ кўзга ташланади ва уларнинг қалам ихтиёрини ўта санъаткорлик билан ўз қўлларига олганлари тўлиқ сезилади.

4. “Давр” –  – форс тилида “айланиш” (ўз ўқи атрофида), ёки “доира” маъносидаги бу сўз хаттотлиқда ҳарфларнинг эгилган бўлакларини ифодалаш максадида қўлланади. Бу ўринда, араб ёзувидаги ўша эгик бўлакларни ўз ўрнига қўя билиш ва хат талабига мос равишда нафис чиқариш назарда тутилади. Шунинг учун ҳам “давр”да “қалам юритиш” (“таҳрики қалам”) биринчи ўринда туради ва у бевосита хаттотнинг ҳақиқий санъаткорлигини намойиш қиласади.


Шундай қилиб, мазкур қоидалар йиллар мобайнинда устоддан шогирдга ўтувчи анъанага айланади ва асрлар давомида қонун даражасига кўтарилиб, хаттотлик санъатининг бош дастури бўлиб қолди. Неча асрлар давомида устодлар ўз шогирдларига ана шу ўн икки қоида асосида хат санъатидан сабоқ бериб келдилар. Жумладан, буюк хаттот Султон Али Машҳадий шундай насиҳат қиласади:

Нақл қилмоқ бўлсанг сен ҳар бир хатни ,  
Эҳтиёт бўл, урма совуқ пўлатни.  
Ҳар ҳарфига яхши боку, ўйла, бил,  
Фофил бўлма, уни кўп эҳтиёт қил.  
Ҳарфлари катта-кичикмикан, бок,  
Бир-бирига қандай кўшилган ҳар чок.  
Сууд билан нузул қандайлигин кўр,  
Ундан-бундан боқиб хат яратгин зўр.

Харф шамрасидан бўлгин хабардор,  
То хат бўлсин тўғри, пок ва беғубор.

Юқоридаги қоидалар ва ушбу насиҳатларга суюниб,  
“муқаттаот” машқларига киришган ҳавсмандларимизга сўнгти  
маслаҳатларимиз қуидагилардан иборат:

1. Авваламбор, келтирилган намуналарни ўқиб, мазмуни билан танишинг.
2. Намуналарни диққат билан кузатиб, уларнинг ҳарф бўлаклари ва таркибларини ўрганинг.
3. Намуналарда мавжуд хат қоидаларини аниқланг ва уларнинг қай даража адо этилганини кузатинг.
4. Намуналарга боқиб, фикран қалам ҳарақатини тақрорланг.
5. Намуналардан бир қаторини қаламни тўғри ушлаган ҳолда хат қоидаларига амал қилиб кўчиринг ва уни яна қайтакайта кўчириб, қўлни хатга ўргатинг.
6. Кўчирган машқингизни намунага қарамай, ёддан мустақил ёзинг. Сўнгра намуна билан қиёслаб, фарқларини аниқланг.
7. Кўплаб кўчириб ёзинг. Бунда гўзал битилган асл манбалардан намуна сифатида фойдаланинг.
8. Кўчирган машқларингизни ташлаб юборманг, балки уларни эҳтиёт қилиб асранг.







لهم  
لهم  
لهم

هـ زـ اـ نـ بـ زـ رـ بـ اـ مـ اـ حـ

دُلْجِنْ كِبِيرْ عَنْتَرْ

پَيْغَامْ بَرْ

شمعونی پیغمبر  
لهم اقامنی سکایم

خداوند می خواهد بین خود  
بین خود خواهد بود امروز خنازیر

شیخ مولف نسیب

شیخ ابراهیم  
شیخ الحکیم

زیارت  
بستان  
کلیل  
ازم دوست  
پیشانی  
اوچاف  
پیش  
کلیل  
اوچاف  
کلیل  
اوچاف

میتوانند  
که اینها را  
آنچه از آنها  
که اینها را  
آنچه از آنها

کمال پیغمبر اولین  
کمال پیغمبر اولین  
کمال پیغمبر اولین  
کمال پیغمبر اولین

جهان پیغمبر اولین  
جهان پیغمبر اولین  
جهان پیغمبر اولین  
جهان پیغمبر اولین

نی خلیو  
نی پیمان  
نی شیخ  
نی شیخ

نی فنا که  
نی اولی از  
نی ملا

نی کامیاب  
نی پیمان  
نی شیخ  
نی شیخ

نی فنا که  
نی اولی از  
نی ملا

اُق و قىزىل قىرىخانىن	بۇ سۈن مېنىڭ لەطىف وۇنگىن
بۇ سۈن سارىيغۇ ئەيل خىل	آقى بۇ بابان سارىيغۇ ئەيل
يىعنى كەبۈش او لماسون دااغى خاما	سەخت او سۈن پەبارچە ئەلام
بىمادا نىكىچىلە يۈغۇنوب.	اسەرەت را آق او لماسون كوب.
قوماكە فەتمە دۈر زىيانى	بۇ ساسونگى دا بۇغۇن نىشان
پۇينىئى اتىھا بار دو آرفت	يا سىنسا قىلم قىلىخىست
مەرىھ دىيدىلا را ئى مەطلۇق	يا قىسىقا يېب او لىسى تورت باقى

## Сўнг сўз

Бу китобни мен Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳамид Сулаймонов номидаги Кўлёэмалар институтида хизмат қилувчи ҳамкасларим ва айрим олий ўкув юрти домлаларининг илтимослари, яна ҳам тўғрироғи қистовлари оқибатида тавсиф беришга мажбур бўлдим. Аслида, мен маҳсус шарқшунослик олий ўкув юртида эмас, балки Тошкент четтиллар педагогика институтининг инглиз тили бўлимида таҳсил кўрганман. Араб ёзувидаги матнларга авваллари ҳам кўз ташлаб, баъзи сўзпарни зўр ҳавас билан ҳарфлаб ўқиб юрган бўлсан-да, 1981 йилдан эътиборан бу иш билан мунтазам жиддий шугулланишга тўғри келди. Чунки, шу йилдан бошлаб Кўлёэмалар институтида сақланаётган Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий архивидаги хужжатларни илмий тавсифлаш ишига бир қатор шарқшунос олимлар қатори мен ҳам жалб этилдим. Ана шу ерда мен ҳаётимда биринчи бор ҳақиқий матншуносликка дуч келдим. Бағоят масъулиятли, айни замонда ниҳоятда завқли бу илмни эгаллашда менга кекса матбаачи мархум Маҳмуд Иброҳимов, тилшунос олим Сафо Зуфаров ва арабшунос Сайдбек Ҳасановлар ёрдам кўлини чўздилар. Айниқса, қатағон йилларининг жабрланувчиси, ажойиб инсон Сафо Зуфаров бу ишда менга ҳиқиқий устозлик қилдилар. Шу тариқа араб алифбосидаги матнларни ўқиш малакасини ҳосил қилгач, 1986 йилдан бошлаб бизнинг замонамиизда яшаб ўтган улкан хаттот Абдуқодир Муродийнинг шахсий архивларини тавсифлашга киришдим. Бу ерда мен араб ёзувиининг ҳақиқий нафосатини кўрдим ва бу йўлда ўтмишда буюк хизматлар қилган милглий хаттотларимиз ҳақидағи маъгуомотларни ўқидим. Натижада, кўлимга қалам олиб, мустақил равишда хат машқига киришганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Аввалига якка ҳарфларни “Муфрадот” фотонусхасига қараб кўчира бошладим. Кейин, ҳарф бирикмаларини битишга тушдим. Бора-бора бутун-бутун сўзларни ёза бошладим. Бироқ ачинарли ўрни шундаки, машқларимни мен шу соҳанинг бирор билимдонига кўрсатиб, маслаҳатини олиш баҳтига мушарраф бўла олмадим. Чунки хаттотлик санъатини бевосита биладиган Абдуқодир Муродий, Мавлоно Чархий, Мулла Юнус домла Ҳакимжонов, Абдулла Носирий, Ҳамид Сулаймон, Искандар Икромов каби мўйсафиид устозлар бирин-кетин оламдан ўтишган эди. Ҳамкасларим эса, кўрсатган машқларимни фақат юксак баҳолашдан нарига ўтмадилар. Шунинг учун мен Миср, Сурия, Ироқ, Туркия, Эрон, Афғонистон, Покистон ва Озарбайжон, Қашғар мамлакатларида хат қоидаларига бағишлиб нашр этилган китобларни кўздан кечириб чиқдим ва улардан кўл саволларимга жавоблар топдим.

Аслида бу китоб “настаълик” хатидаги ёлғиз ҳарфларнигина кўрсатиб ўтишга мўлжалланган эди. Бироқ етмиш йиллик инқилобий ўзгаришлар ўзбек халқини ўз миллий ёзув маданиятидан жудо қилди. Натижада, ўтмишда саводхон бўлган ўзбек халқи бўйнига буткул саводсиз халқ деган таҳқир бўйинчалик илинди. Миллий ёзув маданиятининг барча намояндалари ва асрий анъанааларга эга бўлган ёзув муҳити тор-мор этилди. Ана ўша ёзув муҳитини маълум даражада тикламоқ мақсадида ёзув таърихи, ёзув қуроллари ва уларни ҳозирлаш тартиблари ва ҳар бир ҳарф ҳамда ҳарф бирикмаларининг ёзиши жараёнини бирма-бир баён қилдик. Шоядки, ўтмиш меросимизни қадрловчи ватандошларимиз уларни ўзлаштириб, миллий ёзув муҳитини қайта тирилтиришга ўз хиссаларини қўшсалар!

Бу борада муаллимларимиздан бағоят умидвормиз, чунки улар бу китобда келтирилган маълумотлардан ўз даражаларида фойдалансалар, баъзи ўринларда эса, кўргазмали қуроллар яратсалар нур устига аъло нур бўлур эди.

Яна бир гап шундан иборатки, 1993 йил апрел ойида Тошкент шаҳрида Эрон миллий санъатининг кўргазмаси намойиш этилди. Мазкур кўргазмага бу китоб қўллэзмасини олиб бориб, уни эронлик хаттот ўстод Жаҳонгирийга кўрсатдик. У зот бир нёча жузъий хатоларни кўрсатиш билан бирга китобдаги ёзувларни маъқул топдилар. Етук хаттот томонидан берилган бу баҳо бизни ғоят кувонтирди, чунки халқимизга асоссиз маълумотларни эмас, балки асосли билимларни тавсия қилаётганимизни исботлади.

Умуман, бу китобни ўз дастхатимизда тўрт бора кўчирдик. Ҳар гал қўйилган хатоларни тузатиш билан бирга янги маълумотларни кўша бордик. Аммо, барибир, бу китобни хатолардан мустасно дея олмаймиз. Шунинг учун, азиз китобхонларимиз китобни ўқиш ва ўрганиш жараёнида баъзи хатоларга дуч келсалар, бизга нисбатан нафрат найзасини қўлларига олиб, ғазаб отига минмасдан, аксинча, меҳр қадаҳини қўлларига олиб, шафқат шаробини ичмоқларини илтижо қиласиз, деб

*Тўхтамурод Уста Усмон ўели Зуфарий.*

*Адабий-бадиий нашр*

**Тұхтамурод ЗУФАРОВ**

# *Хат тағлими*

(Хуснихат қоидалари)

«MERIYUS» ХМНК. 100121. Тошкент.  
Усмон Носир күчаси, 158.

*Мұхаррір:* Юсуф Бердиев

*Мұсақхұх:* Ҳикоят Маҳмудова

*Компьютерда сақиғаловчы:* Нилуғар Мавлонова

*Дизайнер:* Эркин Ҳожиқұлов

Теришга берилди 25.07.2010 й. Босишига рухсат этилди 5.10.2010 й.  
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Оқ қоғозға оффсет босма усулида босилди.

17,5 босма тобок. Адади 500. Буюртма № 92.

Баҳоси келишилган нархда.

«MERIYUS» хусусий матбаа-нашриёт корхонасида чоп этилди.

Манзил: ген. Узоқов күчаси, 2 А-үй.